

Хадича ХУДОЙБЕРГЕНОВА:

«БАЙНАЛМИЛАЛЛИК ТИЛДАМАС, ДИЛДА БЎЛСИН»

1 Май...

Бу сўзни тилга олганимиз заҳоти «Тинчлик», «Халқлар дўстлиги», «Бирдамлик» деган муқаддас сўзлар ёдимизга келади. Лекин мамлакатимизнинг, шу жумладан жумҳуриятимизнинг гоҳ у гоҳ бу ерида юз бераётган миллатлараро низолар эса бу тушунчаларни жиддий синовдан ўтказмоқда. Халқимизда ажойиб удум бор: мураккаб вазиятларда кўпни кўрган, ёши улуг кишиларга маслаҳат солинади, уларнинг фикр-мулоҳазалари тингланади. Биз кўҳна анъанадан келиб чиқиб меҳнат ветерани, коммунист Хадича опа Худойбергеновага сўз бермоқчимиз. Аввало опа ҳақида икки оғиз: Хадича Худойбергенова Тошкент вилояти Калинин ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида истиқомат қилади. Уларни ўзбек ва қозоқ халқларини бир-бирига боғловчи кўнгил кўпригига ўхшатиш мумкин.

«Радио, телевизор орқали берилаётган юртимиздаги жанжалли воқеаларни эшитиб, юракларим увишиб кетади. Бу нимаси энди! Тўқликка шўхликми! Уқубатли кунлар ортада қолди, деб қувонганимизда энди буниси бормиди, деб ўйга толаман. Нимага бундай бўляпти, деб ўзимга ўзим савол берман. Биз кўп йиллар болалар тарбиясини эътибордан четда қолдирдик. Иқтисодиётимиз оқсаб қолди. Кўп йиллар виждонга, имонга хилоф иш қилинди. Кўнгил буюрганига қулоқ тутмадик. Оқибати эса хунук бўлди. Утган йили Фарғонада, Озарбайжон, Арманистонда, яқинда эса Бўка, Паркентда жанжаллар юз берди, қон тўкилди. Тожикистондаги тўпалонлар-чи! Булар ҳамма қатори мени кўп ўйлантирмоқда, ташвишга солмоқда. Буларнинг ҳаммаси турғунлик йилларида йўл қўйилган хатоларнинг меваси бўлиб дунёга келди. Тўғри гап айтганларни ёқтирмадик. Номасқул ишларни кўриб сукут сақладик. Ҳали ҳам кеч эмас. Қайта қуриш кўнгилмиздаги орзуларни амалга оширишга йўл очиб берди. Лекин ошкоралик экан, деб кўнгилга келганини гапирвериш ҳам мақбул эмас. Ҳадеб бир-бировимизга айбни ағдаравермасдан амалий ишга ўтишимиз керак. Биз, барча совет халқлари етмиш йил бирга яшадик. Энг оғир йилларда бир бурда нонни ҳам бўлиб едик. Эндиги жанжаллар ниҳоятда ачинарли ҳол. Бундан кўра қайта қуриш ишини охирига етказишни ўйлашимиз керак. Бугунги етишмовчиликларни қийинчилик деб атагим келмайди. Булар турмуш ташвишлари. Энди юз берган ноҳус воқеалардан тўғри хулоса чиқаришимиз, уларнинг минбаъд такрорланишига йўл қўймаслигимиз, сабабларини чуқур ўрганиб, барча муаммоларни бартараф этишимиз лозим. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашимиз зарур. Ахир дўстлик — тинчлигимизнинг, фаровонлигимизнинг гарови. Бунни ўнутмайлик.

Қарилликми, бошқами, билмадиму, аммо мен кейинги пайтларда ўзимнинг ёшлик йилларимни тез-тез эслайдиган бўлиб қолганман. Ешлигимиз оғир йилларга тўғри келган. Кўрмаган кунларимиз қолибди! Уруш йиллари раис муовини, пиллачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаганман. У ўзбек, бу қозоқ деган гаплар йўқ эди. Бошга қулфат тушганда ҳам, тўйда ҳам ҳаммамиз бирга эдик. Бу ерда азалдан икки миллат ёнма-ён яшайди. Бир дугонанинг отасининг исми Абдулла эди. Уни ўзбек йигитининг хотирасига қўйишган экан. Қозоқнинг уйига ўт тушганда ўша йигит болаларни қутқараман деб, қуйиб ўлган дейишади. Ота-боболаримиз ана шундай бир-бирлари учун жон фидо қилишган.

Ҳа, биз машаққатли замонларни кўрдик. Узим қийинчилик билан ўсганман. Эндигина турмуш қуриб қорним нонга тўйиб, бағрим қувончга тўлганда уруш бошланиб қолди. Турмуш ўртоғим Юсуф Худойбергенов фронтга жўнади. Йигитларни бир-бир узатиб аёллар билан қолдик. 1940 йилдан партия аъзоси эдим. Бутун оғирлик бизнинг зиммамизга тушарди. Нима бўлсаям фронтдаги оғаларимизга кўпроқ нарса жўнатишга тиришар эдик. 1942 йилнинг охирларида отасидан қора хат олдик. Смоленск остонасида ҳалок бўлди. Икки болам билан бўзлаб қолавердим. Қатортоқлик қуролдош дўсти бор эди. Агар бирон нарса бўлса уйга жўнатасан, деб унга хат бериб қўйган экан. Уша унинг сўнгги мактуби бўлди.

Орадан бир йил ўтиб дўсти ҳам ҳалок бўлибди.

Бутун алаимини ишдан олардим. Топган-тутганимни фронтга юборардим. Ҳатто қўйнинг жунидан қўлқоп тикиб аскарларга совға қилардим. Токи улар иссиқроқ кийинсин, газандаларни кўпроқ қирсин.

У пайтларда бутун колхозга битта трактор эди. Одам етишмаганидан кечалари ер чопардик. Заранг ер. Қўлларимиз қавариб, қонаб кетса ҳам нолишга ҳаққимиз йўқ эди. Агрономимиз чопган жойимизнинг чуқурлигини ўлчаб кўрарди. Саёз бўлса қайта чоптирарди. Пахта етиштириш ҳам тошда гул ундириш билан баробар эдида, болам у пайтлар.

Шудгорнинг бошида тунардик. Ҳаво салқин бўлишига қарамай болаларимизни олиб очикда ётаверардик. Уларнинг шамоллаб қолишмаганини айтгин, болам. Қорнимиз овқатга, устимиз кийимга ёлчимасди. Лекин фронтда қон кечаётган оғаларимизни ўйласак, бундай қийинчиликлар арзиманган нарса бўлиб туюларди. Бир куни нонга навбатга турганимда очликдан силласи қуриб қизчам ҳушидан кетиб қолган. Узига келгунча бўларим бўлди. Уғлим эса ниҳоятда шўх эди. Пахтага зарар етказмасин деб тутга боғлаб қўяр эдим. Уруш уларни ҳам болаларини заҳарлаган. Кўп одамлар иложсизликдан кунжара еб шишиб ўлган. Уларни кўриб уруш бошлаганларга нафратимиз ошиб кетарди. Жонимиз кўзга кўринмай ишлар эдик. Биз етиштирган нарсалар солдатларга қувват, душманга зарба эканлигини ҳис қилардик.

Шукр, болаларим улғайиб қийналганимни эсдан чиқарди. Собитжон инженерликка ўқиди. Қизим Баян ўқитувчи. Бўка районига турмушга чиққан. Иккала фарзандимдан ўн еттита набирам бор. Чевараларимнику гоҳо отини ҳам тополмайман.

Баъзан чевараларим қўни-қўшниларга ёрдам берса ота-онаси уришади. Қўй, дейман. Уришманглар. Бировнинг оғирини енгил қилишга ҳозирдан ўргансин. Такрор айтаман, биринчи галда ёшлар тарбиясига эътиборни қаратишимиз керак. Байналмилаллик деганинг тилда эмас дилда бўлиши керак. Смоленскка, турмуш ўртоғимнинг қабрини зиёрат қилгани борганимда ўрис аёллар билан дўстлашиб қолдим. Ҳозир ҳам хат ёзишиб тураман. Баъзан совғалар жўнатаман. Юракда инсонларга меҳринг бўлса, миллат ажратмайсан. Ҳамма гап ана шунда. Ешларимизнинг аҳил, тинч-тотув яшашларини истайман.»

Абдурахмон ЖУРАЕВ ёзиб олди.

АДОЛЛАТНИ ТИЖИЛГАН ҲАЁТ

Рустам акани хонасида ўйчан учратдим. Сабабини сўрагандим менга бир варақ қоғозни кўрсатди. У II даражали Кутузов орденли гвардиячи ракетачилар миномёт бригадаси ветеранлар Кенгаши йўллаган мактуб эди.

«Жуда кам қолаёмиз, — дейилган эди хатда. — Сўнгги учрашувда жанговар бригадамиз ветеранларидан 37 киши йиғилгандик. Командиримиз С. И. Запорожчук ва хотини вафот этган. Дивизия командири Батов оғир касал. Яқинда П. Засядко, М. Толсиакларни «кузатган» эдик. Уларга А. Бетухов, Б. Грубовлар кўшилди... Ҳали тугатмаган ишларимиз кўп, шошилмасак бўлмайди. Соғ бўл! Оила аъзоларингга таъзимимизни етказ... Куролдошларинг».

Шундан сўнг у киши «ёрилди»лар. Ажинсиз салобатли чехрасига, тик қомаги-ю қатъият билан сўзлашига қараб ҳаётнинг аёвсиз ташвишлари чиғиридан ўтган, доимо нотинч, жанговар ва заҳматкаш қалб эгасини «Рустам достон» номи билан бежиз аташмаганлари, букилмас иродали одамлар доимо сафда бўлишларини эсладим.

Рустам ака 1922 йил декабрда Нурота шаҳрида дунёга келди.

Отаси Муҳаммад камбағал чорикорлардан бўлиб, шаҳар чеккасидаги инқилоб «тортиқ қилган» бир парча ерда деҳқончилик қилиб бола-чақасини боқарди. Нонни «қулоққа ўлчаб», кучлироқлар заифларникини «туя қилиб» берадиган даврлар. Колхозлаштириш, қулоқ қилиш каби сиёсатлардаги «салла ўрнига калла келтириш», «қош кўйишда адашиб кўз чиқариш» ҳоллари бу хонадонга ҳам кўланка солди. Мамлакатда ҳукм сурган очлик ва тўфонлар аввал отани, орадан йил ўтмай онани ҳаётдан кўз юмдирди. Икки гўдак изиллашиб етим қолди. 10 ёшли Рустам интернат-етимхонадан паноҳ топди.

— Узоқ вақтгача кўника олмай юрдим, — деб хотирлайди у. — Дадам бўйнига миндириб ўйнатади, белбоғи қатидан майиз, туршак олиб беради. Баъзан қовун сўйиб едиради. Ойим менга қараб тўймайдилар, бағриларига босганлари-босган. Қувониб кетаман. Тўлиб-тошиб куламан. Уйғонганимда эса... Ханузгача уларнинг сиймолари ҳаёлимда муҳрланиб қолган...

Мамлакатни «қатағон қирғини» қамраб олган йиллар. Етимхонадаги мураббийлар ва тақдирдошлари Рустам дардига оз-моз малҳам бўлар, орттирган зоғора кулча, бир тишлам каллақанд ёки ҳовуч мағизни кўйнига яшириб, онда-сонда хабар оладиган акаси Истам унинг қалбига овунч бағишларди. Лекин нимагадир «анавини обкетибди, фалончини обкетибди» деган гаплар кўпая бошлади. «Обкетибди»ни Рустам тушунади. Сартарошлик қиладиган амакиси Авазни ҳам беҳос турмушдан нолиб кўйгани учун «обкетишган» эди. Бедарак кетди. Одамлардан бирон фикр эшитиш қийин — бир-биридан гумонсираб ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолган. Бу орада унинг бирдан-бир дардлашадигани акаси — сартарошга шогирдлик қилаётган Истамни армия хизматида чақириб қолишди. Мушаклари энди қувватга кирабошлаган Рустам ҳам ўз кучини чамалаб кўриб, «мен ҳам ҳарбийга бораман» деган қатъий фикрга келди ва ёши етмаслигига қарамай солдатлик формасини кийди.

Фашист газандалари Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирган пайтда у Слуцк шаҳридаги 55-дивизиянинг 228-ўқчи полкида оддий аскар бўлиб хизмат қилаётган эди. Қардош Беларуссиянинг Картус-Березовский, Березина, Пропаиск шаҳарлари учун кечган даҳшатли жанглар, чекинишлар ва ҳужумлар Рустамнинг кўпга сафдошларини бевақт ҳаётдан олиб кетди.

Оддий аскар Рустам Муҳамедов 1942 йил август ойида Челябинск область Миасс шаҳрига кўчиб ўтган 1-Москва гвардиячи миномёт-артиллерия билим юртига ўқишга юборилди. 1943 йил декабрда билим юртини муваффақият билан тамомлаган ёш офицер 2-Украина фронтга йўл олди. Бу ерда у олдинги маррада жанг қилаётган 27-миномётчилар бригадасига взвод командири қилиб тайинланди. Улуғ Ватан уруши йилномасидан муносиб жой олган Корсун-Шевченко, Яссо-Кишинёв, Ясло-Борлицк операцияларида Рустам Муҳамедовнинг взводи кўп жасорат кўрсатди. У Қизил Юлдуз, Ватан уруши орденлари ва ўнлаб медаллар билан тақдирланди.

Уруш садолари барҳам топгандан кейин ҳам Муҳамедов жанговар сафда яна уч йил қолиб кетди. Уйдан чиқиб кетганига саккиз йил тўлганда Рустам ака ҳуқуқни ўрганишга қатъий қарор қилди...

1948 йилда Рустам Муҳамедов Тошкентга қайтди ва ҳуқуқшунослик мактабига ўқишга кирди. Икки йилдан сўнг эса узоқ Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрига прокурор ёрдамчиси вазифасига ишга йўланма олди, яна икки йил ўтмасдан Шеробод районига прокурор қилиб тайинланди. Оқни қорадан, ҳалолликни нопокликдан ажратиш, заифларни зўравонлардан, меҳнаткашни ўғридан ҳимоя қилиш, фуқарони адолат кучи билан дардига малҳам бўлиш унинг ҳаёт мақсадига айланди. Бу ишда фақат матонат, ҳалоллик ва жонкуярлик камлик қиларди. Чўқур юридик билим талаб қилинарди. Рустам ака Тошкент дорилфунуни ҳуқуқшунослик факультетининг сиртки бўлимини тугатди.

Уруш талофатлари чўқур из қолдирган, мамлакат экономикаси ўзини ўнглаб ололмай «инграр»ди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда қонунчиликка дарз кетар, ўзининг адолатли ечимини кутарди. Республика прокуратураси 1955 йилда Қорқалпоғистон мухтор

жумҳуриятидаги аҳволни эътиборга олиб Рустам акани у ерга, умумий назорат ишларини бошқариш учун жўнатди. Уч йил ўтмасдан Тўрткўл ва Беруний районларига районлараро прокурор этиб тайинланди. Яна сал ўтмай мазкур жумҳурияда қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш идораларининг бошлиғи — республика прокурори вазифаси ишониб топширилди.

Бу пайтга келиб, турли поғоналарда шуҳратпарастлар пайдо бўла бошлаган, кўзбўямачилик, порахўрлик, давлат мулкани, халқ маблағини чегириб қолиб ўз чўнтагини қаппайтиришга уринишлар томир ота бошлаганди. «Ўзи хон — кўланкаси майдон»лар бош кўтараётган эди.

Собиқ жангчи Рустам ака эса адолат постида сергак турар, халқ мулкани «туя» қиладиганларга шафқатсиз эди. Тўрткўл район партия комитетининг биринчи секретари Я. Абдалов, Кегейли районидаги биринчи котиб Давлатмуродов, жумҳурият пахта трести бошқарувчиси Харченко ва бошқа казо-казолар бошчилигидаги жиноий гуруҳларни аёвсиз фош қилиб ташлади. Булар Рустам акага осон кечган эмас. Чунки уларнинг орқасида...

Қорқалпоғистон область партия комитети ва



Бошқа жумҳурият раҳбарлари бу «қулоқсиз прокурор»нинг оёғидан чалиш пайига тушдилар. Қилдан қийқ ахтара бошланди. Яхшиликча ҳам айтишди, дўқлаб ҳам кўришди. Унинг жавоби эса доимо битта: — «Шу йўлга ҳаётимни тикканман. Чекиниш йўқ...»

Шунда партия номидан юқори идораларга ўз гаёсирини ўтказиб юрган область биринчи котибининг хаёлига марказга жумҳуриятдаги қонунсизликларнинг айбдори — прокурорнинг «лаёқатсизлиги» деб айтиш фикри келди. Лекин «телефон»га улгурмасдан фиғони фалак бўлди. Машҳур Нюрнберг процессидан сўнг доғруғи оламга ёйилган — СССР Бош прокурори Роман Андреевич Руденкодан Рустам Мухамедовни чет эл сафарига ҳамроҳликка чорловчи хабар келиб қолди...

СССР Бош прокурори 23 апрель 1965 йилда Катта адлия маслаҳатчиси Мухамедовни Хоразм областига прокурор этиб тайинлаш ҳақидаги буйруққа имзо чекди. Адолат учун кураш давом этарди...

1967 йилда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Рустам Мухамедовга «Шавкатли меҳнати учун» медали, 1968 йил 1 ноябрда 3 даражали давлат адлия маслаҳатчиси — генерал унвони берилди. Рустам ака ролпа-роса ўн йил мазкур вилоят прокуратурасини бошқарди, бир қанча медал ва ёрликлар билан тақдирланди, депутат сифатида ҳам эл хизматида бўлди. 1975 йилдан то шу кунгача республика прокуратураси аппаратида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

Рустам акани ўйлантирадиган муаммолар кўп, лекин уларнинг энг оғир дарди-ташвиши — ота-она меҳридан эрта маҳрум бўлганлар ҳамда тирик етимлар муаммоси эди. Оилавий муносабатлар бир нисбатга келмаганлиги, қонунлардаги номукаммалликлар, бўлар-бўлмасга оилалар синаётганлиги оқибатида тўкилаётган кўз ёшлар, мўлтираб турган ғамгин болалар чехралари ўйлантирарди уни. Рустам ака шу муаммонинг ҳуқуқий илдиэларини ахтарди. Оиланинг тарихидан ҳозирги аҳолига алоқадор ҳужжатларни чиғириқдан ўтказди. Юзлаб мақола-лар, лекциялар, монографиялар тайёрлади.

Бутуниттифоқ «Социалистическая законность» журнали Рустам Мухамедов ҳақида «Октябрь инсонлар тақдирида» рубрикаси остида бир мақола берган эди. Қўйида ўша мақоладан кичик парча келтирмоқчиман.

«Жазирама кунлардан бирида генераллик мундирида кўрагига орден-медалларини тақиб олган Рустам Мухамедовни кўриб ишхонадагилар ҳайрон бўлишди — иссиқдан ҳатто кўйлақ ҳам оғирлик қиларди. Бу кун на байрам, на бирор тадбир белгиланмаган. «Мен — болалар уйига, етимлар ёнига бораяпман», — деди у ҳамкасбларига чиқиб кета туриб. Болалар уйи — бу унинг иккинчи рўзгорига айланган. Унда инсонга ёрдам бериш, муҳтожга таянч бўлиш, адолат учун кураш ҳисси ана шундай даргоҳда куртак чиқарган. Сиртдан болаларга хушқайфият бағишлаш учун серзавқ кўринишга уринади. Аммо... Шу замонда ҳам етимлар, айниқса ота-онаси бўлатуриб тирик етимлар бўлиши... каби ташвишли ўйларга етаклайдиган саволлар уни қийнайди».

Ҳар гал у билан учрашувни болалар интиқ бўлиб кутишади.

«Елғиз отнинг чанги чиқса ҳам донги чиқмайди» — деганларидек Рустам ака ҳеч қачон яққа курашиш тарафдори бўлган эмас. Бу нарсга у жанг майдонларида ишонч ҳосил қилган. У бошқарган миномёт расчёти бир тан-бир жон бўлиш билангина ғолиб бўлишганини билди. — «Шахси намуна бўлиш ҳам етарли эмас. Мурасасизлар армиясини тузиш керак. Ёшларни ёнингга тортиш, уларга эринмасдан, мақсадга эришиш йўлини ўргатиш, эл-халқ дардини сезиб туриш, бу йўлда қайғуриш, курашиш, курашганда ҳам тўлақонли, саводли ва топқирлик билан курашишни сингдириб бориш лозим», — дейди Мухамедов.

Рустам ака ва турмуш ўртоғи Анвархон опанинг еттита фарзандлари бор. Катта ўғил — Азамат ота изидан бориб, юридик маълумот олди. Ҳозир ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. Матлуба Тошкент олий партия мактабида муаллима, Мавлудахон ўрта мактабда раҳбар, Ҳилола Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясида илмий ходима, Алишер прокуратура ходими.

Байрам кунлари жужуқлашиб тўпланадиган неваралар Рустам ака билан Анвархон опанинг бағриларини тўлдирардилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, СССР прокуратурасининг фахрий ходими, ҳуқуқ тарғиботчиси, офицер жангчи, прокурор, генерал, олим, мураббий Рустам Мухамедов бугун ҳам сафда. Улар жумҳуриятимизда социал адолат тантана қилиши учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Биз уруш ветерани Рустам акани Улуғ Ватан урушида қозонилган улуғ ғалабанинг 45 йиллиги байрами билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ.

Инсон фаровон турмуш кечирмоғи учун аввало соғлом, юрт эса тинч бўлиши керак. Осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз тинч бўлса алпомиш келбатли бўз йигитларнинг умри ҳеч қачон бевақт хазон бўлмайди.

Буларни эслаганимда афғон тупроғида байналмилал бурчини ўташ чоғида 18—19 ёшда ҳалок бўлган ҳамюртларим кўз ўнгимизда намоён бўлади. Улар — Адиз Тўраев, Шавкат Файзиев, Баҳром Ашуровлар эди.

Бухоро вилояти Бухоро ноҳиясидаги Усмон Юсупов номли колхознинг Диёсий қишлоғидаги Тўраевлар хонадонида бизни ўрта бўйли, қорачадан келган Адизжоннинг отаси Ашур ака қарши олди. Адизжон оиланинг бош фарзанди экан. Бу оилада тағин 5 қиз ва 2 ўғил тарбия топмоқда.

— Ўғлимни эслаб бизларни йўқлаб келибсизлар, раҳмат, — дея гап бошлади Ашур ака. — Ўғлим тенги йўқ йигит эди. Кўргулик экан, ундан жудо бўлди... Адизжон ҳазилкаш, шўх, бироқ жуда итоткор эди. Бир кун ироқлари билан бир жойга базмга кетаётган экан. Ишдан қайтишда дуч келиб қолдим. Бемаҳалда кетаётганидан норозилигимни қарашимдан оқ сезиб, индамай уйга қайтди. Хафалигини сездирмади ҳам.

— Болагинамнинг орзулари кўп эди. «Онажон, ҳали армиядан қайтиб келай, насиб бўлса бу ўйларни бузамиз, чиройли қилиб янгисини курашимиз, — деганди кетар чоғида, — кўзида юм-юм ёш билан гапирди оназор. — Тракторчиликка ўқиб олган ҳужжатларини эҳтиётлаб қўйишимни қайта-қайта тайинлаганди болам бечора. Қайтгач, албатта, тракторчи бўламан, ишлаб оилага ёрдам бераман, ўшанда сиз қўлингизни совуқ сувга ҳам урмайсиз! Бу гапларни айтиш ўз оёғи билан кетган ўғилгинамни темир тубутда олиб келишди.

син ахир? Тўнғич ўғиллари Аминжон кетма-кетига уч йил ўқишга киролмаган, бунинг устига 2 қизи ва бир ўғиллари туғма ожиз бўлса.

— Ҳа, Шавкатжон фарзандларим орасида бошқача эди, — дейди чуқур хўрсиниб Аҳмад ака, — Эҳ, унинг қилиқларини, характерини эсласам... Биринчи курсни тугатиб Тошкентдан ҳарбийга кетди. Уни кузатолмай қолдим. Олиснинг иши қийин экан. Ўғлим ҳам кетадиган кунигина бизга хабар жўнатибди. Ушанда 1986 йилнинг майи эди. Саҳарлаб Когон вокзалига чиқиб кун бўйи ўтган поездларга қараб, ўғлимни учратмадим. Ҳатто, вагонма-вагон юриб изладим. Охири эртага келарман, дея соат 6 ларда уйга қайтдим. Аксига олиб унинг поезди соат 8 да вокзалга келган экан. Бечора болагина 40 минутларча йўлимизга кўз тиккан.

Биринчи хати Ашхободдан келди. Адресни олиб-қўйиб ўғилга отландим, бориб ўғлимни кўрдим. Мана бу ўша ерда бирга тушган суратимиз, унинг охири расми. Буни қарангки, ўша ерда ҳам ҳеч сир бой бермайди. Асли ўзи биларкан қаерга жўнатилишини. Биз Афғонистонга кетишидан беҳабар эдик. Катта ўғлим Аминжон ҳам 1979 йили Афғон юртида хизматда бўлди. Тағин буниси кетиб... Май ойидан ноябрь ойигача Ашхободда машқ ўтаб, Афғонистонга борганига атиги 11 кун бўлганида командиридан телеграмма келди... Аҳмад аканинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

Ҳа, ҳеч кимга фарзанд доғини кўрсатмасин. Шўхшодон, ўз уйларидан тўрт мучаси соғ чиқиб кетган йигитларимиз хонадонларни тўйхонага айлантириб, ўз оёқлари билан кириб келишсин. Ота-она учун эса бундан ҳам катта бахт борми бу ёруғ дунёда?..


ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...



Адиз ТЎРАЕВ



Шавкат ФАЙЗИЕВ



Баҳром АШУРОВ

— Мана булар ўғлимдан қолган ёдгорлик, — дея оназор қоғозга ўроғли нарсаларни олдимиизга қўйди. Уларни бир-бир варақлаймиз: тракторчи — машинистлик гувоҳномаси. Комсомол билети, паспорт, 1989 йил март ойида кўрсатган жасорати учун берилган «Миннатдор афғон халқи номидан байналмилал-жангчи» ҳамда «Жанговар хизматлари учун» медаллари, булар ёнида Адизжонга ўлимидан сўнг берилган «Қизил Юлдуз» ордени.

Бизни кузатиб чиққан Ашур ака дардини тўкиб солди: «Биласизми, гўё ўғлим тирикдек, ўлганига сира ишонгим келмайди. Қолаверса, ҳарбий билети ҳанузгача йўқ, олиб келишмади. Ахир ҳарбий билет солдат ўлган бўлса ҳарбий комиссариатда, тирик бўлса солдатнинг ўзида бўлиши керак эмасми? Умидворлик билан мурожаат қилмаган жойим қолмади. Ҳарбий комиссариатдагилар аниқ бир фикр айтишмайди. Аҳволимиз ҳам яхши эмас. Онанинг тоби тез-тез қочиб туради. Қанча мурожаат қилдик, лекин ҳанузгача телефон ўтказиб берганлари йўқ. Ҳар киш кўмир муаммоси қийнайди. Йўқ-йўқларнинг эса адоғи йўқ... Ҳатто қизимиз Холидани оилага қарашасан деб мактабдан чиқариб олганмиз. У эса ўқийман дейди...»

Ҳа, Ашур ака билан Мухаррам опаларга қийин. Оилада муаммолар ҳам етарли. Лекин улар ўзбекчилик деб, андиша қилишиб колхоз раҳбарларига бормайди.

— Дадажон, ойижон, мени табрикланг, ўқишга кириб келдим! Энди Тошкентдаги электр-техника медицина техникумининг оптика бўлимида ўқийман! — Шавкатжон бундан тўрт йил бурун уйларига Тошкентдан шундай қувнаб қайтганди. Аҳмад ака ва Тошбиби опалар ҳам роса хурсанд бўлишиб фарзандларига омад тилашгани ўшанда. Нега ҳам қувонишма-

Тутихуш қишлоғида яшовчи Карим ака хонадонини осонликча топдик. Ўғли Баҳромжон хусусида анча сўзлашдик.

— Нима ҳам дердим, қизим. Аввало ўғлимнинг хотирасини йўқлабсиз, миннатдоримиз, — деб сўз бошлади Карим ака. — Баҳромжоннинг қасби — ошпазлик эди. Армияга қақирилгунча шу қасбда ишлади. Бироқ, у сира тиниб-тинчимасди, ҳамма ишни удалларди, ишдан келгач ўзини томорқага урарди. Мана энди ундан шу жойдаги ўз қўли билан ўтказган 15—20 туп мевали дарахтлару, тоқлар ёдгорлик қолди, холос.

Шу пайт 4—5 ёшлар чамаси, қош-кўзлари қопқора, чиройлиқина бола келиб, «бобо, юринг, буви келдилар» деб қолди.

— Бу неварамиз — қизимнинг ўғилчаси, — изоҳ берди Карим ака, — шу неварам ўғлим Баҳромжонга жуда ўхшаб кетади, ҳозир у бизга, айниқса, буви-сига овунчоқ бўлиб қолди, ҳатто онасига бермай қўйганмиз.

Хотима: Биз байналмилал бурчини ўтаётиб ҳалок бўлган бу уч йигит хонадонида бўлдик. Асли тирик одам бедард эмас. Лекин ушбу жабрдийда ота-оналарнинг чексиз дарди, алами, армонлари киши юрагини эзиб юборади. Бир оғиз ширин сўз, озгина эътибор керак уларга. Шунинг учун область, район комсомол комитети раҳбарлари, Усмон Юсупов номли колхоз раҳбарлари ҳам ушбу хонадонларда тез-тез бўлишиб, ўз ширин сўзларини, марҳаматларини дариф тутмасалар! Бизнинг уларга бирдан-бир ўтинчимиз шу.

Шоира ХОЛОВА,
бухоролик журналист.

БИММА ТАДБИРНОРЛИККА СЎЯНИБ

Бугун ўзини комсомолнинг аъзоси деб билган ҳар бир йигит-қиз унинг ҳозирги аҳволи ҳақида қайғурмай иложи йўқ. Хўш, нима учун комсомолнинг обрў-эътибори кўнгилдагидек эмас? Унинг қадриятини тиклаш учун нималарга эътибор бермоқ лозим? Қандай ишларни амалга ошириш зарур? Қайта қуришда унинг роли қандай бўлмоғи керак? Ана шу саволларга жавоб излаб, биз Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент Политехника институтининг комсомол кўмитасига келдик. Дастлаб бу ерда студентлар билан учрашганимизда улардан саволларимизга етарли жавоб ололмадик. Демак, қайта қуриш шарофати ҳам ҳали ёшларнинг қалбига комсомолга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғота олмабди. Тўғрироғи, комсомол ташкилотлари ҳамон ёшларимизнинг чинакам йўлбошчисига, маслаҳатгўйига айлангани йўқ. Агар шундай бўлганда эди студентлар биз билан баҳс мунозарарага киришган бўлур эди.



Институт комсомол кўмитасига келганимизда бюро аъзолари студент қурилиш отряди ишларини кўришгаётган экан. Уларнинг муҳокамасига назар ташлаб, ўзимизнинг студентлик йилларимиз ёдимизга тушди. Уша пайтлар одатда бундай йиғилишлар ўтказилмас, қурилиш отрядига барчаннинг бориши шарт эди. Бош тортганлар стипендия ёки ётоқхонадан маҳрум бўлар эди.

Ҳозир ҳам шундаймикан?

Сўхбатни институт комсомол кўмитасининг котиби Ёдгоржон Шодмонов бошлаб берди.

— Сиз ҳақсиз, бугунги комсомолнинг обрў-эътибори ҳақида ўйламасдан иложимиз йўқ. Биз ўз-ўзимизни танқид қилавериб, гапиривериб чарчадик. Амалий ишга ўтиш пайти етди. Энди комсомолларнинг маънавий дунёсини юксалтиришга эътибор беришимиз керак.

Агар ёшларимизнинг тарбияси, билими, юксак бўлса ҳеч қачон ҳаётда қоқилмайдилар. Биз энг аввало мактабдаги тарбияга эътиборни қаратишимиз лозим.

Бир кун троллейбусда кетаётиб қизиқ бир ҳолни кузатдим. Ўриндиқда ўтирган болакай пойабзалининг лойини олдиндаги ўриндиққа суркай бошлади. Онаси дастлаб уни пайқамасди. Бирдан боласига кўзи тушиб уни тартибга чақирди ва қўлқопчаси билан лойни арттирди. «Мана, тарбияни қандай олиб бориш керак», деб ўйладим ўшанда.

Бугунги кунда институтга қабул қилинаётган ёшларнинг аксарияти эътиқодли эмас. Улар на комсомолга ва на бошқа бир нарсага ишонишадди. Илгарилар худодан қўрқибган ёки комсомолга ишонишган. Ҳозир на унисига на бунисига ишонишадди. Ёшларни эътиқодсизликдан қутқариш зарур. Техника олий ўқув юртлирида ўқиётганларнинг битта қусури бор: бадий асарларни кам ўқишадди, бизнинг мутахассислигимиз бошқа, деб адабиётга менсимай қарайдилар. Шунинг учун ҳаётда интилган орзуларига ета олмайдилар.

Ўқувчилик йилларимизда бир ўртоғимнинг ўқитувчига эътирози сира ёдимдан чиқмайди:

— Уйга борсак худо бор дейди, мактабда йўқ дейсизлар, қайси бирига ишонишимиз керак ўзи?

Ўшанда тарих домламининг босиқлик билан берган жавоби ҳаммамизга маъқул тушган эди.

— Инсоннинг ишончи худо.

Кейинчалик мактабда, комсомол ишларида юриб ёшларимизнинг ишончи комсомол бўлиши шарт, деб ўйлардим. Шундай бўлишини истар эдим. Йигит-қизларнинг ишончини қозониш учун кўп ишлашимиз, ёшларнинг кўнглига йўл топишимиз керак. Мени иш бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Утган йили октябрь ойининг бошларида, ошқора овоз бериш йўли билан сайландим. Бундай сайлов институтимиз тарихида биринчи марта бўлди. Комсомолларнинг билдирган ишончларидан ниҳоятда қувондим. Лекин уни оқлашнинг ўзи бўлмайди.

— Ҳозир комсомол ишида жонланиш сезиляпти, — қувватлади Нурилла Қаюмов.



кин бу билан колхозчиларнинг турмуш даражасини ошириб бўлармикан? Ўйлашимча жумҳуриятимизни хўжалик ҳисобига ўтказишни тезлаштириш лозим. Бунингсиз қишлоқлардаги моддий аҳволни яхшилаб бўлмайди. Бугунги ёшларимизнинг жиноят йўлларига қираётганлигининг туб сабаблари ана шунда деб ўйлайман. Ёшларимиз кишиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун курашмоқлари зарур. Комсомолнинг обрў-эътиборини, унинг қайта қуришдаги ролини ўйлаганимда қишлоқ шароити кўз олдимдан ўтаверади. Ҳатто ичимлик сувларини бир неча километрлаб нардан ташиб келтирадилар. Уй ишларининг барча оғирлиги аёлларимиз, ўсмирларнинг гарданига тушади. Шаҳарда ҳам аҳвол айтарли даражада эмас. Тўғри, бу ерда қишлоққа нисбатан бирмунча фаровон турмуш кечиришади. Лекин бу ниманинг эъзига? Мактаб ёшидаги ўсмирларнинг турли нарсаларни бозорга олиб чиқиб сотишга кўмаклашишларидами? Хоналарга қулф солиб ҳаёсиз видеофильмларни кўраётган ёшларимиздан қандай инсонлар етишини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Жиноятчиликнинг кўпайиш сабаблари, маънавий дунёимизнинг тарқоқлигига келсак, буларнинг туб моҳияти яна халқнинг моддий фаровонлигига келиб тақалаверади. Комсомол ёшлар ташаббус билан чиқмоғи керак. Майли, қобилиятли тенгдошларимизни чет элларга ишлашга, тажриба ўрганишга юборайлик, илғор мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи билан танишайлик. Нима бўлганда ҳам халқимизнинг моддий фаровонлигини ошириш йўлларини излашимиз керак.

— Тўғри гап. Саидикромнинг мулоҳазаларида жон бор, — деди нефть ва газ факультетининг комсомол ташкилоти котиби Нурилла Қаюмов. — Биз гапирмаган гап, муҳокама қилмаган масала қолмади. Энди амалий ишга ўтишимиз зарур. Биринчи гада студентларимизнинг стипендиясини ошириш йўлларини излаш пайти етди. Ахир 40сўм пул билан бир ой турмуш кечириб бўладими? Тоқайгача балоғат ёшига етган йигит-қиз ота-онасининг ҳисобига яшайди? Комсомолнинг эса моддий базаси йўқ. Ахир ёдамга муҳтож ёшларга кўмаклашиш керак-ку!

Е. Ш. Биз замоннинг талаб даражасидаги ташкилотга эришимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари М. С. Горбачевнинг ВЛКСМ XX съездидаги гапи ёдимдан нари кетмайди. «Назаримда комсомолнинг ўзи бир кўчадан, аъзолари иккинчи кўчадан кетаётганга ўхшайди». Бу ўхшатиш ҳақиқатан ҳам тўғри. Ишни бошланғич комсомол ташкилотларидан бошлаш керакка ўхшайди. Комсомолга ёшларни ўйлаб қабул қилишимиз зарур. Сафимизга келаётган ёшларни тайёрларлиги, муносиблигини синчковлик билан текшириш лозим.

Н. Қ. Комсомолнинг иш методларини тубдан ўзгартириш керак. Идеология ишлари паст да-

МУҲАББАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Редакциямизга келаётган кўплаб мактубларда баъзан оилавий можаролар, баъзан оилаларнинг ички сирлари хусусида ёзилади. Эрта-индин мустақил ҳаёт оғушида яшаш ниятида бўлган йигит-қизлар оила, унинг маънавиятимизда тутган ўрни, оила-жамият муносабатлари хусусида фикр алмашишимизни сўрашган. Ушбу мавзулар хусусида фикрлашишни бошлар эканмиз, унутманг, ҳеч ким муқаддас оила учун чизик тортиб «шундай бўлсагина ҳақиқий оила бўлади», — дея олмайди. Аммо... Келинг, мулоқотимиз бошиданоқ хулосага шоялмайлик.

Барчамизнинг хулқи-атворимиздан, маънавиятимиздан келиб чиққан ҳолда биз қурган оила бошқаларникига асло ўхшамаслиги табиий. Шу боис ранго-ранг, бир-бирини тақрорламайдиган, ҳамиша мукамалликка интилган оилалар талайгина. Хулқ-атворимиз, феълимиздан келиб чиқиб, дедим. Фикримнинг далили сифатида Фарғона вилояти Фрунзе ноҳияси «Калинин» совхозида истиқомат қилувчи кекса муаллим Турсун Турдиевнинг мактубидан парча келтирсам: «Ҳар бир одамнинг ўз феъли бор. Усти-бошни ташлаб бўлади, лекин феълни ташлаб бўлмайди...» Сирдарё вилояти Боевут ноҳияси «Коммунизм» колхозида истиқомат қилувчи ўқувчи синглимиз Гулчеҳра Қурбонбоева хусусан шундай ёзади: «Бекатда турганимда икки кишининг сўкиниб гапирётганларига гувоҳ бўлдим. Улар шунақанги гапларни уйларида, фарзандлари олдида гапиришса керак. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек фарзандлари ҳам шундай вояга етади. Оила бошлиқлари сўкиниб гапириш ўрнига, биз ёшларга ўрناк бўларлик даражада бўлишса эди». Таасуфки, ёши катталарнинг ҳаммаси ҳам ўрнак бўларлик даражада иш тутишмайди. Баъзан ғайирликми ё ҳамма ишга билар-билмас аралашиб сабабми, ҳали пайдо бўлмаган оила куртагини пайҳон ҳам қиладилар. Олтиариқлик талаба М. Абдуллаева мактубидан парча келтирсак: «Менга кўнгил қўйган йигит уйимизга совчи юборса, маҳалладаги Тилласочдек бахтимизни ўғирлайдиган худбинлар бўлмаса эди».

Начора, азиз синглим, қани энди шундай бўлса... Сиз ўз хатингизни «Дунёда ҳар ким севганига етишсин», деб тугалласиз.

Ҳар ким севганига етишсин... Сиз ҳақсиз, эзгу, пок ниятингизда ҳақсиз. Лекин... Келинг, яна тенгдошларингиз мактубларига мурожаат қилсак. Қорақалпоғистонлик Х. исмли ўқувчи қиз шундай мазмунда хат йўллабди: «Колхозимизнинг бош врачини севиб қолганман. Унинг оиласи, иккита фарзанди бор. Мендан ўн бир ёш катта бўлган бу одам ҳисларимни билмайди. Мен эса энди ҳеч кимни севолмайман. Унутишга қанча ҳаракат қилмайин, бефойда. Нима қилишим керак?»

Навбатдаги мактуб эса юқоридаги саволни янада ойдинлаштиргандек назаримда. Хатни Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳиясида яшовчи Маъмура Муродова ёзди. «Ушбу мактубимни кечалари ўйлаб-ўйлаб «Еш куч»га ёзишга қарор қилдим. Хатни ёзяман-у, ёнгинамда ширингина бўлиб ухлаётган ўғлимга кўзим тушиб, юм-юм йиғлайман. Ўғлим тирик етим энди. Унинг дадаси 19 яшар қиз билан севишиб қолибди. Қачонлардир мени ҳам жуда севган умрдошим — 28 ёшда. Баъзида ўйлаб қоламан, наҳотки 19 ёшли қизга муносиб йигит топилмаган бўлса? Наҳотки унинг нияти бир оилани барбод қилиш, ҳали ота сўзини англаб

улгурмаган норасида гўдакни қақшатиб, отадан маҳрум қилиб «бахтли» яшаш бўлса.

— Сингилгинам, — дея ёш қизга мурожаат қилади мактуб муаллифи. — Сен ҳам аёлсан. Бир кун Сен ҳам она бўласан. Гўдагингни илк бор бағрингга олганимда сен тугайли тирик етим бўлиб қолган ўғлимни эсларсан...

Бу мактуб изоҳга муҳтож эмас.

Яна ёши катталарнинг бизга йўллаган дил изҳорларига қайтсак. Фарғона вилояти Езёвон ноҳияси 6-мактаб ўқитувчиси Нурмат Ҳайдаров мактубида шундай сатрлар бор: «Ёшлар ўртасида нега ажралишлар кўп? Нега аввалига биб-бинойи мос бўлган феъл-атвор кейинчалик бир-бирига тўғри келмай қолади. Менимча, ёшлар 60—70 йиллик умр савдосига енгилтаклик билан қарайдилар. Йигит қизнинг чиройига, бойлигига эътибор бериб, унинг инсонийлигини, ахлоқини, эзгу ниятини, эътиқодини эътибордан четда қолдиради».

«Ахир ахлоқ киши қиёфасининг кўзгусику», — дея юқоридаги фикрни тасдиқлайди гўё Хоразм вилояти Шовот шаҳар Карл Маркс кўчаси ўн тўртинчи уйда истиқомат қилувчи Муқаддас Собирова. Шу боис ҳам ўтказилаётган гўзаллик кўриқларига қатъий норозилик билдираётган кутубхоначи Гулнор Тоғаева (у Сирдарё вилояти Ильич ноҳияси Узоқов номли совхозда истиқомат қилади) шундай ёзади: «Ҳеч қандай кўриксиз ҳам Ширин, Лайло, Ойбарчин, Нодира, Кумушбиллар халқ томонидан эъзозланиб келинган...»

Ташқи гўзалликка ва бойликка учиб адашаётган ёшлар хусусидаги фикрни Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи Алибекдан келган хат тасдиқлагандек: «Севгилим Зар-



Дилнос МУРСАЛИМОВ чизган расм.

ражада. Озарбайжон, Арманистондаги воқеалар ҳам идеологик ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганидан юз берди.

Е. Ш. Яқинда вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Дилимда йиғилиб қолган гаплар бор эди. Сўзга чиқмоқчи бўлганларнинг кўплигидан рўйхатга 69 бўлиб ёзилибман. Навбат етмади. Улар салкам ўн икки мингли комсомол ташкилотининг вакили эканлигини инobatга олишмади.

Баҳодир Пўлатов, котиб муовини:

Комсомол ҳам партиянинг бир ўзаги. Ёшлар партияси. Шундай бўлгач ёшлар ташкилоти мустақил иш юритиши шарт. Энди биз комсомолнинг обрў-эътиборини тушиб кетишининг сабабини эмас, унинг қадриятини тиклашни ўйлашимиз зарур. Беҳуда тузилган кооперативларни тугатиб ўрнига ёшлар марказлари тузишимиз керак.

Н. Қ. Бизнинг мақсадимиз юқори малакали кадрлар тайёрлаш. Ана шунга ўз ҳиссамизни қўйишимиз лозим.

Ботир Воҳидов, Кимё технологияси факультети толиби:

— Комсомол студентларнинг дилидаги гапларни айтиши муҳим. Нега энди Эркин Ёшлар ташкилоти кўтариб чиққан муаммоларни биз кўтармаслигимиз керак?

Фикримча, ўқув программалари қайта ишлашга муҳтож. Кимё дарслари кам ўтиляпти. Лабораторияларни сўхбат асосига қуриш зарур. Биз ўлиб тирилиб проектлар чизамиз. Лекин уларни ЭХМ бир зумда ишлаб чиқаради. Биз тараққиёт билан бирга боришимиз лозим. Мутахассисликка кераксиз дарсларни ўтиш ўрнига ана шуни ўйлашимиз мақбул. Дарслар кўплигидан студентларнинг ижодий имконияти чекланган.

Комсомолнинг обрўини тўккан сабаблар кўп. Унга мажбурий қабул қилишлар ҳам шулар жумласидан. Сафимизда шундайлар борки, бефарқлигидан институтни тугатгач ҳатто рўйхатдан ўчмаган. Ноҳия комсомоли суриштирмайди шекилли.

Н. К. Ана шундай комсомолларга жазо бериш керак.

Б. В. — Бошланғич комсомол ташкилотларининг ўзларига ҳақ-ҳуқуқ берилса комсомолга безътибор ёшларга чора кўрилади. Стипендия бериш ишларини ҳам талабалар ташкилоти ўз зиммасига олса.

Абдулла Салимбеков: Марказдаги олий ўқув юртларининг стипендияси 60 сўмни ташкил қилади. Нега бизнинг студентлар кам олади-лар? Етоҳоналардаги шароит масаласини ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Бир хонада уч-тўрт киши яшайди. Дарс тайёрлашга шароит бўлмагач уларнинг яхши ўқиши учун ким кафолат беради?

Е. Ш. — Бундан кейин аъзолик бадалларини ўзимизда қолдириб, ўз-ўзини бошқаришга ўтамиз. Балки ана шунда студентларга моддий ёрдам бериш имкониятига ҳам эга бўлармиз?

Институтнинг ёрдами билан байналмилалчи жангчиларимизга хотира бурчаги ташкил қиламиз. Икки жангчимиз Афғонистонда ҳалок бўлган. Уларнинг хотираси учун мангу олов ёниб туради. Бу бурчакни институтнинг янги биносида ташкил қиламиз.

Биз наврўз байрамини ҳам катта тайёргарлик билан кутиб олдик. Бундай тадбирлар комсомол аъзолари билан муносабатимизни янада мустаҳкамлайди, албатта.

— Талабалар қурилиш отрядига ихтиёрий боришадими?

— Албатта. Бу йил пахтага чиқиш ҳам мажбурий бўлмади. Лекин студентлар дўстларини оғир аҳволга қўймасликлари керак. Уларнинг барчаси чиқса, оғирлиги билинмайди.

Бир сўз билан айтганда биз бундан кейин комсомолга қабул ишларини такомиллаштиришимиз зарур. Бундан кейин Эркин ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамламоқчимиз.

Комсомолнинг баъзи бир аъзоларидан воз кечишга ҳам тўғри келар. Бундан асло чўчимаглигимиз керак. Сифатимиз яхши бўлса салмоғимиз камаймайди.

Сўхбатни А. ЖУРАЕВ,
З. СОДИҚҲУЖАЕВ ёзиб олди.

нигор билан бўлган муҳаббат гулзори пайхон бўлиш арафасида. Уртамаздаги севги тўғаноқ бўлиб турган нарса камбағаллик. Отам оддий колхозчи. Онам 1981 йили вафот этганлар. Мен педагогика билим юртида таҳсил кўраман. Зарнигорнинг дадаси ва опалари: «Топганинг шу бир камбағалнинг ўғли бўлдимми?» дейишармиш. Нега энди ота-оналар фарзандлари бахтига тўғаноқ бўладилар? Мен нима қилай?...»

Ота-она ва фарзанд муносабати мавзуда бизга хат битганлар талайгина. Самарқанд вилояти Пойарик ноҳияси партия XXII съезди колхозида истиқомат қилувчи Ойширин шундай ёзади:

«Оиламизда етишмовчилик кўп. Отам колхозда тракторчи. Онам колхозчи. Отам бир ойда бир сўм ҳам олмаган пайтлари бўлган. Бундай ҳолда оилани қандай тебратиш мумкин? Оиламизда олти фарзандимиз. Мен бўлсам актриса бўлиш орзусидаман. «Ўқиганинг билан мен сенга пулни қаердан топиб бераман? Ҳозир ҳамма ўқиш пулли бўлиб кетган», — деб ўқишга юбормайди ота-онам...

«Бола туғилганда қанчалар қувонамиз, — деб ёзади Фаргона вилоятининг Риштон ноҳияси Пандикент қишлоғидан Дилшод Тешабоев. — Тобора улғаяётган фарзандимизга қараб яширинча ўйлаймиз: «Қандай одам бўларкин?...» Муштдек этдан алпдек йигит ёки фариштадек гўзал қизни воёга етказгунча чеккан заҳматлари онанинг оқарган сочида, ажинли юзида, букик белида из бўлиб қолган. Шоир Рауф Парфи ёзганидек: Ийглаб-ийглаб кетди баҳоринг, Онаизор, азиз қўллардан...

«Мен учун бу дунё қоронғу. Жондан азиз онамни ичиб олиб кунда урадиган дамнинг боридан йўғи яхши. Бир-икки марта жонимга қасд қилмоқчи бўлдим, аммо онамни кўзим қиймади. Ердан беринг!» деб ёзади Маҳлиё М.

Маҳлиёнинг изтиробларидан тенгдоши Шавкатники кам эмас. Шавкат оғир аҳволдан қутулиш учун ўзида дўст, сирдош сўраб ёзган мактубидан умидвор. Ҳамма даҳшат шундаки, унинг ёзишича онаси ҳам, отаси ҳам ичкиликка ружу қўйганлар. Ниҳоятда мушкул аҳволда қолган Шавкат ҳозир уч йиллик ҳарбий хизматда. «Ҳурматли редакция, Сиздан илтимос, дўст топишимга ёрдам беринг. Исми-шарифим ва масканимни эълон қилманглар».

Умид қиламизки, Шавкатжоннинг мактуби ҳам жавобсиз қолмас.

Мана азиз муштарийлар, оила, оиладаги ўзаро муносабатлар масаласидаги мулоқотимиз билан танишдингиз. Мактубларни қандай бўлса шу ҳолича, пардозлаб ўтирмай эътиборингизга ҳавола қилдик. Ўқиганларингизни, агар таъбир жоиз бўлса, бир қатор шодага териб чиқсангиз оила ва унинг бугунги аҳволи хусусида, ҳаётнинг пасту-баландликлари ҳақида билиб оласиз. «Биз — деб ёзади ўз мактубида Сурхондарё вилояти Сарисийё ноҳияси Ойдин номидаги мактаб битирувчиси Азиза Аҳмедова, — мустақил ҳаёт қуриш кўрсатмаларига эга бўлишни истаймиз».

Синглим Азизахон, куюнчақлик билан битган мактубингиз учун ташаккур. Аммо оилавий муносабатларда бирор бир тайёр кўрсатманинг бўлиши ҳаққоний талаб эмас. Лекин умид қиламизки, азиз сингилжон, кўп сонли муштарийларимиз қатори сиз ҳам юқорида биз қайд этган «умр парчалари»дан маълум фикрга келасиз.

Оила хусусидаги ушбу мулоқотимизни ниҳоялар эканман, азиз муштарийлар, ушбу фикр устида биргаликда ўйлаб кўришимизни истаб қоламан. Оилада, унинг мустақамлигини, мустақиллигини, бахтини амалга оширишда «имкон қадар талабчан бўлиш керакмикин ё имкон қадар эътиборлими?»

Ёқутхон АКРАМОВА.



БИЗГА ЖАВОБ

Ўқувчиларга транспорт ажратилди

Халқ депутатлари Сурхондарё область Денов район Совети ижроия комитети «Хазорбоғ» совхозидаги 28-ўрта мактаб ўқувчиси Саломат Раимованинг ўқувчилар учун транспорт ажратиш бериш ҳақида ёзган, «Еш куч»нинг 1989 йил 12-сонида босилган танқидий мақола юзасидан қуйидагиларни хабар қилади:

Совхоз маъмурияти томонидан ўқувчилар учун транспорт ажратилди. Ўқувчиларнинг мактабга ўз вақтида қатнаши таъминланди.

Ижроия комитет раиси
У. КОДИРОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Мактаблари 5—6 чақирим нарида бўлган «Хазорбоғ» совхози ўқувчиларига, транспорт ажратилибди. Лекин шу мазмундаги ҳали ҳал қилинмаган шикоятлар редакция почтасида бисёрдир.

Ўқувчилар, айниқса бошланғич синфда ўқийдиган фарзандларимизнинг 3 чақиримдан ортиқ масофага қатнаб ўқишлари жуда қийин. Ўйлаймизки, жумхуриятимиз олис қишлоқларида бу муаммони бартараф этишда ҳурматли райижроқўм бошлиқлари Денов район Совети ижроия комитети раисидан ўрнат оладилар. Зеро, раҳбарларнинг оддий инсонийлик бурчи ҳам шунга тақозо этмоғи лозимдир.

Камчилик бартараф этилди

Сирдарё область халқ таълими бошқармаси шунини сизларга ёзиб маълум қиладики, «Еш куч» журнаlining 1989 йил 11-сонида эълон қилинган Гулистон шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси Н. Бердиеванинг «Мактабга «дневальный» керакми?» деб аталган мактубидаги фактлар тасдиқланди.

Мактаб ҳарбий таълими ўқитувчиси ўртоқ Римарёвнинг ўз иштини пухта билмаслиги натижасида дарсларда ўқувчилар «дневальный»лик хизматини ўташган. Ҳозир бу камчилик бартараф этилди. Ўқувчиларни эндиликда асоссиз сабабларга кўра машғулотлардан қолдиришга чек қўйилди.

Сирдарё область халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини
Л. П. ГАЙДУКОВА.

Мактаб қуриб берилди

Чустий номи колхозда яшовчи 26-мактаб ўқувчиси Нигора Турғунованинг «Еш куч»га йўллаган мактубидаги фактлар тўла тасдиқланди.

Колхознинг иқтисодий шароити оғир бўлганлиги учун Сарикамиш қишлоғида ободонлаштириш ишлари ночор аҳволда эди. Лекин шунга қарамай ҳозирги кунда қишлоқ марказида 160 ўринли қўшимча мактаб биноси, ошхонаси қуриб битказилди. 50 ўринли чойхона, новвойхона, сартарошхона қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Наманган вилояти ижроия қўмитаси томонидан хўжаликнинг иқтисодий шароити ҳисобга олиниб, маҳаллий маблағ ҳисобига 26-ўрта мактаб қуриб берилди.

Қишлоқни ободонлаштириш бош план асосида олиб борилади, шу мақсадда лойиҳа институтига буюртма берилди.

Сарикамиш, Балиқчи, Мирзаобод қишлоқларини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида лойиҳа ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Яқин орада қишлоқ марказига автобус қатнови йўлга қўйилади.

Наманган область Чуст район ижроия қўмитаси раиси Т. ЖУМАЕВА.

Чора кўрилди

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги «Еш куч» журнаlining 1989 йил 11-сонида чиққан «Қишлоқ — меҳнатнинг қони-ку?...» мақоласи билан танишиб, шунга маълум қилади. Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлигининг буйруғи билан тўлиққисм ўрта мактаб битирувчилари учун ёзги 16 кунлик ишлаб чиқариш практикаси бекор қилинган.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Зоировнинг хабар қилишича, мақола Қарши ноҳияси халқ таълими бўлими кенгашида музокама қилинган, камчиликларга йўл қўйгани учун 16-мактаб директори Б. Нормуродов огоҳлан-тирилган.

Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлигининг урибосари
Э. И. ФОЗИЛОВ.

Тадбирлар белгиланди

Самарқанд область Советобод район партия комитети журнаlining 1989 йил 9-сонида босилган «Сарсонгарчиликнинг чеки борми?» деб аталган шикоят хати бўйича «Чўнқаймиш» қишлоғининг оқсоқоллари билан суҳбат ўтказди.

Ҳақиқатдан ҳам қишлоқ тоғлар орасида, совхоз марказидан узоқда жойлашган.

Район партия, Совет ташкилотлари ҳамда «Жом» совхоз маъмуриятининг бевосита ёрдами натижасида ҳозирги кунда тоғ йўли текисланиб, тўлиқ тош тўкилди ва асфальт қилиш учун тайёрланмоқда. Йўл битиши билан қишлоққа автобус қатнови йўлга қўйилади.

Қишлоқ тоғ дараларида жойлашганлиги сабабли бир дарвада марказий телевидение, шундан 2—3 километрдаги иккинчи дарвада эса Ўзбекистон телевидениеси яхши кўрсатади.

Шунинг учун қишлоқ яқинида маҳаллий шароитлар ҳисобга олиниб, кичик телеминиора қуриш «Жом» совхоз маъмуриятига ва қишлоқ Совети ижроия комитетига топширилди.

Район партия комитети бундан кейин ҳам қишлоқларни социал ривожлантириш юзасидан барча тадбирларни кўради.

Район партия комитетининг биринчи секретари
А. ОЧИЛОВ.

Хатолар тузатилмоқда

Ёзувчи Хайриддин Султоновнинг «Еш куч» журналинда босилган «Дарсликлардаги чалкама қиллар» мақоласи нашриётда кенг муҳокама қилинди. Унда Х. Султонов адабиёт дарсликларининг маънавий эскиргани хусусида сўз юритиб қатор мисоллар келтиради. Жумладан, «Ўзбек совет адабиёти» (10-синф) дарслигида Ўйғуннинг бадиий жиҳатдан заиф «Бригадир Карим» шеърининг ўрганилиши нотўғри эканини кўрсатади.

Бунга жавобан шунга айтиш керакки, бадиий асарларни гоявий тематик актуаллигига кўра баҳолаш турғунлик даврига хос хусусият эди. «Бригадир Карим»дан ташқари адабиёт программасидан ўрин олган талай асарларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Қолаверса, дарсликлар қатъий программа асосида яратилади. Бинобарин, дарсликларда программага киритилган асарларгина ўрганилади. Демак, гап министрлик коллегияси тасдиқлаган программага бориб тақалади. Программанинг талабга жавоб бермаслиги эса матбуотда ҳаққоний танқид қилинмоқда. Ҳозирги пайтда янги программа устида жиддий иш олиб бориляпти.

Мақолада ВКП(б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги қарори адабиётимиз тараққиётида катта роль

Идорада ўтирган эдик, гапдан гап чиқиб, ҳисобчи жувон шундай деб қолди: «Эрта-лабдан кечгача чўт қоқман. Баъзан ишни уйга кўтариб кетишга тўғри келади. Лекин ойлигим 70 сўм. Турмуш ўртоғим 160 сўм олади. Уқитувчи. 230 сўм ойлик уйимиздаги олти жон учун урвоқ ҳам бўлмайди. Ёшимиз, одамлар қатори кийингимиз келади. Бироқ кийай десак овқатга, овқатлансак кийим-га етмайди.»

Мен унинг гапидан жуда таъсирландим. Дарҳақиқат, қишлоқда фақат маош билан яшовчига анча қийин. Электр пули, газ пули, радио пули, мактаб, болалар чиқими... Бу чиқимлар майли, ўн-ўн икки хил аъзолик бадаллари ҳам билинмаслиги мумкин. Аммо кўмир керакми? Керак. Уз пулига оласизми? Йўқ. Кўмирфуруш оппа-очиқ ошиқ соғади. Бундан ташқари ҳайдовчига ҳам тўлаш керак. Қурилиш материали керакми? Керак. Маошчи уни ўз нархида олади-ми? Йўқ. Ҳайдовчи бепул обориб бермайди. Қонун суриштирсангиз, ҳамма нарсдан бенасиб қоласиз. 230 сўм устидаги бу чиқимларни бир четга қўйатурайлик. Ҳали уни каттароқ тишлаб тортилайдиганлар бор. Бир ойда ҳеч йўқдир шу оилага икки қоп ун кетади. Қишлоқ магазинга ун келди-ми, торт-торт бўлиб кетади. Дўкондор ҳар қопига икки сўм қўймайдиган бўлса, ун келтириб бўпти. Унга ҳам қийин: жиндай ўзидан кетмаса, иш битмайди. Умуман, ҳозир юлмайдиган соғувчи йўқ. Унга ҳам осон тутиб бўлмайди: ревизор, тафтишчилар, санэпидстанция... «Сўраб» турадиганлар кўп. Барининг оғирлиги яна 230 сўмга...

Маош билан кун кўрувчи тишининг кирини сўриб кийим-кечак қилади. Шунчалар қимматки, беҳтиёр оғинасиз. Энг кам нархдаги костюм-шим 130-140 сўм. Кийгани эп кўрмайсиз, на илож. Икки кило пахтанинг нархи қаяқда-ю, ундан тўқилиб тикилган матоҳнинг нархи қаяқда! Кошки ўз нархида сотилса. Албатта, «налажение» си бўлади. Тўғри, қишлоқда яшаганингдан кейин мол боқ, дейилади. Хўш, шу оила биттадан ортиқ мол боқа оладими? Аҳоли зич яшайдиган районларнинг далаларидан ўт топиш осонми? Қўриқ бўлмас. Бир кунни радиодан шундай гап эшитдим: «Фалончи ўқитувчи боғчасининг ҳар соғихидан 1000 сўмдан даромад олади». Шубҳа йўқ бу гапга. Лекин бу жуда қаттиқ меҳнат билан бўлади. Аммо бу меҳнат болаларни азоблаб ишлатиб, қўл учуда ўқитишни тақозо қилади. Шундай ўқитувчи ўзини тарбиявий ишга тўла бағишлай олмайди.

Чайқовчи қандини уряпти, эвини қилган соғувчи қандини уряпти, умуман, қандини урувчилар орамизда, жамиятимизда тўлиб-тошиб кетди... Улар ҳаммага отнинг қашқасидек маълум. Фақат маошга кун кўрувчи-чи? Изланиш, ижодкорлик, ўз билимини такомиллаштириш, шу йўл билан жамиятга катта фойда етказиш ўрнига пул топиш, яхши яшашнинг энг «ноёб» усулларини топиши керакми? Эвини қилган икки ошаса, қилолмаган «шўрлик» бўлиб ҳаёт кечирса, бу қандай гап?

Асосий мақсад халқнинг моддий фаровонлигини ошириш. Ошиб бораётими? Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 60-йиллардагидан деярли 2-3 баравар ошди. Мана бугунга келиб керакли товарларнинг танқис бўлмагани қолмади. Бор, топса бўлади. Аммо ўз нархида йўқ. Оғирлик оддий маошчининг гарданига... Ўйладим, бу кетишда бола-чақаларимизнинг тақдири нима бўлади?..

Абдурахмон ЖУРАЕВ,
Фарғона область Киров район
«Октябрь 40 йиллиги» совхоз.

Йўллайдилар

ўйнагани тўғрисидаги гапнинг узоқ йиллар дарсликдан (10-синф) тушмай келиши, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш революцион ўзгариш эканлиги ҳақидаги эски фикр ҳамон берилганлиги (10-синф) тўғри таъкидланади.

Маълумки, «Ўзбек совет адабиёти» (10-синф) 1987 йил босмадан чиққан. Партиянинг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги қарори эса 1988 йил бекор қилинди. Коллективлаштириш даврида нотўғри сиёсат юритилгани ҳам эндигина ўз исботини топмоқда.

Х. Олимжоннинг ўзи яшаган тузум (30-йиллар) энг демократик тузум эканлигини кўйлаши (9-синф), дарсликларда шахсга сиғиниш даври ва унинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот йўқлиги, А. Қодирийга нисбатан «фигри тор ёзувчи» иборасининг ишлатилишини ҳам шу билан изоҳлаш лозим.

«Ўзбек адабиёти тарихи» (8-синф)да А. Жомийнинг «Ҳафт авранг» асари Хамса деб аталиши аслида тўғри. Буюк шоир олдинги «Тузфатул ахрор», «Сибхатул абор», «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хираидномаи Искандарий» дostonларидан иборат хамса яратган. Кейинчалик унга «Силсилотуз захҳоб», «Саломон ва Ибсол» дostonларини қўшиб «Ҳафт авранг» номи билан эълон қилган.

Мақола автори «Ватан адабиёти»да (5-синф) «Бахшилар асосан қишлоқларда яшайдилар» каби примитив талкин мавжудлигини тўғри қайд этган. Мазкур дарсликнинг қайта нашри жиддий таҳрир билан шу йил январда босмага топширилган. Жумладан, унда юқорида келтирилган талқин ҳам тузатишган.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар адабиётда ҳам акс этиши табиий. Винобарин, қайта қуриш шарофати билан ҳақ жойидан қарор топаётганлиги ҳаётга бўлган муносабатимизни ҳам ўзгартириб юборди. Шунинг натижаси ўлароқ, худди «Ўзбекистон ССР тарихи» каби «Ўзбек совет адабиёти» (9—10-синфлар) дарсликлари нашри ҳам 1987—1988 йиллардан бошлаб тўхтатилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Халқ таълими Министрлиги томонидан янги дарсликлар яратиш учун эълон қилинган конкурс асосида муаллифлар жадал иш олиб боришяпти.

«Ўқитувчи» нашриётининг бош муҳаррири
И. Ғ. АХМАДЖОНОВ

Қонундан четга чиқолмаймиз

Советобод район социал таъминот бўлими Ёқубова Сарварнинг «Еш куч» журнаliga отаси Ёқубов Очилнинг пенсия масаласи бўйича ёзган аризасига асосан Ёқубов Очил ота билан суҳбатлашиб қуйидагиларни маълум қилади.

Ёқубов Очил 1920 йилда туғилган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 1957 йил 10 июндан то 1980 йил 25 июлгача совхозда ишлаган, жами иш стажы армияда хизмат қилган вақти билан бирга 27 йил 8 ой, ўргача бир ойлик иш ҳақи суммаси 129 сўм 89 тийин.

У ҳозирги вақтда 77 сўм 92 тийин миқдоридан пенсия олмоқда. Ёқубов Очилнинг пенсия пули қонунга кўра тўғри тайинланган. Бу тўғрида у кишига тушунча берилди.

Унинг турмуш ўртоғи Ёқубова Чучук 1930 йилда туғилган, 5 та фарзанди бор, унинг пенсияга чиқиши учун қонунга кўра 15 йиллик иш стажы талаб қилинар эди. Лекин қўлидаги ҳужжат бўйича 12 йил 9 ойлик иш стажига эга бўлган, шу сабабли пенсия тайинланмаган. 1989 йил 1 октябрдан қўлланилган қонунга кўра Ёқубова Чучукка пенсияга чиқиш учун ариза берган кундан, яъни 1989 йил 29 декабрдан 44 сўм 62 тийин миқдоридан тўлиқсиз пенсия тайинланди. 1990 йил 1 январдан бошлаб район маҳаллий бюджети ҳисобидан 25 сўм 38 тийин қўшилиб унинг пенсия пули 60 сўмга кўпайтирилади.

Район социал таъминоти бўлимининг муdiri
Р. ХУЖАҚУЛОВ.

Айб бизда эмас

Хоразм вилояти Хазорасп ноҳия халқ таълими бўлими Сизга шунини ёзиб маълум қиладики «Еш куч» журналининг 1989 йил 10-сонида Хазорасп ноҳиясидаги 9-мактабнинг XI синф ўқувчиси Қутумов Қувондиқ томонидан ёзилган хатда мактабда ҳарбий тайёргарлик ва электрон ҳисоблаш техникаси фанларидан дарсликларнинг етмаётганлиги тўғрисидаги камчиликлар ёзилган эди.

Хазорасп ноҳияси халқ таълими бўлими лимит бўйича IX синф ўқувчиларига электрон ҳисоблаш техника дарслигидан 2825 ўқувчини 2263 дона дарслик билан таъминлаган. X синф ўқувчиларига ноҳия бўйича 2012 ўқувчига 491 дона дарслик ажратилган. Ҳозирги кунда X—XI синф ўқувчилари ҳам шу дарсликдан фойдаланаётганлиги сабабли дарсликлар етмапти.

1990—91 ўқув йилида X—XI синфлар учун янги электрон ҳисоблаш техникаси дарслиги нашр қилинади ва бу дарсликлар билан райондаги мактаб ўқувчиларини тўлиқ таъминлаймиз. Ҳарбий тайёргарлик фани бўйича 1984—85 ўқув йилидан буён дарсликлар нашр қилинмаганлиги сабабли дарслик билан таъминлаш имконияти йўқ.

Хазорасп район халқ таълими бўлимининг муdiri Х. МАДРАҲИМОВ.

Имкониятимиз чекланган

Шеробод район ижроия комитети шунини ёзиб маълум қиладики «ВЛКСМ — 50 йиллиги» совхозининг «Оқ кўприк» қишлоғида яшовчи бир гурупа ўқувчиларининг «Еш куч» журнаliga ёзган хати юзасидан текшириш ўтказилди ва қуйидагиларни маълум қилинди.

«Оқ кўприк» қишлоғида жойлашган Терешкова номли 53-мактаб тўлиқсиз ўрта мактаб бўлганлиги сабабли, мактабнинг X—XI синф ўқувчилари, X синфда 8 нафар ўқувчи, XI синфда 11 нафар ўқувчи қўшни Тимирязов номли 51-ўрта мактабга қатнаб ўқишмоқда.

Терешкова номли 53-саккиз йиллик мактабни ўрта мактабга айлантириш учун кадрлар етишмаслиги, ўқувчилар контингенти етарли эмаслиги сабабли мактабни ўрта мактабга айлантиришнинг имконияти йўқ.

Ўқувчиларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб 1990 йилнинг 1 январидан Терешкова номли 53-мактаб қошида Тимирязов номли 51-ўрта мактабнинг филиалини ташкил этиш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Шеробод район ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. ЭРҒАШЕВА.

Шикоят текшириляпти

Фориш район Сафарота қишлоғида яшовчи Жумаев Умарга зшик ва дераза ясаб беришни ваъда қилиб фирибгарлик йўли билан уни алдаб 480 сўм пулни олиб кетган номаълум шахс ҳақида Фориш район халқ судида тегишли материал бўлмаганлиги сабабли Жумаев Умарнинг аризаси текшириб қонуний ҳал қилиш учун Фориш район ички ишлар бўлимига юборилди. Текшириш натижаси редакцияга билдирилади ва аризанинг асли қайтарилади.

Сирдарё область Судянинг раиса С. Я. НАЗАРОВ.



ЭЪТИҚОДГА

ДАЪВАТ ЭТАЙЛИК

«Еш куч»нинг ўтган йилги 3-сонда ёзувчи Эмин Усмоннинг қаламкаш биродари Олим Отахонга очик хати эълон қилинган эди. «Қаролнинг либоси борми?» деб номлаган ўша хат кўйлаб журналхонларимиз орасида қизгин мунозарага айланди. Қарийб барча хат муаллифларининг фикри бир жойдан чиққан — улар ҳозирги маънавий йўқотишлар ўрниги эътиқодга садоқат кутқариши мумкинлигини ёзадилар. Наманганлик муаллим Олимжон ЮНУСОВ ўз хатида бошқа журналхонлар орзу-армонини умумлаштиригандек таассурот қолдиради.

Биз ҳар хил курашлар шиори остида жуда кўп ажойиб инсонларни, бекиёс имкониятларни, удум ва анъаналарни бой бердик. Ўзимизни ҳамаша янглишмайдиган кишилар деб ўйлаб эътиқод, виждон, ҳалоллик каби муқаддас туйғуларга билар-билмас зарба бердик. Ҳали бунинг жабрини тортмиш. Ҳар бир ялтираб кўринган нарсани олтин деб ҳисобладик. Ваҳоланки, узокдан тракторнинг пўлат омочи ҳам қуёш нурида товланиб туради. Мис ҳам, темир парчаси ҳам кўзни қамаштиради. Фақат ошкоралик алданганимизни билдирди.

В. И. Ленин меҳнатқашнинг дардини сидқидилдан тинглаган. Бизнинг собиқ раҳбарларимиз моддий неъмат яратувчилардан ўзларини тортдилар. Дохий Ленин ҳар бир хатга жиддий эътибор билан қаради. Собиқлар эса ўша хатлардан худди салтанатларини таҳқирловчи сўзлар бордай чўчидилар. В. И. Ленин «коммунист билан партиясиз бир хил жиноят содир этган бўлса, коммунист икки-уч ҳисса ортиқ жазолансин», деган. Амалда эса коммунист раҳбарлар ўз жиноятларини яшириб, ўғирликларини ҳалолликка йўйдилар.

Немис классик файласуфи Фейербах: «Инсонлар бари бир бирон-бир гоёга содиқ бўлиши керак», деган эди. Айтайлик, Ислом гоёси бизнинг ўлкаларда ёйилганига 1300 йил бўлди. Одамларни бу йўлдан қайтаришнинг ҳуқуқий асослари ҳам ишлаб чиқилди. Бироқ имонли, эътиқодли кишилар бари бир ўз гоёларига содиқ қолдилар.

Ҳурматли Эмин Усмон! Сиз Жомий Термизийнинг ажойиб фикрини келтиргансиз. Шу фикрларга тўла қўшилган ҳолда бошқа бир фикрни айтмоқчиман. Биз ахлоқ ва одоб ақидалари учун фикрларни кўпроқ Ғарб манбаларидан оламиз. Биз учун ўзи яқини қайси? Нега ўз аллома ва мутафаккирларимиз фикрлари ҳаётимизга кириб келмаяпти? Адабиёт ва санъатимизда ҳам Ғарбга тақлид нима учун кучли? Халқнинг бугунги савияси Ғарб маданиятини ўзлаштиришга етарли эмас-ку! Ғарбдан келадиган видеокассеталардаги шахвоний ҳире, яланғоч тасвирлар ёшларимиз тарбиясига бутунлай салбий таъсир кўрсатмоқда. Қадриятларимизга, ахлоқ ва одоб нормаларимизга жиддий путур етмоқда. Видеокассеталар сотиб кўрилган фойдадан маънавий-ахлоқий зарари ўн қарра кўпроқдир.

Ҳаётни, айниқса адабиёт майдонини мен жанггоҳга ўхшатаман. 70 йиллик давр адабиётимиз бугун ағдар-тўнтар бўлди. Езилган китоблар аҳамият касб этиб, бугун юксак идеаллар руҳида биз юксак турмуш тарзига кўтарилганимизда эди, сарфланган миллионлаб тонна қоғозларга ачимасдик. Лекин, қани, адабиётнинг одамларни тарбиялагани? Тарбиялади эмас, балки уларни қарахт, бепарво қилиб қўйди-ку! Доимо китобларда учрайдиган: «Кўм-кўк ўтлоқлар, чиройли боғлар, майин эсиб турган шаббодалар, ҳаво салқини ва мусаффо эди» деган сўзлардан энсам қотади. Қани, ўша чиройли боғлар? Ўтин бўлди-ку! Қани, ўша чиройли яйловлар? Сахро бўлди-ку! Қани ўша гир-гир эсаётган шаббода? Қуриган Оролнинг шўр учқунлари-ку! Нега бунинг адиб сезмади? Сезарди, биларди, ўзбеклар осмонда қора булутлар тўпланаётганини ҳам биларди. Лекин шухрат олдида, жарангдор нутқлар олдида унинг учун юқоридаги ҳолат ҳеч нима эди. Адибларни кўя турайлик. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун микроптофус, бутефос каби ўнлаб турдаги захарли химикатларни септиришга розилик берган, одамларни ажалидан беш кун олдин ўлимга гирифтор қилган врачларимизнинг виждони қаёққа йўқолди? Ўша казо-казолар республикамизда сариқдан ва бошқа турли касалликлардан ўлаётган, кам қувват ва нимжон бўлиб қолаётганлар учун ажойиб инсон Фидель Кастрога ўхшаб қон бера оладиларми? Ҳеч бўлмаса ўша ранги заъфарон бўлган халқимиз олдида ўзларини гуноҳдор ҳис этармиканлар? Нега бугун жаннатмакон Ўзбекистон касалхоналарида бўш ўрин йўқ! Улар ўша юртимиз тепасида тўпланаётган қора булутни билмасдилар? Билар эдилар. Биз гов-

гаранглар нима учун катталар тоғ асалини, тоғда боқилган қўй гўштини истеъмол қилишини, нима учун авжи ёзда пахтазорларда вильт кўпайганда Сочини ва Ялта каби ҳавоси мусаффо жойларга жўнаб қолишларидан беҳабар эдик. Ҳеч бўлмаса оддий ҳақиқат — «бутефос» сепилган жойга 15 кун ҳеч ким бориши мумкин эмаслигини ҳам билмас эканмиз. Ўша оқ халатли соғлиқ посбонлари ҳар йили 33—35 минг бола ўлишини билишди. Арманистон фожиасидай фожа Ўзбекистонда ҳар йили содир бўлаётганини ҳам билишди. Эътибор беринг-а, ҳар йили 33 минг бола нобуд бўлади. Бу ҳар синфда 33 тадан бола ўқийдиган 100 та синф йўқ этилди дегани! 800—1000 бола ўқийдиган 40 та мактаб қурилмади дегани!..

Мен ишлайдиган 10-ўрта мактабдаги 10-синфда 27 ўқувчи бор. Шулардан 8 ўқувчининг отаси йўқ. Уларнинг биронтаси ҳам пенсия ёшига етмаган. Тасодифми? Менимча, йўқ!..

Дохиймиз В. И. Лениннинг 1920 йилда комсомол ёшларнинг III съездида сўзлаган нутқи ёдга тушади: «Ҳозирги 50 ёшли одам коммунистик жамиятни кўрмас балким. (Шунда дохийнинг ўзи 50 ёшда эди — О. Ю.) Лекин ҳозирги 20 ёшли йигит-қизлар на фақат коммунизмни кўради, балки ўзлари қурадилар», дея башорат қилган эди. Қани, ўша коммунизм, қани ўша юксак гоёлар, қани ўша мусаффо ҳаво ва бахтли турмуш? Ҳа, Лениндан кейингилар ленинизм гоёларига зид ишлар қилдилар.

Партия қайта қуриш сиёсатини олиб борар экан, ишлар кескин силжимаётганининг сабаби ҳамма нарсанинг жилови тургунлик йиллари кадрларининг қўлида эканлигида.



Менимча, тургунлик йилларининг жиноятли илдизлари, қўшиб ёзишлар, давлат ва халқ мулкни ўғирлаш фактлари фақат Ўзбекистон мисолида очилди холос. Ваҳоланки, бундай жиноятлар бутун Иттифоқ бўйлаб уриб кетган-ку. Кишини ўқинтирадиган бир мисолни келтириб ўтмоқчиман.

Назир Ражабов Наманганга обкомнинг биринчи секретари бўлиб келди-ю, ниҳоятда зўр ишлар бошлаб юборди. Қатор жиноятларнинг илдизи очилди. Миллицияни, савдонни, соғлиқни сақлаш соҳасини шахсан ўзи назорат қилди. Таъмирлаш

ишларини йўлга қўйиб, шаҳар қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Областининг иқтисодий кўрсаткичлари ўсди. Одамлар билан самимий муомалада бўлди. Қолхоз ва совхозларни айланиб, амалий ёрдам берди. Афсуски, шу киши ҳам пора-хўрликда айбланиб қамоққа олинди. Тавба, тургунлик йилларида пора олмаган ёки бермаган раҳбар бўлганми ўзи? Маълумки, ўша йилларда пора бермаган ёки олмаган ҳар қандай раҳбар ишдан ҳайдалган-ку! Демак, гуноҳсиз ва шунга ўхшаганларнинг кўплари мажбур бўлган? Лекин ачинарли томони шундаки, халқни эзиб топилган пуллар бугун Иттифоқ ҳисобига ўтиб кетди, ундан биз сариқ чақалик наф кўрганимиз йўқ. Ҳаётимизда юз берган бундай салбий ҳодисаларни ёзувчиларимиз билишмасмиди? Аксинча улар пора-хўр ва қаллоб раҳбарларни мактаб, кўкларга кўтариб китоблар ёзишди. Нега маддох ёзувчилар, виждонсиз шоирлар жиний жавобгарликка тортилмайди?

Ййлай-ййлай шундай ҳаёлларга бораман. Ўзимга ўзим савол бераман: оқибатимиз, эътиқодимиз инқилобгача ҳам шундаймиди ўзи? Билмадим... Тарихимизни тескарисига ўқиб келган эканмиз, бир нима дейиш қийин. Бироқ бугунги кунда Яқин Шарқ мамлакатларида бўлган кишиларнинг «тиланчилар бор, лекин ўғрилар умуман йўқ экан» деган сўзларини эслаб, бизда ҳам илгари шундай бўлган-ку, деган ўйга бораман.

Адабиёт олами бугун ўзаро тортишув билан банд. Бироқ республикамиздаги нохуш ҳолатга изчил баҳо берилмапти, унинг чораси топил-



маяпти. Бир вақтлар ўша адиблар қуйлаган попнинг попуқ қизлари ўзларини ёқмоқдалар! Осмоқдалар! Рақамларга эътибор беринг! Наманган область Уйчи районида 1987 йилда бир аёл ўзини ўлдирган. 1988 йилда эса 3 та. 1989 йилнинг уч ойи ичида эса ўз жонига қасд қилганлар 4 та бўлди. Бу томони бахайр бўлсин. Нега аёлларимиз ўз устларига бензин қуйиб гугурт чақишяпти? Нега бегуноҳ кишилар ўзларига ўлимнинг фашистча усулини раво кўрмоқдалар? Нега Карамзиннинг асаридаги қаҳрамон қиз Лиза каби ўзларини сувга отмоқдалар? Темир йўлга ётмоқдалар? Карамзин ўша «Вечора Лиза» асарида айбнинг ҳаммасини ўша дворян йигити Ерасга қўймаган эди. Карамзин жамиятни айбдор деб кўрсатган эди. Биздаги бугунги фожеаларнинг айбдори ким?.. Хуллас, бирдан-бир чора — одамларни эътиқодли бўлишга даъват қилишдир!

Олимжон ЮНУСОВ,
Наманган вилояти Уйчи ноҳияси,
10-мактаб ўқитувчиси.

Редакциядан:

Ҳақиқат қарор топиб, Назир Ражабовнинг айбсизлиги исботланди. У оиласи ва дўстлари даврасига ёруғ юз билан қайтди.

Яқин-яқингача Ўзбекистон қишлоқларига саховатли олтин куз тўкин-сочинлик билан бирга «Олти миллион учун» деган зил-замбил юкни ҳам олиб келар эди. Ҳуқуқи-ёшларни саржин каби юклаб олган, осмондан юлдуз кетмай далага ошиқаётган, икки ҳуфтонда шу алфозда қишлоққа қайтаётган юк машиналари... Оёғидаги оғир кирза этикни базур судраб босаётган, хирмон сари пахта орқалаб интилаётган ҳорғин, митти гавдалар... Кечагина ремонтдан чиққан мактабга лой аралаш тўкилган кўсагу, уни чувиш учун олиб чиқилган (ўқишни қолдириб) қўлчалари кўкариб кетган, бурни оққан биринчи синф ўқувчилари...

Хотирга миҳланган бу аянчли тасвир ноҳуш кайфият уйғотсада, биз уни унуттишга ҳаққимиз йўқ. Бу бизнинг кечаги кунимиз, ундан тонолмаймиз.

Кўлимда «Ленин учқуни» газетасининг 1989 йил 23 сентябрь сони. Газетанинг биринчи саҳифасида В. И. Ленин. номидаги пионер таш-

га ўз муносабатимизни билдирмаймиз? Ҳуқуқининг бир кунлик иш фаолияти 10 соатни ташкил қилапти. Яна бунинг устига уй вазибаларини бажариш учун кетадиган икки соатни ҳам қўшиб кўринг-чи. Ана энди жисмонан толиққан ўқувчини эртасига дарсда қандай ўтиришини, фанларни ўзлаштиришини бир тасаввур этиб кўринг! Бундай ҳол муттасил давом этаверса...

Назаримда республика халқ таълими Министрлиги юқоридаги қарорнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатмаган кўринади. Йўқса колхоз идорасига «ин» қурган мансабдорлар маорифнинг эртанги равнақини ўйлаш ўрнига бугун далага неча ўқувчи чиқди-ю, неча кило пахта терганлигини ҳисоб-китоб қилиб ўтиришмаган бўларди. Уларнинг дастаги битта: «Ахир биз дарсларни қолдираётганимиз йўқ-ку!»

Ҳуқуқининг бир юмуши икки бўлди. Энди у ҳам ўқиши, ҳам пахта териши керак. Ачинарлиси шуки, Ўзбекистон жумҳурият давлат

туғашига қанча вақт борлигини ҳисобга олиб болалар боғчаси қурилишини ҳам ўз кучлари билан амалга оширишга бел боғладилар... Раҳбарлар ўсмирлар ғайрати олдида бўйин эгишди. [Бўйин эгишди эмиш]. Тезда тайёрланган қурилиш лойиҳасига асосан ўқувчиларга бетон қуйишга руҳсат берилди».

Этибор беряспизми, бутун бошли боғча қурилишининг барча юмушлари, ҳатто бетон қуйишдек оғир ишлар ҳам болалар гарданига юкланяпти. Бу ҳақда мактаб педагогика коллективининг фикрини сўрадик. Коллектив бу ишни «оддий бир ҳол» деб баҳолади. Ҳеч ким эътироз билдиргани йўқ. Ҳуқуқчилар билан суҳбат қурдик. Улар ҳам хурсанд. (Чунки, пул ишлашяпти-да) Ҳўш, гап нимада бўлмаса? Бунинг нимаси ёмон? Қишлоқ боғчага муҳтож, болаларнинг атиги 26 фоизи боғчага тортилган бўлса. Бу боғча дегани шу қадар зарур экан, унда бу ишнинг бошида турган колхоз усталари қани, маҳалла-кўй қани? Эллиқ ўринли боғча қуролмаган колхоздан элга нима наф?

Мактаб кутубхонаси ишлари билан қизиқдик. Қанча бадий китоб борлигини кутубхоначи Йўлчиева Файзилатхондан аниқлаб ололмадик. Кутубхона аъзоларининг сони атиги 190 нафар холос. Мактабдаги 3 та 11-синф ўқувчиларидан фақат 20 нафари, 10-синфлар-

МАКТАБМИ,

МАРДИКОР

БОЗОРИМИ?

килоти республика Советининг «Ота-оналар, ўқитувчилар, комсомол ва маориф ходимларига муружаатнома»си берилган. Ундан парча келтираман:

«Турғунлик йилларида республикада болалар меҳнатидан фойдаланиш одат тусига

айланиб кетди. Эрта баҳордан кеч кузга қадар болалар катталар билан ёнма-ён далада ишлашди. Биз букилиб тер тўкаётган болаларни кўриб кўрмасликка олдик. Пахта эвазига уларнинг билими саёз бўлиб қолаётганига эътибор бермадик. Шамолдан, совуқдан қўлчалари ёрилиб, кўкариб кетган, кимёвий оғулардан, бетаъм овқатлардан ошқозони, кўзи, бутун вужуди оғриётган болакайларнинг соғлигини пахтага алмаштирдик.

...Қайта қуриш даври пахта яккаҳоқимлиги илдизларини фош этиб ташлагандан кейин Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни қишлоқ хўжалик ишларига ортиқча жалб этмаслик ҳақида қарор қабул қилинди. Лекин... қоғоздаги гапларнинг амалга ошиши қийин экан. Болалар меҳнатидан фойдаланишнинг янги-янги усуллари жорий этилди..

...Комсомол ва маориф ходимлари! Болалар меҳнатидан ортиқча фойдаланиш жиноят эканлиги сизларга маълум. Бу соҳада ўзбошимчаликларга йўл қўймаслик Сизларнинг вазифангиз. Шундай бўлсинки, аввалги йиллар хатоси энди такрорланмасин. Совет жамиятида ҳар ким ўз ишини қиладиган пайт келди...»

Энди ҳақли савол туғилади: «Нега газета бу қадар хавотирга тушяпти? Ахир... бу ҳақда қарор бор-ку!» Ҳамма бало ана шунда-да. Бизда қонунлар қабул қилинаверади, унга амал қилиш йўқ. УзССР Маориф министрлигининг 1987 йил 7 сентябрь № 271 рақамли қароридан бу талабни бузган шахсларга энг жиддий чора кўриш, ҳатто ишдан олиш даражасигача етиш кўрсатиб ўтилган. Шу пайтга қадар бу қонунни бузган бирон раҳбар ўз жазосини олдимикан? Негизда бизда қонунни ҳурмат қилишмайди?

Йиғим-терим даврида ўқувчиларни мактабга дала кийимида келишини талаб қилиш, 6 соат дарсда ўтирган ўқувчини далага олиб бориб яна 4 соат ишлатишимиз бугунги кунда кўз ўнгимизда бўлиб турган воқеа-ку! Не-

бош санитар врач томонидан пахта йиғим-теримида болалар, 18 ёшга етмаган ўсмирлар ва ҳомиладор аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқлангандан кейин ҳам бу иш давом этди. «Қонунни мен биламан, мен жавоб берман!» дегувчи раҳбарнинг жавоб берар кунни етмадимикан? Меҳнат тарбиясига етарли эътибор берилмаган ерларда болалар ўртасида кашандалик, ичкиликбозлик, ўғрилик каби жиноятчиликнинг ўсиб бориши сир эмас. Бу ҳақда «Ўзбекистонда умумий ўрта таълим концепцияси лойиҳаси»да шундай дейилади:

«Регионда социал-иқтисодий, экологик муаммоларнинг кескинлашуви, ўқувчиларнинг нормаланмаган қишлоқ хўжалик ишларига хоҳлаганча жалб қилиниши ўқувчилар ўртасида касалланишнинг ўсишига олиб келди, уларнинг умумий тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишида зарур даражани таъминлай олмади».

Ешлар билан боғлиқ масалаларни ўрганиш учун Олтиариқ районуни бордик. Район газетасида «Еш юраклар саховати» номли саҳифа берилган экан. Саҳифада Оқбўйра қишлоғидаги 19-ўрта мактаб ўқувчиларининг олиб бораётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу иш билан қизиқиб мактабга бордик. Мактабда мингдан зиёд ўқувчи таълим олади. Қишлоқда 9-синф ўқувчилари (ҳозир 11-синф) ташаббуси билан боғча қуриляпти. Боғча биноси ҳазилакам қурилиш эмас, унга озмунча меҳнат сарф бўлмаган. Район газетаси бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«Комсомол-ёшлар, ўсмирлар ғоят ғайратли бўлади. Раиснинг ўйлари ана шу ғайрат-шижонат туфайли тезда амалга оша бошлади. ...Бир қиз аравачага лой юкласа, бир йигит уни қолпловчиларга элтади, яна бирови ғишт ташлайди. Бутун иш асосан қўл кучи билан амалга оширилди. Шунга қарамай қисқа муддат — 20 кун ичида 45 минг дона ғиштни қуйиб ташлашди, азаматлар. Ҳуқуқчилар ғишт қуйиш билан чекланиб қолмадилар. Ҳали ёзги таътил

дан 21 нафари китоб олиб ўқийди. Негиз шундай? Ҳуқуқчиларнинг вақти нималарга сарф бўляпти? Бу саволимизга 11 «А», «В» синф раҳбарлари Мамасоли Мамадалиев ва Муҳаббатхон Муродова билан суҳбатлашгач жавоб топгандек бўлди. Ҳуқуқчилар бўш вақтларида аҳолининг сабзи, пиёзини ўтоқ қилиб бериш, бачки, хашак ўриш, қурилиш ишларида ёрдам бериш каби ҳар хил юмушларни бажариб, бунинг эвазига пул ишлашар экан. Бу ишларнинг барига синф раҳбарлари бош-қош бўлишяпти. Меҳнат тарбияси деганда мактаб коллективи ана шундай ишларни тушунади.

Мактаб директори Т. Ҳожиқурбонов бунинг шундай шарҳлаб берди:

— Ҳуқуқи қачонгача ота-онага боқиманда бўлиб яшайди? Ўз аравасини ўзи тортсин-да! Ҳеч бўлмаса киядиган кўйлагининг пулини ўзи ишлаб топсин. Бекорчиликдан турли жиноятлар келиб чиқяпти. Ешлар номаъқул йўлларга кириб кетяпти.

Балким директор ҳақдир. Кўп болали қишлоқ оиласига осон тутиб бўлмас. Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида яшаётган ўсмирлар бунга нима дейди? Балким улар ўз фикрларини ёзиб юборишар. Уларда аҳвол қандай?

Қишлоқ ўқувчиси меҳнатини муҳофаза қиладиган пайт етди.

Оилавий пудрат, ижарачиларга кейинги пайтда хўжаликлар ерларни тақсимлаб бера бошлади. Ким қанча хоҳласа, шунча ер олиши мумкин. Оилада неча жонсан, меҳнатга яроқли неча ишчи кучинг бор, шунча ерни эплай оласанми, деб ҳеч ким сўрамади. Колхоз ерни тақсимлаб, бўйнидан соқит қилиб юборса бўлди, у ёғи билан иши йўқ. Ана энди ўз имкониятидан ортиқча ер олган пудратчининг аҳволини кўринг. Бола-чақани тиндирмайди, қариндош-уруғнинг бола-бақраси ҳам бу «меҳрибончилик»дан бебаҳра қолмайди. Дўппи тор келиб қолса (Қандай бўлмасин ҳосилни йиғиб топшириш керак. Йўқса катта иқтисодий зарар кўради) мактабга югуради. Илтимос қиладди, ялинади, «Мактабми, мардикор бозори-ми?» деворгинг келади.

Аъзам БУТАЕВ

ХУНАРЖАМАНДИНИНГ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими уста Аҳмад Шарипов ўқувчиларга қунт билан хунар сирларини ўргатмоқда.

Бугун янгида даврда яшаймиз. Қонунлар, одамларнинг фикрлаш тарзи, жамиятнинг қиёфаси ўзгармоқда. Ҳаётимизга илгари капитализмга хос деб юрганамиз хусусий мулк, ижара, бозор муносабатлари каби тушунчалар кириб келмоқда. Хўш, бу гапларнинг Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 38-хунар мактаби ўқувчиларига нима алоқаси бор? Янгида хўжалик юритиш тартиби ҳаётимизга кириб келмоқда экан, бу гапларнинг наинки шу, балки республикамизнинг 500 дан ортиқ хунар мактаби ўқувчиларига ҳам бевосита алоқаси бор. Негаки, эндиликда замон ўз касбини пухта эгаллайдиган ёшларники бўлиши шубҳасиз. Ўз касбини миридан-сиригача эгалламайдиганлар эса четга сурилиб, ишсиз қолиши ҳеч гапмас. Шунинг учун ўрта ва хунар мактаби ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳам танлаган касбларига ихлос қўйиб, уни яхши эгаллашлари керак. Улоқ ҳам эпчил, моҳир улоқчига текканидек, энди эртанги кунда яхши маош, обрў, мартаба ҳам бугун хунарини пухта ўрганаётган ёшларга насиб қилади.


Каттақўрғон шаҳридаги 38-ўрта хунар-техника билим юртида 840 ўқувчи қурилиш ихтисоси



Ярмаркада бозор қизғин.



«Хунар, хунардан ризқинг унар» дейди ёшларга ишлаб чиқариш устаси Б. Ҳантов.



Ўқувчилар қўли билан ясалган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини таъминламоқда.

НОНИ БУТУН

олмайдилар. Кўпгина ҳунар-техника билим юртларида ҳам шундай камчиликлар мавжуд. 38-ҳунар мактаби ўқувчилари турли шаҳарлар қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш практикаларини ўташади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ўсмирлар ўртасида жиноятчилик тобора кўпайиб бормоқда. Бунда айниқса, ҳунар мактаби системасида ўқиётган ўқувчиларнинг «хизмати» катта. Бу аянчли аҳволни тузатиш учун ҳунар-техника билим юртларидаги таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. «Ёш куч» ташкил этилгандан буён журналимиз саҳифаларида тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган кўпгина ибратли ҳунар мактаблари ҳаёти ёритилди.

Биз ҳикоя қилаётган мазкур 38-ҳунар мактабида ҳам ўқувчилар тарбиясига катта аҳамият берилади. Ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун фан тўғраракларида мунтазам равишда машғулотлар олиб борилади. Билим юртида ташкил этилган «Ёш қаламкашлар», «Драма» тўғрараклари, «Нима? Қачон?



Ўқитувчи М. Муҳаммадиева ўқувчиларга диплом ишига тайёргарлик борасида сабоқ ўргатмоқда.



«Ватан остонадан бошланади» деганларидек ўқувчилар устозларидан олган билимларини энг аввало ҳунар мактабларида татбиқ этадилар.

Қаерда?», «Қизлар клуби»да тез-тез адабий кечалар, викториналар ўтказилади. Бу эса ўқувчилар дунёқарашининг шаклланишига катта ёрдам беради.

«Ёш ўлкашунослар» тўғрагининг аъзолари жумҳуриятимизнинг турли тарихий шаҳарлари — Бухоро, Хоразм, Самарқандга мунтазам равишда уюштирадиган саёҳатлари уларда юртга муҳаббат каби нодир хислатни шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Билим юрти ҳаётида фаол иштирок этган, ўқишда аълочи талабалар комсомол ва касаба союз ташкилотлари томонидан рағбатлантириб турилади. Билим юртида тузилган вокал-чолғу ва миллий асбоблар ансамбли ёрдамида ҳар йили «Талантларни излаймиз» беллашуви ўтказилади. Спорт ишқибозлари учун енгил атлетика, футбол, волейбол, шахмат-шашка, дзю-до секциялари тузилган. Натижада билим юрти спортнинг кўпгина турлари бўйича область мусобақаларида совринли ўринларни эгалламоқда.

Қуйидаги суратларда билим юрти ҳаёти акс этган:



Аввал иқтисод — кейин сиёсат...



Ўқувчиларнинг бўш вақти маънавий камолотга сарфланади.

ШАРҚ ҲИҚМАТЛАРИ

Одобсиз юз киши билан ҳам ёлғиз.

Шоҳид БАЛХИЙ.

Яхши хулқ шоҳлик ва катта мамлакатдан
яшироқ,

Соф табиат тилла гавҳар конидан ҳам
яшироқ.

Абулқосим ФАРУХИЙ.

Кимнинг феъл-атвори яхши ё ёмон,
Шу феълдин барчага туркайди осон.

Парилардек покдир яхши табиат,
Ёмон хулқ дев каби барчага офат.

Асадий ТУСИЙ.

Тавозедан келур иззату икром,
Кибрдин ёмон от бўлур, яхши ном.

Ҳаё одамийлик аслидир, асли,
Шундан одам бўлур ҳар одам насли.

Одам бўлса ҳаё бўлажак албат,
Беҳаё вужудга ёғилсин лағнат.

Носир ХИСРАВ.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ
Самарқанд Давлат дорилфунуни доценти.



Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий қаноатни инсоннинг муҳим ижобий хислати ҳисоблаб, бу ҳақда кўп қимматли фикрларни айтиб ўтганлар. Ҳар учала шоир назарида талончилик, зулму ситам, ҳаромхўрлик, ўз нафсини тия билмаслик оқибати, шунингдек, жами одам яшашигагина лозим бўладиган нарса билан қаноатланса, қолганини бошқа муҳтожларга бўлиб берса, тенглик, биродарлик қарор топади. Қаноат зарурий ахлоқий категория сифатида тарғиб этилиб, ҳалоллик, тақво, қарам, саховат тушунчалари билан бирга олиб қаралган.

Амир Хусрав «Матлаъул анвор» асарида қаноатни сабр, тақво, ҳиммат тушунчалари билан биргалликда талқин этади.

*Сабр чу ганжаст ба кунжи хароб
Рав, ки туйи мунъими комил нисоб.
Мард тавонгар ба сабурий бувад,
Лек на сабре, ки зарурий бувад.*

(Сабр — харобадаги ганж-бойликдир. Сен шу неъматнинг ҳақиқий эгасисан. Инсон сабр билан куч-

ТАРБИЯ

Сенга маълум қиличбозлик маҳоли,
Ғўдаймаклик бўлур бошнинг заволи.

Низомий ГАНЖАВИЙ.

Керак бўлса обрў оламда,
Яхши ахлоқ бўлсин одамда.

Яхши хулқ энг яхши нарса дунёда,
Халқ севар барчадан шуну зиёда.

Фаридиддин АТТОР.

Яхши хулқли кишини,
Яхши дегил ишини.

Жалолиддин РУМИЙ.

ТАБИАТ БУРЧАГИ

ЁНҒОҚ НАВЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

1. Бодом ёнғоқ — Тоғли районларда яхши ўсади. Ҳисор тоғларидагиси айниқса серҳосил бўлади.

2. «Нодира» ёнғоғи — жуда тезпишар нав, уруғидан униб чиққач, иккинчи йилиёқ ҳосилга киради. Юз йилдан кўпроқ вақт давомида ҳосил беради.

3. «Нозимахоним» ёнғоғи — пўсти юпка, мазали, ширин, сермағиз. Нонга қўшиб ейилганда хафақон касаллигидан асрайди.

4. Пакана ёнғоқ — иссиқсевар нав, унинг бўйи 5—6 ёшида ҳам 120—130 сантиметрдан ошмайди. Тоғ минтақаларида денгиз сатҳидан 2200 метр баландда ҳам яхши

сон учун муҳайё этилган бўлсаю, инсон яна нафси бадлик қилиб, ўзининг қадрини кеткисса, бу ахир бемаънилик-ку, дея ачинади улғу шоир. Дунё, унинг бойликлари ўткинчи, инсон бу бойликларни яшаш воситаси деб билмоғи, инсоний шаъну шарафни оширишга хизмат қилдиromoғи даркор, нанки ўзи шу мол-мулкнинг, арзимас ашёларнинг қулига айланса!

лидир, аммо бу сабр зарурий, сохта бўлмаслиги керак).
Сохта сабр-қаноатли кўринишга интилган одам ташқаридан қараганда осойишта кўринса-да, аммо ич-ичидан олтинга ўчлиги билиниб туради. Зар — олтин одамга бахт келтирмайди, аслида у бир безак, холос. Нафс йўлига тушган одам шамолдек беқарор ва беҳаловат бўлади, ҳар қандай ифлос кўчага ҳам кириб кетаверади. Кишини ҳаромдан сақлайдиган туйғу — сабру қаноат.

Бундай қарашлар бизнинг замона учун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Икки жиҳатга диққатни қаратиш ўринли: биринчиси шуки, шоир «зар толиблари»нинг мол-мулкни ҳаром деб эълон қилиш билан шоҳлар, султон-амирлар, хулласи калом ҳамма аслзода синфнинг ҳаётини ҳаромхўрликдан иборат деб эълон қилган. Зеро, уларнинг барчаси ҳам олтинга сажда қиладиган, олтин қудратига таяниб, халқни талайдиган кишилар эдилар. Амир Хусрав буни нозик бир тарзда олтин — ганжнинг касофатини айтиш билан зукко ўқувчилар фаҳмига етказа олган.

Иккинчиси шуки, шоир ганж — бойлик эгаларини бахтсиз кишилар деб атайди, бойлик қанча кўп йиғилса, у шунча зулмат — бадбахтлик келтиради. Демак, шоҳлар ҳам, унинг гумашта ҳамтовоқлари ҳам туну кун маишат билан кун кўрсалар-да, бироқ бахтли одамлар эмаслар. Ва учинчиси — ганж топишдан кўра сабр-қаноат қилиб ҳалол, пок бўлиб юриш қийин. Бу — энг катта қаҳрамонлик, мардлик. Осуда, виждонсиз, имонсиз одам ҳеч бир қийинчиликсиз яшайверади, лекин пок яшайман деган одамнинг йўлида минг хил ғовлар пайдо бўлади. Чунки пок яшашга ният қилиш, аввало, ўзини дунё неъматларидан чегаралаш, оз нарсага кўникиш демак.

Зар тўплайман, бойлик йиғаман, деган одам ё зулм-ёвузлик билан, қатл-ситам билан бошқалар мулкни ғорат қилади, ё зўравонларга сизғиниб, тубанлашиб, ялиниб-ёлвориб, тама-тиламчилик билан қулдай хўрланиб яшайди. Ваҳоланки, инсоннинг қадр-қиммати, шарафи мол билан, қанча кўп олтин-зар тўплагани билан белгиланмайди, балки ҳалоллиги, одамшавандалиги билан ўлчанади, дейди Деҳлавий.

Тама одамни пастга уради, қадрини кеткизади. Бутун олам, унинг неъматлари, гўзаллиги, еру осмон, дов-дарахт, ою қуёш инсон хизматида, ин-

сон учун муҳайё этилган бўлсаю, инсон яна нафси бадлик қилиб, ўзининг қадрини кеткисса, бу ахир бемаънилик-ку, дея ачинади улғу шоир. Дунё, унинг бойликлари ўткинчи, инсон бу бойликларни яшаш воситаси деб билмоғи, инсоний шаъну шарафни оширишга хизмат қилдиromoғи даркор, нанки ўзи шу мол-мулкнинг, арзимас ашёларнинг қулига айланса!

Албатта, қаноатга даъват этиш кишиларни курашдан четлатиш, мулкдорларнинг молига тажовуз қилмаслик, «бергани билан шукр қилиш», тақдирга тан беришга ундаш ҳам эди. Яъни, бир томондан, бойлик, олтин-кумушга нафрат, иккинчи томондан, эзувчи синфлар «насибаси»га шерик бўлишдан тийиниш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш... Утмиш мутафаккирлари ижодидаги зиддиятли жиҳатлардан бири бу, албатта. Шундай бўлишига қарамай, Хусрав Деҳлавийнинг қаноат ҳақидаги қарашлари замирида одамийликни ҳимоя этиш сезилади. Бу эса биз учун муҳим. У Саъдийга ҳамовоз бўлиб, баднафс кишини ҳайвон билан тенглаштиради. «Меъданинг тўлиши билан ғамдан фориг бўладиган киши одам эмас, жонивор — ҳайвондир», дейди у тўғридан-тўғри. Одам маънавий эҳтиёжлари, дард-ғами билан одам. Нафс ҳирси — бир оташ, у оламни ёндириши мумкин. Мол ҳирсида кўнгли кўр бўлиб қолган одам ҳарому ҳалолнинг фарқига бормайди.

Амир Хусрав баднафслик, ҳирсни ана шундай газабкор оҳангда қоралаган. Бундай ҳирс одамни истаган кўчага етаклаши, истаган номақбул ишни қилишга, ҳар қандай тубан одам қошида сажда қилишга мажбур этиши мумкин.

Қаноат қилган одам эса бировга қарам бўлмасдан, ўз эркини, қадр-қимматини нафс тузоғига туширмай яшай олади. Султон бойлигига ҳавас — султонга банди бўлиш, султон шавкатини писанд қилмаслик, ақл-хушни ишлатиб, ҳалол меҳнат билан пок яшаш, ўзига ўзи султон бўлиш. Мана шу ғоя Деҳлавий томонидан турли тарафдан талқин ва тарғиб этилади.

Шоир шоҳ шаробидан осойишталик сувини афзал билади, ҳалол камбағални ҳаромхўр мулкдорлардан устун қўяди ва камбағаллик билан поклик ҳаммаса опа-сингил деган фикрни олға суради. Шу асосда Деҳлавий тақводорлик, зоҳидликни ҳам оқлаб чиқади. Тақводор кишилар —

САБР-ҚАНОАТ БОБИДАКИМ



САВОАТ

ўсиб, мўл ҳосил беради. Тяньшанда ва Фарғона водийсидаги тоғларда кўп учрайди.

5. Писта ёнғоқ — ноёб тур. У жуда камдан-кам жойларда сақланиб қолган. Бўйи 7—8 метрдан ошмайди.

6. «Улугбек» ёнғоғи — чиллаки нав. Мағзи 85 фоизни ташкил этади. Мағзи таркибида 77 фоиз мой, 16 фоиз оқсил, 7 ҳисса углерод, ҳар хил витаминлар, кислоталар, микроэлементлар, минерал тузлар бўлади.

7. «Навой» ёнғоғи — Ғарбий Тяньшаннинг Угом тизмаларида кенг тарқалган, пўчоғи сарғиш, меваси оқмағиз, таъми жуда ширин.

8. «Юпитер» ёнғоғи — мевасининг тузилиши ялпоқ, бошқа ёнғоқларникидан йирикроқ, пўчоғи юқалигидан мағзи кўриниб туради.

9. Уртапишар ёнғоқ — Арслонбоб, Бўстонлик, Қизил Унгур, Пошшоота, Кепетдоғ, Ворзаб, Анзоб, Такопда кўплаб ўсади.

10. Қохати ёнғоқ — жуда серҳосил. Тянь-

шан, Угом, Пском, Чотқол, Фарғона тоғларида, Помир-Олой тизма тоғларидаги Қоратоғ дарёси соҳилларида, Вахш, Варзоб, Қофирнигон дарёси бўйларида, Туркистон, Зафаршон, Ҳисор, Помир тоғлари ёнбағирларида кенг тарқалган. Бу ёнғоқнинг 60 хил нави мавжуд.

11. «Афлотун» ёнғоғи — бу нав чангланмасдан, оналик гуллари иштирокисиз мева ҳосил қилиш хусусиятига эга. Бу биологик ҳолатни фанда апаемексис дейилади.

12. Буқоқли ёнғоқ — Ғарбий Тяньшан, Помир, Олой, Кепетдоғ тизмаларида кенг тарқалган.

13. «Коммунизм» ёнғоғи — мевасининг тузилиши овалсимон бўлиб, ҳар бир донаси тухумдек келади.

14. Туя ёнғоқ — кохати ёнғоқлари сирасига киради, маданий ҳолда яхши ҳосил беради.

15. «Искандар» ёнғоғи — бу нав тупроқ

танламайди, барча ерда ўсаверади.

16. «Афросиёб» ёнғоғи — серҳосил, сермағиз, иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидамли нав. Нурота тоғларидаги Уким, Остона, Фориш қишлоқлари атрофида кўп учрайди.

17. Кечки ёнғоқлар — 20—25 йилдан кейингина ҳосилга киради... Уларнинг дарахтидан ҳар хил асбоб-ускуналар, рўзгор буюмлари ва чолғу асбоблари ясалади. Кечки ёнғоқларнинг «Егочли ёнғоқлар», «Тошёнғоқ», «Эркак ёнғоқ» сингари турлари мавжуд.



УИГА ВАЗИФА

1. Сиз яна қандай ёнғоқ турларини биласиз?
2. Қишлоғингизда яна қандай мевали дарахтлар ўсади? Уларнинг навларини аниқланг.

қуқуқни, иззат-икромни сақлашнинг тўғри йўлидир, шоҳ ҳам, гадо ҳам қаноатни тарқатган одамлар, аксинча, қонёё одам — шоҳлик ташвишидан ҳам, гадолик азобидан ҳам қутулади: «Улким, қаноатга муътод бўлди (ўрганди) — шоҳу гадо тараддудидин озоб бўлади». Ғоят улғу фикр. Шоҳ ҳам — тиланчи, гадо, деган маъно бор бу фикр тагида! Чунки шоҳ ҳам баднафе одам, баднафе бўлганда ҳам баднафсларнинг энг каттаси. Навоий ана шунақа умумлашма хулосалар билан Хусрав Дехлавийдан хийла олдинга ўзиб кетган. Қаноатнинг иккита душмани бор: бири — тама, иккинчиси — хирс. Ҳар иккаласи ҳам инсон руҳининг ашаддий емирувчилари, зolim жаллодлар. Ҳирсли одамда ор-номус ҳисси ҳам сўнган бўлади.

Хусрав Дехлавий қаноатнинг биринчи шарт сифатида сабрни кўрсатган эди. «Ҳайратул аброр» дostonида сабр хусусида гапирилмайди, ammo «Маҳбул клуб»да алоҳида боб ажратилиб, сабрнинг қаноат билан боғлиқлиги, қаноатли одам сабрий бўлиши зикр этилади. «Сабр — аччигдур» деб бошлайди Навоий. Бу — халқ ибораси. Дарҳақиқат, сабру чидам оғирликларни енгиш, қийинчиликларга дош бериш демак. Қаноатнинг қудрати, шарофати «Ҳайратул аброр» dostonидаги «Қонёё жувонмард ила томёё жаҳонгард» ҳикояси тасвирида ҳам яхши ифодалаб берилган.

Алишер Навоийнинг Амир Хусравдан фарқлангани яна бир жиҳати шундаки, у қаноатни фонийлик, таркидунё қилиш билан ҳам боғлайди. Чунки унинг назарида энг қимматли, қаноатли одам «ойини фано кўзлаган» одам:

*Эй ҳуш ул ойини фано кўзлаган,
Мулки қаноатда саро кўзлаган.*

Бундай одам агар кўнглида бог томошаси бўлса осмон-фалак гулшанига боқади, бу кўхна дунёнинг бебаҳо ишларини мушоҳада этади, дунё ҳаммадан ҳам қолишини англаб этади.

Шундай қилиб, ўзбек шоири бу ўринда Низомий Ганжавий қарашларини ривожлантириб, Низомий ва Хусрав Дехлавий ғояларини кўшади. Чунки Низомийда қаноат ана шундай кенг фалсафий кўламда олиб қаралади. Қаноат, факр, дарвеш тушунчалари шу сабабли Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» асарида бир-бирининг ўрнини босадиган тушунчаларга айланиб қолган. Қаноатли одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азиз, томёё-тамағир эса хору залил — Навоийнинг асосий хулосаси шу.

*Хуш саҳифа мунассафҳис
тубофеосо
Маллик Мурадоб*

диёнати, виждонли одамлар, уларнинг узлатга чекиниши ана шу ҳаромхўр сарватдорлар, халқ молига кўз олайтирган кимсаларга исёни, норозилиги, дейди у.

Қаноат ҳақидаги еттинчи мақолотдан сўнг келтирилган ҳикоятда ҳам шоир ўз қарашларини қувватлантирувчи далиллар топади, қаноат тақвода ҳам сидқу ростлик бўлиши, риё аралашмаслигини талаб этади.

Амир Хусрав хасислик, очкўзликни ҳам ёмон хислатлар қаторига қўшиб, бунга қарама-қарши саҳий одамлар одатини шарафлаган. Мол-мулкни тўплаб, бировга бермасан, ўлганингдан кейин душманинга қолади, чунки уни гўрга олиб кетолмайсан. Дунё ҳаммадан қолган. Бу ерда у Низомийнинг «Сулаймон мулкани истама, қани у, мулк турибди, лекин Сулаймон йўқ», деган фикрларини давом эттиради.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» dostonида ҳам қаноат фазилатига бир боб бағишланган (еттинчи мақолот). Ўзбек шоирининг назарида қаноатли кишининг мартабаси шунчалик баландки, у тангри олдида энг азиз ва муътабардир. «Қаноат — жаннат сари элтувчи қанот» — дея сўз бошлайди Навоий. Қаноат кишини қудратли ва бардам қилиб тарбиялайди, руҳингиз тетик, қалбингиз бутун бўлади. Қаноат қилган гадо — подшо, тамағир шоҳ эса гадо.

*Шод ул эмаским бошига қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж...
Шоҳ бошининг тарафи тож эмас,
Анла ани шоҳки муҳтож эмас...
Кимки қаноатдин эрур ҳужжати,
Яхши — ёмонга йўқ анинг ҳожати...*

Нега Навоий қаноат ҳақидаги бобда гапни шоҳдан бошлаган? Чунки қаноат шоҳдан бошланса бошқаларга ибрат бўлади, шоҳнинг баднафслиги, молпарастлиги салтанатни харобазорга айлантириб, фуқарони оғир ахволга соларди. Шу боис мутафаккир шоир шоҳларни ҳам қаноатга чорлаб, саховат, қарамни уларнинг асосий фазилати сифатида кўрсатган. Қаноатли шоҳ — тақводор дарвешдай ўз нафсининг ҳокими бўлиши мумкин. Шоҳ шоҳ эмас, балки, қаноат мулкани эгаллаган одам — ҳақиқий шоҳдир.

Бу фикр Шарқ адабиётида узоқ асрлардан бери давом этиб келади. Навоийнинг қаноатли одамни подшолардан юқори қўйиши ҳам шоҳдан покдил дарвешнинг рутбаси баланд, деган илғор гуманистик ақидага бориб тақалади. (Бу ҳақда Н. Комиловнинг «Шоҳу дарвеш ҳикмати» мақоласида чуқур мулоҳазалар билдирилган. «Ешлик» журнали, 1988 йил, 2-сон) Навоий «Ҳайратул аброр»да қаноатли дарвешнинг шоҳдан устунлигини яна шу далил билан исботлайдики, шоҳлар тама, зебу зийнат, олтин-кумушга ўч, шу учун улар безовта ҳаёт кечирадилар, қаноат аҳли эса кўнгли тинч, осойишта. Навоийнинг фикрича, қимматбаҳо жавоҳиротлар ортиқча безак, холос. Бу фикр Шайх Саъдий ва Дехлавийда мавжудлигини кўрдик. Навоийнинг улардан фарқи шундаки, у олтин-кумушни батамом инкор этмайди. Олтин-кумуш тўплаш одат экан, уни эзгу-хайр ишларга сарфлаш, саховат билан муҳтожларга тарқатиш

лозим, дейди ўзбек шоири масалага конкрет ёндашиб.

Демак, шоҳнинг қаноати саховатига эш бўлмоғи даркор. Аммо, ҳар ким ҳам бундай саховатга бардош беролмайди ва бундай саховатга умид боғлаб кун ўтказишнинг ўзи нодуруст. Навоий ушбу мақолотда сарф қаноати — саҳийлик меъёри ҳақида ҳам тўхтаб ўтади. Чунки саховат чин кўнглидан, табиатдан келиб чиқадиган иш бўлиши лозим. Дабдаба, кўз-кўз, манманлик учун саҳий бўлиш саховатга кирмайди. Дабдаба учун мол сарф этувчилар беҳуда талафотга йўл қўядилар, подшоларга тақлид қилиб, саҳий бўлишни орзу этиб, қарзга ботадилар. Одам ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан ўтказишни Навоий шеърини мисраларида баён этган. Унинг фикрича, фақат ўз нафсини тийиш, таъмағир бўлмаслик қаноат эмас, балки бор нарсани ҳуда-беҳудага сарфламадан юриш ҳам қаноатга киради. Қаноат, шундай қилиб, меъёрда яшаш, ҳалоллик ва тўғрилиқдир.

Қаноатли одам ўз меҳнати орқасида топган бир бурда нонини шоҳ инъомидан устун қўяди. Демак, қаноат — энг олий қиммат. Буни Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» dostonида келтирган Ҳотам ва ўтинчи чол ҳикоясида тасвирлаб кўрсатади. Ҳотам — афсонавий саҳий, унинг қўли очиклиги турли асарларда муболага билан ҳикоя қилинади. Лекин Навоий саҳродан ўтин йиғиб келиб, уни сотиб, пулига тирикчилик қиладиган чолни Ҳотамдан устун қўяди, чунки чол Ҳотам эшигига бориб, унинг туҳфаларига, садақа ошнонижа боқмайди, аксинча ўз меҳнати билан яшашни афзал билади. Маълум бўладики, Хусрав Дехлавий байтларида ифодаланган фикр Навоийда «саховат боби»даги ҳикояда ифодаланган.

Қаноатнинг фазилати, инсон номини шарафлаши хусусида Навоийнинг бошқа асарларида ҳам фикр билдирилган. Жумладан, насрий йўсинда ўткир сўзлар анча «Ҳамида афъол ва замима хисол ҳосиятида» деб номланадиган иккинчи қисм «Қаноат зикрида» деган боб билан очилади. Қаноатни шоир инсоннинг энг қимматли, қадрланадиган ҳосиятли хислатлардан ҳисоблаган. «Қаноат чашмаедурки, суви олмоқ билан курумас ва маҳзанаедурким, нақди сепмоқ била ўқусмас ва мазраъедурким, тухми иззату шавкат бар берур ва шажаредурким, шоҳи истигноу ҳурмат самар келтирур» деб ёзади Навоий. Қаноатнинг акси — тама, тиланчилик. Тиланчи одам — баднафе, паст одам, ўз қадрини билмаган одам. Киши қорин учун бировларнинг олдида ўзини ерга урса — бундан ёмони борми. Навоий замонида ҳам бундай одамлар кўп бўлгани аниқ. Тама деганда шоир гадолик, очофатлик, очкўзлик, жаҳондин тўймаслик каби хусусиятларни назарда тутайди. Шунинг учун фақат эшикма-эшик нон тиланган гадо эмас, бировларнинг молига кўз олайтирган, боқинчилик қилган шоҳ ҳам тубан одам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Навоийнинг насиҳатлари қанчалик кучли ижтимоий мазмунга эга экани маълум бўлади. Қаноатга даъват этиш — ҳалолликка даъват этиш, меҳнатга даъват этиш, инсонлар жамиятида бўлиб яшашни талаб этиш эди.

Навоийнинг фикрича, қаноат эркини, инсоний





Афросиёб хотираси

Овоз йўқ. Осмон бор. Жангчи ўтлар бор.
Шамол бор — йиғлайвериб бу дараларда
Овозини йўқотиб қўйган шамол бор.

Ой порлар — қабристонга ярашади ой.
Ҳаво — кузги олма — тирсиллаб турар,
Ҳаво бағрим каби қайғуга тўла.

Фақат сен қолгансан кўксимда, севги,
Фақат сен қолгансан кўзимда, армон,
Бу улуг шаҳардан хогира бўлиб.

... Утлар ўрмалайди баҳордан қишга.
Йиқилдим — устимдан ўрмалар ўтлар,
Устимдан асрлар, мозийлар ўтар...

* * *
Бир чолни учратдим, қўли қон эди,
«Нима бўлди?» — дея сўрадим ҳайрон.
«Дўстимни душманга соғандим... —
деди, —
Икки қўлим қондир ўшандан бўён».

Бир чолни учратдим:
Тили йўқ эди,
«Нима бўлди?» — дедим ёнига келиб.
Ғўлдираб нимадир деди, хўрланган
Боболар қабрига ишора қилиб.

Бир чолни учратдим,
Кўзи кўр эди.
«Нима бўлди?» — дея сўрадим ҳайрон.
«Хиёнат қилгандим имонга... — деди, —
Узимни излайман ўшандан бўён».

* * *
Боғларни кўр зулмат қучган паллада,
Бир ўзим турардим чексиз далада.

Менинг кўзларимга боқарди маҳзун
Олис-олислардан оқиб келган тун.

Тоғларнинг қизарган елкаси узра
Булуғдек кўпчирди бир ваҳший узлат.

Шу узлат қўйнида бир юлдуз порлар,
У менинг дилимни ёнига чорлар.

Мен унга индамай кулиб турардим,
У қайғум эканин билиб турардим.

Эрк гули

Эрк гули бор дерлар, бувижон,
Шу гул ҳақда менга сўйлаб бер.
У гул қайда ўсар шодумон,
Айтгин, гулнинг макони қаер?

— О, болажон, бу сирни билсанг
Ғам келару дилинг қисади —
У гул ўсар эрк деб жон берган
Ботирларнинг қабри устида!..

* * *

Самарқанд — заъфарон тирамоҳ,
Бухоро — қирмизи саратон.
Тош шаҳри — совуган қаҳрабо,
Туркистон... Туркистон... Туркистон...

Хива — «Хайр» каломи. Сукунат.
Саҳрода янграган қўнғироқ.
Қўқон — боғ. Ватан деб жон берган,
Йигитлар қонини ичган боғ.

Шаҳрисабз кабутар патидир,
Зангори рангларга бўйланган.
Термиз — кўр хаттоғнинг хатидир,
Замонлар зарбидан туйилган.

Бобурнинг кўзёши — Андижон,
Марғилон — минг ёшли қизалоқ.
Туркистон... Туркистон... Туркистон —
Даштдаги қон рангли қизгалдоқ...

* * *

Менинг ўғлим кўрқмайди итдан,
Менинг ўғлим кўрқар фашистдан.

Кинодан сўнг йиғлайди ҳадеб:
«Нега отди кампирни, айт?» — деб.

Савол берар лаби буришиб,
Йиғлар узоқ юзи тиришиб.

Менинг ўғлим тунлари бирдан
Сўраб қолар шивирлаб мендан:

«Келмайдими фашистлар, дада,
Келиб бизни отмасми, дада?»

«Йўқ, келмайди,» — дейману бироқ,
Ўғлим йўлар суради узоқ.

Ухлолмайман мен ҳам то саҳар,
Юрагимни кемирам хатар.

Атрофда тун, увиллар итлар,
Деразамдан боқар фашистлар...

Самарқандда ойдин тун

Ер устида нурлар сояси...
Ойдин тун бу!

Гўё жодугар

Шаҳар узра ҳарир оқ доқа

Ташлаб қўйиб томоша қилар.

Ой нуридан илиган умид

Юрагимни қилар безовта.

Кўксаройнинг соқчиси — кўр ит

Эгасини излар моҳтобда.

Осмон гулхан чўғлари тушиб,

Милт-милт этиб ёнаётган шол.

Арвоҳларнинг безовта туши —

Чинорларни силкиган шамол.

Мудроқ нигоҳ ила боқаман,

Мозий ёди мени қилар маст.

Гўё дарё аро оқаман —

Манзилимни ҳеч кимса билмас...



Дилнос МУРСАЛИМОВ чизган расм.



* * *
Соғинганинг айтарсан кулиб,
Кўзларингда ширин бир араз.
Ултираман бошни хам қилиб,
Баҳоналар топиб арзимас.

Кейин йўқлаб келади дўстлар,
Олиб кетар мени ёнингдан.
Дийдоримга тўймаган кўзлар
Маънос боқиб қолар ортимдан.

Бир лаҳзадай ўтар уч-тўрт кун,
Мен қайтаман шаҳарга яна.
О, нақадар оғир сен учун,
Охири йўқ кутушлар, она...

Намоз ботирнинг сўнги сўзи

Яхши бўл, деган билан
Емон яхши бўлмайди.
Фақат қуруқ гап билан
Замон яхши бўлмайди.
Емон яхши бўлсин деб,
Замон яхши бўлсин деб,
Оромни ўйламадим,
Жонимни аямадим.
Емон яхши бўлурми,
Замон яхши бўлурми?!



Экин

Қишлоқни қисиб қўйган
Зўравондай бу экин.
Экилавериб ер тўйган,
Заҳарлар босган бетин.

Юртнинг қувончи эмас,
Дарди бўлди бу экин.
Айтсанг кўплар ишонмас —
Сотилади сув текин.

* * *
Тиниқ шабнамларга чайилган майса,
Оппоқ туйғуларга чулганган юрак...
Бу дунёда неки бокира бўлса,
Барчаси қониқиб яшаши керак.

Йўқса бош айбдор бўламиз бизлар,
Уволлари келиб бизни уради.
Қасоскор руҳлари-таънали кўзлар
Олис-олислардан боқиб туради...

Туроб НИЕЗ

Орол

«Оролинг қуриса хуштак чал ўғлим...»
(М. Аъзам)

Орол — бемор она,
Аҳволи оғир.
Ажал билан олишар у,
Ҳар куни яна.
Қуриб қолган сийналари онанинг,
Аму — Сир.
Улиб кетган болалари —
Балиқлар.
Қақраб қолган лабларига,
Шўрликнинг,
Бир томчи сув томизмасдан ачиниб,
Хуштак чалиб юрганлар биз —
Одамлар.

Уельям Моэм фалсафаси

Виждон — соқчи,
Инсон қалбига.
Қўриқлайди Миршаб сингари
«Мен» — деб аталган қўргонимизни.
Соқчи ўлса,
Яшаш кўп осон,
Соқчи ўлса,
Яшамоқ қийин,
Яшамаган маъқул,
Соқчидан кейин!..



Шаҳарда

Кун иссиқ. Хонада димиқиб,
Яшайсан ноилож вужудим.
Тополмай ҳеч чора хаёлда,
Қишлоққа талпинар ўйларим.
Қирлар ҳам адирлар Боботоғ
Ястаниб ётадир лолага!
Ҳеч раҳми келмайди шаҳарнинг
Мен шўрлик қишлоқи болага!

* * *
Пашшани ўлдиришга ботинолмайман...
Жиғимга тегса ҳам қанча.
Уйлайман: — қўлим ўрганмасин,
Озор бермоқни...

* * *
Одамнинг энг яқин,
Дўсти, душмани
Ҳеч ким бўлолмагай
Ўзидан бошқа.
Шул сабаб, ҳар лаҳза
Курашмоқ лозим,
Фақат ўзи билан
Яккама-якка!
Аввал ўз-ўзингга
Бўлолмасанг дўст,
Гумондир ўзганинг,
Сенга дўстлиги.
Аввал бир ўзингни,
Енга олмасдан,
Мушкулдир ўзгани
Мағлуб этишинг!..

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Тунги армон

Сокину ойдин кеча,
Моҳтобон менад йироқ.
Юлдузлар куйди неча...
Ой кўкси қақшар — титроқ.

Хаёллар ҳур, парвона,
Энди ҳеч келмас уйқу.
Қўмсайди қалб — девона,
Умидни босди қайғу.

Оралиқ зулмат-зулмон,
Етмайди зори дилим.
Мен шоҳаншоҳ, мен ҳоқон,
Гадодек очиқ қўлим...

Сокину ойдин кеча,
Моҳтобон менад йироқ.
Юлдузлар куйди неча,
Ой кўкси қақшар — титроқ...

Қишлоқда

Мен кетаман...
Қолар бу ерлар,
Туйғуларнинг ҳур кўзида нам.
У саргардон қайга ҳам етар,
Бойчечаклар —
Йўл кутган онам...

Сувга чайқар толлар юзини,
Богинимга чўкар оғир из.
Ҳеч кимсага айтмас сўзини
Ой — ёруғда кашта тиккан қиз...

Соҳилда

Бу ерлардан кетар шамоллар...
Бу ерларда сағирдир армон.
Маънос торган мунис аёллар
Нигоҳида йиғлайди осмон.

Неча йилки, бу кўнглим маҳтал,
Бу ерларда менад қолган из.
Ва мен уни тарк этар маҳал,
Уша ерда қолганди бир қиз...
Бу ерлардан ўтар шамоллар...

* * *
...Рухимни чулғайди беимкон озор,
Бошимда юлдузлар сукут сақлар жим.
Шамоллар сарсари, хомуш — азадор,
Дардли ой қалқиниб тўкилар сим-сим.


Бемадор осмонда тентирайди хоб,
Юлдузлар қўрида қолар иссиқ кул.
Туннинг косасига сиғмайди зардоб,
Ой эса фарёддек саргаяр буткул...



* * *
Мен атайлаб кетмадим, момо,
Керак эмас мол ҳам, дунё ҳам.
Тор келгандан булутга само,
Сиғмай кетар осмонга у ҳам...

Керак эмас мансаб, мартаба,
Койийверманг беҳуда ҳадеб.
Йироқларга кетганман момо,
Қишлоқ мени унутмасин деб.

Исмаил ХУДОЕРОВ



Одми сўроқ

Тирикманми, йўқми? Мавжудманми, йўқми?? Вужудманми, йўқми?? Хайронман (кифтимни учирапман)...

Тишларим бетўхтов оғриб шундоқ ҳам тор хонамни (якка-ёлғиз оламимни) кўзимга янада тор кўрсатапти. Устига-устак, тамакининг касрими, ўпкам гижиллаб эзилиб ётибди. Истеъмол қилаётган таомларим ошқозон қолиб, ўпкамда йиғилаётгандай. Хуллас, ўта анъанавий бетоблик. Яъни... (хаёлимга келган фикрдан жуда қувониб кетдим, ўзимда йўқ шодман) тирикликнинг, мавжудликнинг, вужудликнинг нишонаси бу!


Албатта, тир., м., в...н (кўзларим ола-кула бўлапти, даҳшат ичраман)... Эрта-индин буткул соғайиб кетсам — тишларим оғримаса, ўпкам азобланмаса, не қиламан! Шууримда сўроқ белгиси кезинади?

Ялқов

Мен кеча кулдим. Бугун эса йиғладим. Еки аксинча, кеча йиғладим, бугун эса кулдим. Эртага кулгу билан йиғининг ўртасида бўламан. Яъниким, мўътадил кайфиятда бўламан. Ушанда танамга яхшилаб ўйлаб кўраман. Ушанда дўшани ноз-неъматлар уйиб қўйилган хонтахтанинг бир четига қўндириб ўйлаб кўраман — мен кимман ўзи? Ва охир-оқибатда қуйидаги хулосага келаман:

Мен текинхўрман.
Не боис бу хулосага келганимни суриштирмоқлари ҳам мумкин. Жавобим эса таяёр.

Мен текинхўрман. Чунки Инсон қавмининг ривожига зигирча ҳисса қўшмадим. Неча-неча замонлардан буён давом этаётган тадрижи такомилга қўшмоғим керак бўлган улушни қизгандим. Қавмларнинг «юксак зот» деган тамга учун курашидан четда бўлдим. Уша курашнинг натижаси ўлароқ, тўрт мучам, етмиш икки томирим бус-бутун ҳолича, таппа-тахт бўлиб ёруғ дунёга келдим. Мана, ўша қавмларим қолдирган аъзоларим ёрдамида хонтахта лим-лим бўлган ноз-неъматлардан тотиниб турибман.
Мана, мен шу каби одамман...



Шарифжон АХМЕДОВ — 1969 йили Андижоннинг Асакасида туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг III курс талабаси.

Узингизда катта таассурот қолдирган 5 та энг сара асарни санасангиз?

1. Х. КОРТАСАР ҳикоялари.
2. Р. АКУТАГАВА ҳикоялари.
3. А. КАМЮ, «Чеккадаги кимса» («Посторожий»).
4. Х. Л. ВОРХЕС ҳикоялари.
5. Э. ПО, «Лигейя» ҳикояси.

Буларнинг барчаси эртага рўй беради. Яъниким, кайфиятим мўътадил ҳолатида. Бугун эса ёки кулапман, ёки йиғлапман. Яъни, кулгу билан йиғининг ўртасида эмасман.

Таъқиб

Мен ундан кўрқаман. Унинг сон-саноқсиз кўзлари бор. Улар ҳар бир ҳаракатимни зимдан эмас, очиқ-ошқора сурбетларча кузатиб туришади. Атрофимни қуршаб олган жамики нарса-буюмлар, ғимирлаган ҳар бир жонзот унинг кўзлари.

Ана улар — ҳайҳотдек ҳовли, мункиллаб қолган иморат, уни тутиб турган устунлар. Устунларда сиртдан ҳамма нарсага бепарқ боқаётгандек ўрмалаб юрган чумолилар ва боғимнинг дарахтларию, унинг шохларига қўнган қушлар. Бу майда кўзларга буйруқ бериб турган энг асосий кўз эса ер учун соябонлик вазифасини ўтаётган фалак.

Менинг биттаю битта кўзим бор. Йўқ, мен шу ҳолимча турғилмаганман. Даставвал сўл кўзим ҳам соппа-соғ эди. Мудҳиш тонглarning бирида у умрбод очилмайдиган бўлиб тош қотди. Ушандан буён фақатгина шу ўнг кўзимга суяниб қолганман. Шундай қилиб, улар мени ҳаргиз ва ҳар жойда таъқиб қилишади. Улардан қай йўл билан қутилишни билмайман.

Ҳаётимда яна мудҳиш тонглр ота бошлади. Шуларнинг бирида ўнг кўзимдан ҳам ажралдим. Қанчалар улкан фалокат бўлмасин, бу воқеа менга бироз таскин бергандек бўлди. Атрофимдаги кўзларнинг таъқибидан қутилган эдим.

Таскиним чил-чил бўлди. Энди улар шууримга ҳам кириб олишди. Улардан қачон ва қай ҳолатда халос олишим менга қоронғу.

Мен ундан кўрқаман.

Ҳаёт

Она чумолига уйланди у. Шунинг баробарида ҳар куни кечкурун қишлоқ чеккасидаги якка-ёлғиз сўппайиб турган чумолилар макони — чириганидан енгилгина эпкин турса ҳам гирчиллаб қўйғувчи дарахт олдига борар, ярим-бир соатсиз қайтмас эди. Сабабки, унинг завжаси ўшанинг танасида яшайди. Унинг қилдиган иши шу — она чумолини кафтига олганча термулиб туриш. Қайтар чоғида эса уни лабига яқин келтиради. Она чумоли пастки лабини «чим» эткизиб тишлаб қўяди. Шу билан бу кунги дийдорга тўйиш тамом. Уйига қайтади.

Унинг ёши ўттиз-ўттиз бешлар орасида. Умри ўтиб борапти. Яккаю ёлғиз онаси билан қолган. Онасининг ҳар кунги илтижою муножатлари интиҳосига етди бугун:

- «Сен тенгилар уч-тўрт болали бўлишди»,
- «Набираминг бир ҳўл иштониға зор бўлиб ўтаманми?»,
- «Мени десанг уйланасан. Демасанг — сени туғиб қўймаганман!».

Бир ҳафтадан сўнг сўнги бора она чумолининг олдиға борди. Эртасига тўй бўлди. Ҳаётдан тўйиб бўлди. Тушунисаки, инсон зоти моҳиятан унга бегоналигини.

Келин-куёв ичкарига кузатилди.
...Эртасига эрталаб уларнинг ўлиги чикди чимилдикдан. Куёв келинга тескари қараб ётибди. Икковининг бутун аъзойи баданлари кўкариб қонталаш бўлган. Шифтга томон чумолиларнинг қонга беланган излари чўзилибди. Куёвнинг пастки лабида она чумоли бир томчи қон билан қотиб қолган.

Ҳалокату нажот

Менинг бир дўстим бор. У ёзувчилик билан шуғулланади. Ҳали номи чиқмаган. Баъзи бир ҳикоялари билан танишиб чиққанлар орасида эса умуман тан олингани йўқ. Мен унинг уйига тез-тез бориб тураман. Уч кун аввал яна бордим. Ташқаридан овозим борица бир-икки чақириб кўрдим ҳамки, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Нақшинкор ровотни очиб, тўғри кириб боравердим.

Токларнинг куюқ барглари соя солган ҳовли Ҳовлининг четида лой сувоқ қилинган ўчоқ. Дўстим ўшанинг тепасида экан. Бордим. У ҳамма нарсани унутиб, ўчоққа тикилиб турарди. Хайрон бўлиб ўша ёққа қарадим. Учоқнинг ичида қўл-ёзмалар уюлиб ётарди. Гугурт чақмоқчи бўлган эди, қўлидан тутиб қолдим.

— Барибир ёқиб ташлайман, — деди у хўмрайиб.

Мен хайрону-лол эдим.

— Барибир, гўлдиради яна.

Худонинг зорини қилиб, бу маросимни уч кунга қолдиришга эришдим.

— Барибир ҳеч ким тушунмайди, — дерди. — Қолаверса ўзимга ҳам ёқмай қолди. Атрофдаги нарса-воқеаларни шундайлигича кўчириб қўяпман. Қандай кўрсам шундайлигича. Қуруқ баёнчилик-ку бу. Янги услуб топиш керак.

Уч кунга сўраб олганим ҳикоялар билан танишиб чиқдим. Улардан баъзи бир сатрларни келтираман.


«...Чумоли чексиз хаёл оғушида келаётган эди. Туйқус майин туклари ўсиб чиққан пешонасини аллақандай қаттиқ нарсага уриб олди. Ва шунинг баробарида хўмрайиб юқорига қаради. Жуда баландда, булутлар орасида одамнинг юзи кўринди. Сўнг кифтини қоқиб, жилмайиб қўйди.

Шундай улкан нарсани кўрмай қолибман-а? — деб ўйлади. Энди чопқиллаб йўлида давом этди...»

Дўстим уч кундан сўнг айтганини қилди — кўлёмаларни ёқиб юборди.

Энди янги услубдаги машқларини берди. Мана улардан бир неча сатр:

«Кўнглимга чироқ ёқса ёришмасди. Кетма-кет хўрсинавераман. Узимни бироз андармон қилмоқчи бўлиб, оёғимнинг тағида ўрмалаб юрган чумолига тикилдим. У ҳов нарида кўриниб турган туйнуқка — инига ошиқар эди. Йўлини оёғим билан тўсдим. Чумоли худди аввал ҳам бундай тўсиққа деч келгандек эди. Чунки у ҳеч иккиланмасдан панжаларим устидан ўтиб, йўлида давом этди...»



Муроджон УНГАРОВ чизган расм.

ТАЛАБАЛАР ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТЛАР

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТИ ИНСТИТУТИДАГИ

Биз Й. Охунбоев номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент туқимачилик ва енгил саноати институтида бу саволларга жавоб топдик.

Биз олий ўқув юртлирида ўқитувчининг улуғ устозу аудиториянинг мутоқ ҳоқимиға, билимға чанқоқ студентнинг устозлар чизган чизиғидан чиқмайдиган итоаткор бир талабалигиға анчайин кўниқиб кетгандик. Айниқса, дарс ўтиш жараёнлари хусусида ҳеч ким талаба фикри билан ҳисоблашмасди, домла ўзига эп кўрса йигирма йил бурунги лекциясини кўтариб ҳам дарсга кириверарди, дарснинг ярмида латифа-гўйлик қилса ҳам, имтиҳонларда талабанинг билими қолиб ўз йўқламасиға қараб баҳоласа ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Булар эса ўқитиш сифатиға таъсир қиларди. Лекин бахтимизға кўп нарса ўзгарди, ўзгаряпти. Мавзунимиз ҳам мана шу ўзгаришлардан бири ҳақида.

Уч йил муқаддам институтларда талабаларға анкета тарқатилиб, у орқали ўқитувчилар хислатларини баҳолаш бошланганди. Хўш, бу тадбирнинг ўзи нима? Ундан кўзланган мақсад-чи?



Марат АХМЕДОВ, институт ректори

Ҳозирги ошқоралик давриға келиб олий даргоҳ талабалари билан ишлашнинг янги кўринишлари юзага келди. Бошқарувни эски усулларига барҳам берилди. Студентлар ўзларини ўзлари бошқара бошлашди. Натижада раҳбарлик фаолиятида уларнинг роли ошди. Ҳозир институт илмий кенгашининг чорак фоизи, меҳнат коллективи кенгашининг ўттиз фоизини талабалар ташкил қилади.

«Ўқитувчи анкетаси талабалар нигоҳида» савол-жавоб анкетасиға келсак, бу ишлар бизда 1987-1988 ўқув йилида бошланган эди. Бу тадбир бўйича студентлар ўзларига дарс берган ўқитувчиларнинг сифатларини 9 балли система бўйича баҳолайдилар. Анкетада ўқитувчининг хислатларини белгилайдиган 18 та савол бор. Жавоблар бўйича ўқитувчи 8-9 балл олса, бу унинг яхши сифатларға эға ёки бошқача айтсак, талабалар талаби бўйича зарур хислатларни ўзида ҳамиша намоиш этади дегани бўлади, 6-7 балл ўқитувчининг яхши хислатлари тез-тез, 4-5 балл 50 фоиз, 2-3 балл камдан-кам намоён бўлишини билдиради. Бир балл амалда ўқитувчида ҳеч бир сифат йўқлигини англатади. 0 балл берилса, бу мен ўқитувчини баҳолай олмайман дегани.

Хўш, бу тадбирларнинг амалий таъсири қандай? Баллар билан ишлаш аввало ўқитувчиларға ўзлари устида ишлаш масъулиятини, ўзини ва талабалар назоратини оширди, ўқитишнинг янги усулларига интилишини кучайтирди. Хуллас, ўзбекчасиға айтадиган бўлсак, ўрта ёки паст балл олган ўқитувчи дўпписини қўлиға олиб ўзи устида йўлаб кўриш вақти етганини англайди. Бали пастларнинг лекция ўтиш сифати деканат ёки ректорат томонидан текширилади, ёмон бўлса яхши ишлаш шарти қўйилади, шундан кейин ҳам талабға жавоб бера олмаса, бундай ўқувсиз ўқитувчидан воз кечилади.

Ўқитувчиларнинг ойликларини оширишда ҳам бу балларни эътиборға оламиз. Янги ўқитувчини ишға олишда ҳам аввало уларға энг кам ойлик белгилаб яхши ишлаш шартини қўямиз. Унинг қандай ишлаётгани анкета саволларға берилган жавоблардан ҳам маълум бўлиб қолади. Яхши кўрсаткичға эришса, машино оширилади. Бу хайрли тадбирнинг таъсири айниқса, ўтган 1988-89 ўқув йилида яққол сезилди. Масалан, кимё технология кафедраси профессори Латиф Юнусовнинг талабалари синовларда ҳам, имтиҳонда ҳам, ўзлаштиришда ҳам яхши натижаларға эришдилар. Унинг фамилияси ёзилган анкета саволлари бўйича талабалар фикри ўрганилганда у 8,4 балл олди. Биз яхши ўқитувчиларни доимо қўллаб-қувватлаймиз, рағбатлантириш йўлларини йўлаймиз.

Бир хил домлалар бор, дарсни ўтади-ю кетади, на тарбиявий ишлар билан, на бошқаси билан шуғулла-нишади. Табиийки, бундайларға талабаларнинг меҳри ҳам бўлмайди. Натижада паст балл олади. Утган йилги анкета савол-жавобларни якуни бўйича 3 ўқитувчи — П. К. Норкин, М. Тожиев, Х. Мақсудовлар ишдан кетишға мажбур бўлдилар.

Энди талабалар қайси ўқитувчиларни баҳолашларига тўхталсак. Анкеталаштиришда бу томонлар ҳам пухта ўйланган. Аввало талабалар аввалги семестрда ўзларига дарс ўтган ўқитувчиларни баҳолашади. Шунинг учун улар ўқитувчининг қасдлашиб қолишидан кўрқинмайди, эркин фикр юртишларига ҳеч бир монелик сезишмайди. Бу тадбирнинг яна бир яхши томони шундаки, унда домлаларнинг талабаларға билим беришидан ташқари бошқа хислатлари ҳам ҳисобға олинган. Ахир олий даргоҳларға 80-85 фоиз талабалар областлардан, қишлоқлардан келган ёшлар бўлади, у ерлардаги шароит ҳам ҳар хил. Шунинг учун ўқитувчининг маданияти, юриш-туриши, кийиниши ҳам талабаға сабоқ бўлиши керак. Биз болаларға ҳамиша одобли, ахлоқли, маданиятли бўл деймиз. Педагогнинг ўзи ундай бўлмаса-чи? Ахир ўқитувчи кўпол бўлса, кийиниши ёмон бўлса, бали ҳам ўз-ўзидан пастлаб кетади-да. Шунинг учун анкета саволлари жавобида ҳар бир ўқитувчи ўзининг афт-ангорини кўради. Афти қийиқлар ойнадан ўпкаламаса бўлади.

Хуллас, яхшилиққа, эзгуликка, янгиликка ҳамиша интилишимиз лозим. Ҳамма гап эътиборда.

Мирсобит УСМОНОВ,
кимё-технология факультети декани

Асли ўзи халқ таълими жиддий қайта қуришға, демократик жараёнларға муҳтож эди. Институтларни битириб чиқаётган ёш мутахассислар корхоналарға борғач у ердаги ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни ўрганишға қийналишгани ҳеч кимға сир эмас.



Шунинг учун кўплаб педагог-профессорларимиз сингари мен ҳам бир факультет раҳбари сифатида тайёрланаётган ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш ишиға астойдил ёндашишни жуда муҳим деб биламан. Бу йўлдаги ҳар бир янгиликни қўллаб-қувватлайман. Олий ўқув юртида йигирма йилдан ошқ ишляпман. Очғи, биз талабалар билан бево-сита ошқора мулоқотға энди-энди ўрганилмайди, анкеталаш орқали ўз меҳнатимизға қизиқувчилар ва манфаатдор бўлган талабалар томонидан баҳо оляпмиз. Ундан кўзланган мақсад талаба билан ўқитувчи орасидаги муомалада ошқоралиққа эришиш, ўқитувчининг дарс бериш жараёнини такомиллаштириш, педагог кадрлар таркибини яхшилаш ва булар орқали етишиб чиқаётган ёш мутахассислар малакасини оширишдир.

Анкеталаш олдидан талабаларға ўқитувчининг дарс ўтиш маҳоратиға, ўз фанини билиши ва шахсий хислатларига қай тариқа ёндашиб одил баҳолаш тушунтирилади. Баҳолаш қанчалик одилона бўлса, ўқитувчининг кейинги тақдирида аттестация ва конкурсдан ўтишида муҳим роль ўйнаши ўқитирилади. Баҳолашға юзаки қарамаслик керак.

Тўлғазилган анкета натижаларини деканат қошида тузилган махсус комиссия қўриб чиқади. Лекин уч йиллик тажриба профессор-ўқитувчилар ҳали бу соҳада қатъий бир фикрға келишмаганини кўрсатди.

Менинг назаримда бу тадбирнинг фойдаси катта бўляпти, ҳар бир ўтилган темаға ўқитувчининг масъулияти ошди. Эътирозли жойи шундаки, тузилган саволларнинг кўпи ҳали пухта ишланмаган, шунинг учун уларни қайта ишлаш ва охир оқибатда баҳолаш усулини такомиллаштириш керак. Масалан, мавжуд

18 савол ичида 1-2 курс студентлари объектив баҳо беролмайдиганлари ҳам бор. Мисол учун, дарсда асосий ўринларни ажратади; ўз ишиға қизиқиб ижодий ёндашади; студентлар билимини ҳолис баҳолайди, каби саволлар бор. Хўш, дарс ўтишда қай бир жойи асосий эмас? Талаба ўқитувчисининг ўз ишиға қизиқиб ёндашиши ва билимдонлигини, унинг хулқи ҳамда ташқи кўринишини бир хил балли система билан қандай баҳолай олади? Ахир ўқитувчилардаги бу уч хислатни бир хил қолипға солиб қиёслаб бўлмайди-ку!

Талаба ва ўқитувчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб келгусида бу савол-жавобнинг энг мақбул усулини яратиш керак. Кейин анкета орқали баҳолаш талабаларнинг билимиға ҳам салбий таъсир қилапти. Баҳоланинг яна бир камчилиги шундаки, баҳоланган ўқитувчи амалда бу баҳонини нима учун — тўғрироғи қайси хислатиға қўйилганини билолмайди. Чунки унинг баҳоси жавоб беришға ҳавола қилинган 18 саволға олинган жавобларнинг ўртача арифметик қиймати бўлади. Ҳар бир саволға жавобларни жамлаш ортиқча меҳнатни талаб қилади, бу соҳада ЭҲМ лардан фойдаланиш ҳали йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ўқитувчи бун билса яхши бўларди.

Баҳолаш натижалари факультет илмий кенгашида муҳокама қилинди. Утган йили анкета балларига кўра икки марта 4 балдан кам баҳо олган бир ўқитувчимиз талабаларға лекция ўқишдан четлатилди.

Бизға тез-тез студент фаоллар «Анкеталаш талабалар ва ўқитувчиларға қандай фойда келтиряпти?» деб савол бериб туришади. Бу саволлар ҳам ўринли, чунки студентлар амалда қайси ўқитувчи юқори, қайсиниси паст балл олганини билишмайди, агар ўқитувчи талабдан бўлса жавобларда субъектив баҳолаш бўлиши ҳисобға олинб, натижалар кенг доирада муҳокамаға қўйилмайди. Шунинг учун бундай ноаниқликларға, ишончсизликларға ва салбий ҳолатға чек қўйиш учун биз студентларнинг ўз-ўзини бошқаришларига суянмоқдамиз. Факультетимизнинг илмий кенгашида турли курслардан 5 студент қатнашади.

Ишончим комилки, институтимизнинг профессор-ўқитувчилар коллективи ҳамда талабалар кўмагида анкета орқали баҳоланинг энг мақкул йўлини топамиз. Бу йўл икки томонға ҳам фойда келтирадиган бўлади.

Комилжон МУҲАМАДИЁРОВ,
механика факультети декан ўринбосари

Анкеталаштириш йўлга қўйилғач, факультетимиз ўқув жараёни жонланиб кетди. Бу тадбирлар ҳар йили янги ўқув йилидан бошланади. Илк бор қатнашаётган иккинчи курс талабаларига аввало бу хусусда тушунтириш ишлари олиб борилади, йўл-йўриқлар кўрсатилади, сўнгра анкета берилади. Шундан кейин улар ўтган йили ўзларига дарс берган ўқитувчилар фаолиятини баҳолашади. Агар уларға бир ўқитувчи ҳам назария, ҳам амалий илм берган бўлса, унинг фаолияти битта анкетада, алоҳида бўлса, алоҳида баҳоланади.

Жавоб ёзадиган анкеталар йиғиб олинғач, 9 балли система бўйича улар ҳисоб-китоб қилинади ва бал-



лар умумлаштирилади. Ҳар бир факультетда бу ишларни ўтказиш учун 5-6 кишидан иборат комиссия тузилган, унинг раиси ҳам бўлади.

Хўш, бу янгилик ютуғи нимада? Аввало ўқитувчилар ўзлари устида ишлаш бошлашади; дарсларни сермазмун, қизиқарли, назария билан амалиётни бир-бириға боғлаб ўтишға ҳаракат қилишадиган бўлишади. Энди илгаридек ҳеч ким 5-6 йил бурунги лекцияси билан дарсға кирмайди, дарсни ташлаб ёки лаборатория ишини яхши тушунтирмай аудитория-

БАҲОЛАЙ ОЛИШАДИМИ?

БИР ЯНГИЛИК ҲАҚИДА

дан чиқиб кетолмайди, чунки талаб ошгач уларда ҳам ўз ишига жавобгарлик ошади, талабалар ҳам ҳар томонлама билим олишади. Кимки хўжақўрсинга дарс ўтса, анкета вақтида билиниб қолади, ҳар ким экканини ўради. Шу ўринда баъзи ўқитувчилар мулоҳазасини ҳам айтиб ўтай. Улар гоҳо бирор студент синов ёки имтиҳондан қийналиб, паст баҳо олиб стипендиядан қолиб кетса, атайин ўша фанни ўқитган домлага кам балл қўяди, дейишиб савол-жавоб анкетасидан норози бўлишади. Бундай мулоҳазага борган ўқитувчилар синов ва имтиҳонларда талабаларни ранжитмасликка ҳаракат қилади. Натижада бу система кўпроқ бир томонга — талабаларга қўл келяпти. Шу ўринда бир мисол айтий. Бизнинг кафедрада бир домла бор эди. Ўз фанини чуқур билар, дарс ўтишда кафедрамизда унга тенг келадигани йўқ эди, талабалар билсагина баҳо оларди. Аммо муомалада бир оз қўполроқ эди. Ўша домлани студентлар ёмон баҳолашди — уч атрофида. Бу унга ёмон таъсир қилди. Шундан сўнг, у «бу йўл билан домлаларни баҳолаб бўлмайди» деган хулосага келди. Унинг фикрига кўпчилик қўшилди. Лекин тажрибалар умуман талабалар тўғри баҳолашаётганини кўрсатмоқда.

Менимча, бу система яхши, уни нафақат талаба ва педагог орасидаги муносабатдагина эмас, балки юқори раҳбар органларни сайлашда ҳам бемалол қўлласса бўлаверади. Анкеталаш орқали ҳар бир раҳбарнинг фаолиятини ҳам, янги сайланаётган раҳбарнинг ҳислатларини ҳам баҳолаш мумкин.

Баҳолашда талаба ўзининг кимлигини кўрсатиши шарт эмас. Баъзи студент ва ўқитувчилар баҳолашнинг бундай яширин усулига қарши. Улар баҳолаш очик-ойдин, ошқора ўтишига тарафдор. Масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб кўрса бўлади.

Бу тадбирни ўтказишнинг ҳам ўзига яраша нозик томонлари бор. Анкета тарқатилаётган группа ёки курс талабаларига аввало одилона, ҳар бир савол ҳақида чуқур ўйлаб, фикрлаб баҳолаш айтилади. Баъзи группа ёки курс раҳбарлари анкетани уйига бериб юборади, бу — нотўғри, чунки бунда студентларга бир-биридан кўчиришга, масалага ноҳолис ёндошишга шароит туғилади. Шунинг учун баллаш тадбири аудиторияларда ўтказилгани яхши.



Убайдулла РОЗИҚУЛОВ,
илмий коммунизм кафедраси катта ўқитувчиси

Янгилик қўлланган жойда албатта бирор эзгуликни амалга ошириш назарда тутилади. Мен ушбу баҳолаш усулига тарафдорман. Бу нарса институтлар учун жуда керак эди. У орқали муаммолар бартараф этилса, ўқув жараёнлари ҳақида эркин фикр юритилса, қуйидан назорат қилиш ҳаракатига эътибор кучайтирилса, бунинг нимаси ёмон, ахир! Лекин баъзи ўқитувчилар ўзларининг билимини баҳолашга талабаларнинг кучи, савияси етмайди дейишмоқда. Улар талабалар талабчан, қаттиққўл (албатта ижобий маънода) домлаларга паст баҳо қўйишидан норози. Кейин анкетада саволлар хаддан ташқари кўп, шуларни ихчамлаб ўқитувчининг педагогик маҳоратини, одамийлигини белгилайдиганларини қолдириш кифоя. Бундан ташқари тадбир натижалари факультет кенгашида, деканатларда ёки кафедрада бевосита студент фаоллар иштирокида ошқора муҳокама қилиниши керак. Баҳолаш бўйича ўзгаришлар келгуси муҳокамаларда ҳисобга олинса. Чунки ҳозир фақат ўқитувчиларнинг конкурси пайтида кўриляпти холос, унда ҳам қуруқ қайд қилиб ўтилади. Баҳолашни йилда бир марта эмас, ҳар семестрдан сўнг ўтказган маъқул.

Баъзилар умуман бу тадбирни ҳали такомиллашмаган, ўзини оқламайди деб ўйлашади. Бундай кескин фикр билдириш ҳам нотўғри. Лекин шу ўринда

Москва Давлат дорилфунундаги бир тажрибани эслайлик. У ерда талабалар дарсга эркин қатнашади. Бу эркинлик маъноси шундаки, битта фандан дарсни 3-4 ўқитувчи турли аудиторияларда ўтишади. Ким қайси ўқитувчининг лекциясини эшитишни хоҳласа ўшага кираверади. Бу домлаларни балл билан баҳолаб ўтиришдан кўра муҳимроқ, Келгусида бизда ҳам бу тажрибалар қўлланилса ажаб эмас.

Султонпошшо ЙУЛДОШЕВА, иссиқлик техникаси ва гидравлика кафедраси мудир

Бу баҳолаш системаси қатор афзалликларга эга. Биринчидан, ўқитувчи ўзининг лекциялари ва амалий машғулотларига ҳар томонлама чуқур илмий ва амалий тайёрланади, ўзи ўқиётган фанни студент танлаган касбига боғлаб, техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказишга ҳаракат қилади.



Иккинчидан, ўқитувчи ҳамиша дарсини мукаммаллаштиришга интилади, ўқиётган лекциясини, гапираётган гапи ёки ўтаётган темаси талаба онига етиш-етмаслигини доимо кўзда туттади.

Учинчидан, у доимо бадиий адабиёт, музика, умуман маданият соҳасидаги билимларини янгилаб туради. Акс ҳолда студентлар билан мулоқотда ютқазиб қўйиши мумкин.

Ўқитувчи фаолиятини баҳолашда студент одил бўлиши, гина-қудрат, тилёғламачилик каби ҳисларга берилмаслиги керак. Чунки безътиборлик билан қўйилган ҳар бир нотўғри баҳо ўқитувчининг кўнглини огритади, нафсониятига тегади, энг хавфлиси — ўз ишидан ҳафсаласи пир бўлади, аудиторияга ишончини йўқотади. Баъзан ўз мансабига қайта сайланаётган ўқитувчилар атайин студентларга талабни бўшаштириб, анкеталаш компаниясига асос яратишади.

Юқоридаги ҳар иккала ҳолда ҳам асосий мақсад — кадрлар тайёрлаш савиясига зиён етмади. Шунинг учун бу анкетавий сўроқловнинг ортиқча, негатив қирраларидан кечиб, ўқитувчи — студент иттифоқини ўзаро тушуниш, ҳурмат ва ишонч асосига мустаҳкамлаш керак. Шунда бошланган эзгу иш ҳам, биз танлаган йўл ҳам мақсадга элтади.

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, механика факультети IV курс талабаси.

Ўқитувчи... Мен учун домла аввало бир инсон, қолаверса, биз у кишидан ҳамиша бирор нарса илмий ўргангимиз келади. Илгари шоғирдлар устозининг кўзига тик қарай олмас эканлар. Ҳозир-чи? Гоҳо бақрайиб, тенгма-тенг тортишамиз. Тўғри, ҳозир замона бошқача, болалар бошқача деймиз. Лекин шундай деймиз, беихтиёр ўйлаймиз: ўқитувчиларнинг обрўси тушиб кетмаяптимики? (Ҳаммасини эмас албатта). Шунинг учун анкета орқали баҳолашни мен аввало мана шу мақсадга хизмат қилади деб тушунаман.

Дастлаб домла ҳақида фикр айтишим қийин бўлди. Чунки домланинг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш учун ўзимни нолюйқ ҳисобладим. Кейин юқорида айтганимдек домла ҳам бир инсонлигига, барча инсонлардек унинг ҳам ютуқ ва камчиликлари бўлишини ўйлаб анкета саволларига жавоб бердим.

Рости, талабалар билан домланинг муносабати жуда мураккаб жараён. Бунга йўлларканман ҳамелеон деган жонот эсимга тушди. У жуда тез шароитга мослаша олади. Очиғи, биз талабалар ҳам домлага қараб мослаша бошлаймиз (характери, юриш-туриши, феъл-атвори, хулқи, ўзини тутта билиши, студентлар билан муомаласи ва бошқаларга қараб). Билмадим, бу инстинкт яхшими ёки ёмонми... Лекин кўпинча шундай бўлганини кузатганман.

Ҳозирги пайтда домлалар ва студентлар зиммасига тушаётган талаб кучли. Шунинг учун ҳар ким ауди-

торияда ҳам, ўқиш жараёнларида ҳам ўз ўрнини билиши керак.

Баъзи ҳолларда биз анкета саволларига объектив жавоб бермаймиз. Бу ёғи ҳар кишининг виждонига ҳавола. Агар имтиҳондан яхши баҳо олсак, анкетадаги ҳамма саволларга яхши балл қўямиз, аксинча бўлса ёки қасдлашиб қолган домла бўлса (шундай ҳоллар учраб туради) паст балл қўямиз. Шунда анкета ўз ҳолисигини йўқотади. Анкета натижаларини студентлар билишмайди, билишмагандан кейин, қизиқмайди ҳам. Яна ўйлаб қолсан: «Хўп, мен энг юқори — 9 балл ёки энг паст қўйганим билан бирор бир ўзгариш бўлармиди? Еки бу иш ҳам атайин расмий унвон ўтказиляптими? Унда бошни қотиришдан не ҳожат!» Албатта баҳолашнинг бундай салбий фикрлар туғдирадиган томонларидан воз кечишимиз керак.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтай. Мен атайлаб 10 кишига бир хил савол билан мурожаат қилдим. Улардан «Қайси домлага энг юқори балл қўйдингиз?» десам, ҳаммаси «доцент Мавлявиев Марс Рауфовичга» дейишди. Мен ўзим ҳам унга 9 балл қўйгандим. Лекин беш қўл баравар эмас. Ҳали кўпчилигимиз камчиликларимизни йўқотганимиз йўқ. Лекин изланган, ўқиган, ўз устида ишлаган, ўрганган одам ҳеч қачон кам бўлмаса керак. Шундай талабалар баҳо қўйишда ҳам ҳолис бўлади...

Дилбар САИДОВА, кимё-технология факультети III курс талабаси

Институтимизда анкета орқали ўқитувчиларни баҳолаш йўлга қўйилгани яхши бўлди. Чунки бу орқали ўқув жараёнлари яхшиланса студентга фойда-ку, ахир! Энди талабалар ҳам аввалгидек қисиниб-қимтиниб юрмайди, ўқитувчилар ҳақида эркин фикр юритиб, ичидаги дардларини айтиб олишади. Баҳолаш натижалари яхши бўлса, бу савияси баланд, билими кучли, ҳамма томондан ўрнатилган ўқитувчига талабалар эргашади. Ахир домла кучсиз бўлса, талаба беғамлашаверади-да! Баҳолашга қараб домла ўз хатосини англаб етати, келажакда ўзини ўнглаб олади, муомаласини тузатади. Лекин баҳолашни ёпиқ ўтказмаслик керак, чунки у қандайдир бир расмий тадбирга айланиб қолмоқда. Натижалар-



дан беҳабар студентнинг бу ишлардан кўнгли совиляпти. Кейин саволларни ҳар бир факультет ўзларидаги ўқув жараёнлардан келиб чиқиб янгилаши, ихчамлаши керак. Баҳолаш натижаларини ишлашни фақат факультет домларига ташлаб қўймаслик керак. Агар юқоридан, ё халқ назоратчилари ёки илмий кенгаш аъзолари томонидан қатъий назорат бўлса, бу тадбирга талабаларнинг ишончи янада ортади. Шундагина бу иш ўзини оқлайди деб ўйлайман. Баҳо қўйишга келсак, бир хил домлалар лекциясига ёлғиз бўр билан кириб, ҳаммани қизиқтиради, уларга яхши балл берамиз. Баъзи домлалар бор консепт ўқишдан бош кўтармайди, дарсни тушунтириш ўрнига ёздиргани ёздирган, қўлларимиз оғриб кетади. Албатта бундай домлаларни серхислат деб бўлмайди баҳоси ҳам ўзига яраша бўлади.

Саҳифани А. ДАМИНОВ тайёрлади.

РЕДАКЦИЯДАН: Мана, муҳтарам журналхонлар, олий ўқув юртларида талабалар анкета орқали ўз ўқитувчиларини баҳолашга бўлган турли қарашлар билан танишиб чиқдингиз.

Эндиги гап сизларда: ўзингиз ўқиётган олий ўқув юртларида бу тадбирнинг ўтказилиши ҳақида биз билан фикрларингизни ўртоқлашсангиз, деган умиддамиз.

МЕРОС БЎЛМБ ҚОЛГАН ДАРД

1953 йилнинг 5 марти. Шу кунини Сталин вафот этди. Бизнинг оила бу вақтда Қозоғистон ССРнинг Ақтубинск областадаги Кампирсой посёлкасида яшарди. Худди шу ерга она томонидан бобом Готлиб Беткер ва отам Владимир Фитц сургун қилинган эдилар.

Урушнинг учинчи охирида отамни ва бошқа немисларни, шу билан бирга полякларни ҳам тўсатдан фронтдан олишти, вагонларга тиқиб фронт орқасига — жуда олисга жўнатишти. Кейин немисларни поляклардан ажратиб, яна вагонларга тиқштириб Шимолий Қозоғистоннинг чўл районларига юборишти.

Албатта, улар ўз ихтиёрлари билан ўзларига бараклар қуришти, яхши ният билан барак атрофларига тиканли сим тортишиб ғайрат билан ишлаб, яшай бошладилар. Кейинроқ шу заҳматкашлар меҳнат армияси, маҳбусларнинг ўзлари эса меҳнат аскарлари деб ном олди. Белгиланган топшириқни удалай олмайдиган, «дунёқарашлари қайтадан тобланишга муҳтож» ишчи ва деҳқонлар орасидан меҳнат армияларини тузиш ғоясининг ўзи Совет давлатининг илк ташкил толган даврларида — «ҳарбий коммунизм» йилларидаёқ пайдо бўлган эди. Бу ғояни фақат Сталин эмас, Лев Троцкий, Николай Бухарин ва бошқа кўзга кўринган большевиклар ҳам қўллаб-қувватлаган эдилар. Аммо ўша даврларда «социализм қурилишига» қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар қулоқ қилинганлар жўнатишган бўлса, 1941 йилдан бошлаб паспортнинг бешинчи банди асосий роль ўйнади. Ҳар ҳолда совет немисларининг жуда оз қисми бу фалокатдан омон қолди. Табиийки, бу ишда ҳеч қандай тергов ёки суд тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Геноцид деб ном олган фаннинг назариётчиси ва амалиётчиларига «буржуазия қолдиқларини» нима кераги ҳам бор?

Ота томондан бобом бўлмиш — Рудольф Фитцни, 1905 йилдан бошлаб коммунист, Житомир темир йўли устaxonаси ишчисини мен билмас эдим. Тунда герман радиосини эшиб ётади, деган чақув билан бобомни суд қилиб, Беломорканал қурилишига жўнатишди. У ердан бобомдан биттагина хат келади. Қандай қилиб ва қайси шароитда бобом ҳалок бўлганини фақат тахмин қилиш мумкин. Лекин 227 километрли канал қурилишини муваффақиятли тугаллаган НКВДнинг шавкатли раҳбарлари 1933 йили мукофотланган Қизил байроқ бўёғида бобомнинг ҳам қатра қони борлигини аниқ биламан.

Совет халқи бошига тушган мушкулотни биргина Сталинга ағдариш фикридан жуда олисдаман. Бу ишда кўпроқ «ишончли сафдошлари», булар орасида уйдирма асосида унинг кўрсатмаси билан қатл этилганлари, саксонинчи йилларда эса ўлимидан кейин гуноҳсиз деб топилганлари ҳам кўпроқ айбдордирлар. Сабаби шуки, Соловец лагерлари 20-йилларнинг бошларида ташкил этилган.

Бутун бир халқ турма ва лагерларга жўнатишарди-я! Бунга мисол тариқасида Қрим татарлари, қалмоқлар, ингушлар, месхети турклари, чеченларни кўрсатиш мумкин. Коллективлаштириш давридагиси-чи? Ахир бу руслар, украинлар, белорусларни қириб ташлаш эмасмиди? Уруш арафасида эстон, латвиш, поляк ва литваликларни ёппасига сургун қилишларига нима дейсиз?

Совет немисларининг тақдирини умумхалқ бошига тушган мусибатларнинг бир бўлаги деса бўлади. Лекин бу ҳақда гапиришдан аввал тарихни эслаб кўрайлик-чи. Биз киммиз, Россиялик немислар деб ном олганлар қаердан, қандай сабабларга биноан пайдо бўлиб қолдилар? Буларнинг ҳаёти икки асрдан ортиқроқ вақт давомида Россия билан чамбарчас боғланиб келмоқда.

XVII—XVIII асрларда Оврупо давлатларининг кўпчилиги ҳукуматлари бўшаб ётган районларга хорижийларни жалб этиб жойлаштириш ва шу йўл билан мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш мумкин деб ўйлардилар.

Чет эл фуқароларини жалб этишга дастлабки уришлар Екатерина I ҳукмронлик қилган йилларга тўғри келади. Лекин эмигрантларнинг Россияга кўплаб кўчиб келиши Екатерина II подшолик қилган йилларда рўй берди.

1764—1768 йиллар давомида Россияга 28 мингга яқин киши кўчиб келди. Уларнинг кўпчилиги Герман князликларидан чиққан кишилардан иборат эди. Эмигрантлар Волга дарёсининг қуйи оқими районларига хийла зич жойлаштирилди.

Асосан жанубий герман ерларидан чиққан немис кўчманчиларининг иккинчи тўлқини Россияга XIX аср бошларида келди.

Учинчи оқим энди Александр II даврида Польшадан келди. Ниҳоят Менно Симонс номи билан аталмиш меннонет оқими — тўртинчи оқим ўз ҳаракатини 1789 йилдаёқ бошлаган эди. Айни шу даврда 228 оиладан иборат биринчи группа Днепр бўйларига кўчиб келди ва биринчи манзилгоҳларини Хортица оролида (ҳозир Запорожье шаҳри) қурди.

Урта Осиёда немисларнинг пайдо бўлиш тарихини қисқача бундай изоҳлаш мумкин: 1874 йилда Россияда ҳарбий хизматга чақирилиш мажбурий деб эълон қилинди. 1880 йилдан бошлаб бу қонун меночиларга ҳам жорий этилиши лозим эди. Бироқ меночилар эътиқодига асосан улар қўлларига қурол олишлари мумкин эмас.


Шу боисдан улар Петербургда, императорга илтимоснома билан делегация юбордилар. Мамлакатнинг шарқидан шундай бир гўша белгиланса ва ўша ерда биз ҳарбий хизматдан озод этилган бўлайлик, дейилади илтимосномада. Худди шу пайтда, 1879 йилда Туркистон ўлкасининг генерал губернатори Константин фон Кауфман Петербургда бўлади. У императордан рухсат олишга муваффақ бўлди, меночиларни Урта Осиёга келишга кўндирди. Ҳаммаси бўлиб 143 оила кўчиб келди. Улар ўн беш хафта йўл юриб — 1880 йилнинг 18 октябрида манзилга етиб келдилар. Қиш Тошкент ва Қоплонбекда (ҳозир Тошкент яқинидаги совхоз) ўтказилди. Меночилар ҳомийси Кауфман тўсатдан вафот этди. Уларнинг аҳоли ниҳоятда омонат бўлиб қолади, чунки генерал кўчириб келтирилганлар мавқеини белгилайдиган ҳеч қандай юридик ҳужжат қолдирмаган эди.

Туркистон ўлкасига кўчириб келтирилаётган немис деҳқонларининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида икки қарама-қарши муносабатнинг бўлиши диққатга сазовордир. Биринчиси тарафдорларига соғлом фикрли ҳарбийлар, амалдорлар ва уларга қўшилган демократик кайфиятдаги зиёлиларни кўрсатса бўлади. Бу гурппадагилар кўчириб келтирилаётган немис колониячилари ўлкага анча фойда келтиришини билдилар, ерларни билимдонлик билан ўзлаштиришда оврупоча донг таратганлиги, катта ҳосил ола билиши билан ерли аҳолига илғор тажрибани баҳам кўриши мумкинлигини тушундилар.

Ошқора шовинистик руҳдаги иккинчи группа Туркистон ўлкасига фақат немис деҳқонларини эмас, балки провослав динига эътиқод қилувчи соф руслардан бошқа миллат деҳқонларининг ҳам кўчириб келинишига тиш-тирноғи билан қарши эди. Уларнинг фикрича, келгиндилар рус халқи билан қоришиб кетишга иштиёқманд эмас, ҳарбий нуқтаи назардан ишончсиз рус деҳқонларини эксплуатация қилади ва бойиб кетади. У немисларга чақириқ қоғози йўллади, унда ўғилларининг армияга чақирилиши ва Қоплонбекдаги уйларни тарк этишлари уқтирилганди.

Хева хони пойтахтдан 13 км наридаги манзилдан жой беришни ваъда қилгунга қадар меночилар Бухорода туриш умидида Самарқандга жўнайдилар. Улар 1884 йилнинг 16 апрелида хон белгилаган жойда Оқ мачит колониясига асос солдилар. «Эътиқодли мусулмон» ва «келгинди ғайридинлар» ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласини хон жуда осон ҳал қилди. Немис манзилгоҳига ташриф буюрувчи ҳар бир мусулм уларнинг дини ва урф-одатларини ҳурмат қилиши лозим эди. Мусулмонларнинг шаҳар ва қишлоқларига борувчи меночиларга ҳам шу талабни бажаришлари шарт деб буюрилди. Муроса қилиб яшай олмайдиган кишиларга эса ғалва чиқиш мумкинлигини олдини олиш мақсадида «ғайридинлар» манзилига бормасликка маслаҳат берилганди.

Кўчириб келтирилган немисларга ҳар хил тўсиқ қўйилишига қарамасдан улар ўзларини тез ўнглаб олишти. Уларнинг уйлари пухта қурилган ва кўп мева ҳосили олар эдилар. Ҳамма немис қишлоқларида мактаблар бўлган. Меҳнатсеварлиги, ҳар қандай қийинчиликлар ва мусибатларга бардошлилиги туфайли немислар кўп нарсага муваффақ бўл-



Рассом Толиб ҚАНОАТОВ

Намлик камчил

Сайёрамизнинг олти юз миллиондан ортиқ аҳолиси намлик доимий етишмайдиган ерларда истиқомат қиладилар.

Кўрғошиндан мустаҳкам

Одам сочи кўрғошин, мис, платинадан пишиқ бўлиб, бу борада пўлат билангина рақобат қила олиши мумкин. 0,05 миллиметр йўғонликдаги соч юз грамм оғирликдаги юкни кўтара олади, чунончи унинг мустаҳкамлик чегараси бир квадрат сантиметр юзага 5000 килограммдан ортиқ тўғри келади. Аёлларнинг соч ўрими ўрта ҳисобда икки юз минг толадан иборат бўлиб, 20 тонналик вазндаги юкка бемалол бардош беради.

Яхши фабрика

Ҳар бир киши ҳаёти давомида икки юзга яқин дарахтни қурилиш ашёси, дуррадорлик жиҳози, ёқилги, гугурт, қоғоз (китоб, газета, дафтар) ёки целлюлоза сифатида «истеъмол қилади». Кўмир ва нефтдан сўнг ашё сифатида ёғоч учинчи ўринни эгаллайди. Ёғоч-тахталардан 12 минг хилдаги буюм яшаш мумкин. Масалан, бир куб метр ёғочдан — 120 килограмм қоғоз, 190 килограмм тўқимачилик целлюлозаси олинади. Фақатгина: «яшил фабрикалар» умрбоқий бўлиши учун уларни кесибгина қолмай, янги ниҳолларни экиб ўстиришни ҳам унутмаслик зарур!

Ҳаво бўйлаб пиёда

Скандинавиянинг САС авиакомпанияси стюардессаларидан бири галдаги ҳаво сафари давомида қанча масофа босганлигини аниқлаш мақсадида оёғига қадам ўлчагични тақиб олди. Бортида у бўлган ҳаво лочини Копенгагендан Шимолий кўтб орқали Аляскадаги Анкоридж шаҳрига, у ердан Токиога, Токиодан эса Москвага парвоз қилди. Шу йўсинда у қариб ер кўрраси бўйлаб саёҳат қилди. Москвада бу олис сафардан сўнг қадам ўлчагич стюардесса ўз вазифасини бажариш давомида 21 километр йўл юрганлигини кўрсатди.

Юз йиллик олмоси

Жанубий Африканинг Кимберли шаҳрида дунёда сўнгги чоракам бир асп мобайнида топилган энг катта «Юз йиллик олмос» шарҳлаш учун намойишга қўйилди. Унинг оғирлиги 599 карат (119,8 грамм) бўлиб, товуқ тухуми шаклда узунлиги 65 ва эни 35 миллиметрдан иборат.

Олмосни икки йил муқаддам «Де Бирс» компаниясининг қора танли ишчиси майдалаб, сараловчи қурилмага келиб тушадиган тошлардан топган эди. Ишчи тошни бундай ўлчамага мўлжалланмаган машина етказиши мумкин бўлган путирдан сақлаб қолди. Конда асосан саноят аҳамиятидаги майда олмослар қазиб олинади, заргарлик тошлари «тасодифангина» қўлга киритилади. Бироқ қандайларли! Айнан шу ердан машҳур «Куллиар 1» ёки 530 каратли, Британия қироллиги оиласининг мулки бўлиб ҳисобланувчи «Африка юлдузи» машҳур бриллиантлари топилган.

«Юз йиллики» кўтқариб қолган ишчи муқофот учун ўн минг долларлик уйга эга бўлди.

Улкан-олмос 300 миллион доллар баҳоланди. Уни сайқаллаш антрерпенлик Габи Толовскига ишонаб топширилди. Бу иш камида бир йил давом этади. Сайқалланган «Юз йиллик» 300 каратга яқин тош босади. 48 ёшли Толовски машҳур олмос сайқалловчилар шаҳарасининг олтинчи авлодидир.

Нега шаҳарлар иссиқроқ?

Йирик шаҳарларда ҳарорат ошиб бормоқда. Бунга асосий сабаб — шаҳар ҳавосининг инфлосланиши. Бу уйлар ва асфальт иссиқлигининг тарқалиб кетишига имкон беради. Масалан, сўнгги беш-ўн йил давомидаги «Парижнинг ўртача йиллик ҳаво ҳарорати, шаҳар атрофидаги ҳароратга нисбатан 1,7 даража кўтарилган.

Ф. ОРИПОВ тўплаган

дилар ва ўлканинг қиёфасини ўзгартиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Сирасини айтганда бу ишлар Россияда қилинган ишларнинг бир қисми эди, холос.

Маърифатпарвар ёзувчи Денис Фонвизин, декабристлардан Вильгельм Кюхельбекер ва Павел Пестель; денгиз саяҳатчиларидан Иван Крузенштерн, Фёдор Литко, Фадей Беллингаузен; Пулково обсерваториясининг асосчиси, астроном Василий Струве; Сибирь ва Шимолий Қозоғистон ерларининг тадқиқотчилари Матвей Геденштрот, Иоганн Гмелин, Гергард Миллер, Пётр Паласе, расом Карл Брюллов; шарқшунос олим ва турколог Вальдемар Радлов каби номларни мамлакатимиз тарихидан ўчириб ташлаш мумкинми?

Ишчилар, шахтёрлар, қурувчилар, инженерлар, геологлар ва деҳқонлардан иборат юз минглаб кишиларнинг меҳнатини қайси ўлчов билан ўлчаш мумкин. Бу заҳматкашлар авлоддан авлодга ортиқча шовқин-суронсиз, дабдабасиз узоқ шимолда, иссиқ жанубда, бўз ерларни ўзлаштиришда ва тайгада ишладилар...

Айтадиларки, Ватан танлаб олинмайди. Аждодларимиз подшо ҳукуматининг таклифига биноан Россияда янги Ватан танладилар. Улар ва авлодлари шу ватанга сидқидилдан хизмат қилдилар. Шуниси борки, бу янги Ватан уларга ҳамма вақт ҳам адолат кўрсатдимми?

Биринчи жаҳон уруши пайтида Петербургда, Москвада ва бошқа бир неча шаҳарларда немислар қирғин қилинди. Ҳатто фронтдан олисдаги Туркис-

Унинг номи сўнгги йилларда абадийликдан ёруғ дунёга қайтди.

Иқтисодий ва маданий-социал тараққиёт учун мақбул шарт-шароит яратиш мақсадида Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети (БМИК) 1923 йил 19 декабрда чиқарган қарорига биноан немисларнинг Волга бўйи автоном области қайта ташкил қилиниб, Совет Автоном Республикасига айлантирилди. 1924 йил январда ўтказилган Советларнинг XI съездида Волга бўйи немисларининг Автоном Совет Социалистик Республикаси (ВНАССР) тантанавор эълон қилинди.

Янги республиканинг давлат тузуми Б.М.И.К. 1924 йил 20 февраль декретига асосан белгиланди. Бу декретга Б.М.И.Книнг раиси М. Калинин ва ХКС раиси А. Риков имзо чекдилар.

Тақдир тақозосини кўрингки, ўша М. Калинин СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 28 августда чиққан республикани тугатиш тўғрисидаги фармонга ҳам имзо чеккан.

Улуғ Ватан уруш йилларида ҳам, дастлабки ойлардаёқ, совет немислари орасидан ўн минглаб солдат ва офицерлар Қизил Армияга хизматга отланди. Улар Брест қалъаси мудофаачилари орасида ҳам бор эдилар. Улар тўғрисида узоқ, ҳаддан ташқари узоқ сукутда бўлдилар, эҳтимол уларнинг немисча фамилияларини 40, 50, 60- ва кейинги йиллар фикрлаш услублари ва ташвиқот усулларига сиғдириш қийин бўлгандир.

Аммо шу даврда Россияда яшаётган совет немисларининг тўртинчи ва бешинчи бўғини фақат Россияни ватаним деб билардилар. Мана битта, аммо жуда диққатга сазовор далил. Қозоғистоннинг Кустанай областида туғилиб ўсган И. Гарвард ҳарбий билим юртига кириш учун уйдирма Громов деган фамилияни қабул қилишга, миллатини ўзгартириб, украин деб ёзилишига мажбур бўлади. И. Громов Совет Армиясининг генерал лейтенанти бўлди. Венгрияни озод этиш ва Будапештни олишдаги, Тисса дарёсини кечиб ўтишдаги жанговар хизматлари учун И. Громовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба ҳам совет немисларининг азоб-уқубатдан халос бўлиш умидини рўёбга чиқармади. 1948 йилнинг 26 ноябрида СССР Олий Президиуми фармон қабул қилади. Бу Фармонга Олий Совет Президиуми раиси А. Шверник ва секретари А. Горкин имзо чекадилар. Фармонда бундай дейилади: «...немислар, қалмоқлар, ингушлар, чеченлар, финлар, латиш ва бошқалар белгиланган районларга абадий кўчириб келтирилди ва... уларни ички ишлар министрлиги идораларининг алоҳида рухсатсиз турган жойларидан чиқиб кетишлари 20 йилгача каторга ишлари билан жазоланади». Яна бутун бошли халқлар «ишончсиз» деб эълон қилинган эди. Совет немисларининг ўша даврларда институтда ўқишга, Совет Армияси сафларида хизмат қилишга ҳақ-ҳуқуқлари йўқ эди...

Туғилиб ўсган юртларига қайтишга 1974 йилда ижозат берилди. Бу фармондан 10 йил илгари, 1964 йилнинг 29 августда СССР Олий Совети Президиуми раиси А. Микоян ва секретари М. Георгадзе имзо чекишган. Фармонда СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 28 август «Волга бўйи районларидан немисларни кўчириш тўғрисидаги» фармониغا ўзгартиришлар киритилди. Совет немисларидан немис фашист босқинчиларига кўмаклашди, деган оғир айбнома олиб ташланди.


Саксонинчи йилларнинг ўрталаригача Совет немисларига нисбатан ҳар хил тўсқинликлар қилиб келинди, аниқроғи мамлакатнинг бир қанча районларида рўйхатдан ўтиш таъқиқланган эди (жумладан Болтиқ бўйи республикаларида ва РСФСРнинг Калининград областида). Буларнинг ҳаммаси сукунат пардаси билан тўсиб қўйилганди.

Зўрма-зўраки қориштиришнинг сталинча модели жуда кўп халқларни жар ёқасига келтириб қўйди: ё йўқ бўлиб кетиш ёки миллийлик илдиэларидан воз кечиш. Фақат И. В. Сталиннинг ўлими ва сталинизмни халққа нисбатан жиноят ҳисоблаган Н. С. Хрушчевнинг сиёсий қадами давлат жазо машинасининг рулини тўхтатди. Аммо ўшанда ҳам Совет немисларининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш иши поёнига етказилмади.

Фақат совет немислари эмас, балки кўп миллатли барча совет халқи жамиятимизнинг қайта қуриш иши Сталин даврида йўл қўйилган кўпгина тарихий адолатсизликларга барҳам беради деган умиддадилар.

Халқим тарихига оид шу хотирамни тугатар эканман, шуни айтмоқчиман: «Немис бўлганимдан фахрланаман! Совет немиси! У барча қонли синовлар ва фожиаларга қарамасдан тирик қолди ва оёққа турди. Жуда кўп нарса бой берилди. Тилимиз аранг қимирлаб турибди. Аммо буларни тузатса бўлади. Ахир биз тирикмиз. Боз устига болаларимиз улғайиб бормоқда».

Александр ФИТЦ



тонда ери бўлган немисларга банкларда қарз бериш тугатилди. Фақат Октябрь революцияси бу расвогарчиликка чек қўйди. Бошқа эркинлар қаторида барча халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва кичик миллатларга ҳурмат революциянинг асоси қилиб олинган эди. 1917 йилнинг апрелида ёзилган «Бизнинг революцияда пролетариатнинг вазифалари» (пролетар партияси платформа лойиҳаси) асарида Ленин янги тарихий шароитда миллий программани бундай таърифлаган эди: «Ажралиб чиқишга ҳуқуқ, жойларда автономия, кичик миллатлар ҳуқуқининг синчиклаб ишлаб чиқилган кафолати—революцион пролетариатнинг программаси ана шулардан иборат».

Владимир Ильич мамлакатнинг нон балансида немис хўжалиқларининг аҳамиятини ниҳоятда пухта билган. Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) мажлисида «Саратов ва Самара губерниялари Советларига колониячи немисларга нисбатан бебошлик ҳаракатларига йўл қўйилмасин» деган фармойиш қабул қилинган эди. Бу фармойишда Волга бўйи колониячи немисларидан ҳар қандай солиқ, мусодара ва мажбурият сотиб олишларга Саратовдаги немислар иши бўйича тузилган Камиссариатнинг розилиги билангина рухсат берилган эди.

Немис деҳқонлари Совет давлатини фақат дон бериб эмас, балки қўлларига қурол олиб ҳам ҳимоя қилдилар.

В. И. Ленин билан бирга давлатнинг марказий органларида узоқ муддат Волга бўйи немисларидан чиққан большевиклар ишлаганлар. Ана шундай кўзга кўринарли шахслардан бири Густав Клинер эди.



ТАШКЕНТ



Ҳукм ўқилмоқда. Тошкент шаҳар суди аъзоси Ю. Иброҳимов (ўртада), халқ маслаҳатчилари Э. Рихсиев ва А. Авазматовлар.

Туринглар, суд келаяпти!

— Туринглар, суд келаяпти!
Залда ўтирганлар, шу жумладан қора курсида ўтирган ўн бир йигит ва бир қиз ҳам оёққа қалқди. Ун бир йигит ва бир қиз... Ун гулидан бир гули очилмаган бу қиз-йигитлар қайси гуноҳлари учун бу ерга келиб қолишди? Лекин суд ҳукмини эшитар экансан, уларнинг кўплари жиноят кўчасига тасодифан кириб қолмаганлигига ишонч ҳосил қиласан, киши.

Келинг, судланувчиларнинг айримлари билан танишайлик.

Тўлқин Авлаёров, 27 ёшда. Қашқадарё вилояти Яккабоғ ноҳиясида туғилган. На ишлайди, на ўқийди. 1982 йил Пенза вилоятининг халқ суди томонидан РСФСР ЖКнинг 246-моддаси («а» банди билан) 2 йилу 6 ой қамалиб чиққан. Демак, бу унинг иккинчи марта судланиши.

Муқаддас Азизова, 26 ёшда. Андижон вилояти Қўрғонтепа ноҳиясида туғилган. Тошкент кооператив техникумини битирган. Ҳеч қаерда ишламайди, яшаш жойининг ҳам тайини йўқ.

Бекназар Жуллиев. Б. Жуллиев бу гуруҳдаги энг ёши катталардан. У ўттиз бир ёшда. Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ноҳиясида туғилган. Оилалик. Битта фарзанди бор. Тошкент темир йўл станциясида проводник бўлиб ишлаган. 1978 йил Тошкент шаҳар Ленин ноҳияси халқ суди томонидан ЎзССР ЖКнинг 15/126 моддасининг 1 қисми билан 2 йилга озодликдан маҳрум этилган. Бироқ қамоқ жазоси кечиктирилган. Б. Жуллиев ҳам суднинг қора курсида иккинчи марта ўтириши.

Тўлқин Норов, 25 ёшда. У ҳам Қашқадарё вилояти Яккабоғ ноҳиясида туғилган. Уша ерда сотувчи бўлиб ишлаган.

Ботир Бердиев ҳам яккабоғлик. 24 ёшда. Шухрат Яҳёев, 23 ёшда. Қашқадарё вилояти Қамаш ноҳиясидан. Ҳеч қаерда ишламайди. Тошкент Политехника институти кечки бўлимнинг 3-курсидан ўқир эди.

Козимбек Хўжаев — хоразмлик. Хонқа ноҳиясида туғилган. Ишламайди. 1988 йилда Сергели ноҳияси халқ суди томонидан ЎзССР ЖКнинг 91-моддасининг 2-қисми билан 1 йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган. 1989 йил 23 январда Тошкент шаҳар Фрунзе ноҳияси халқ суди 204 модданинг 2 қисми билан жиноий жазо тайин этган. Лекин бошқа қилмишлари учун қўлга олингани сабабли бу жазони ўташга улгурмади.

Яна бир гап. Буларнинг ҳаммаси 1988 йил декабрь ва 1989 йил январь ойларида ички ишлар органи ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинган.

Ҳукм ўқилган пайтда кўпларининг қамоққа олинганларига бир йилдан ошган эди. Суд етти ой давом этди.

Охири вой бўлди

Судланувчиларнинг ҳаммаси забардаст, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар. Хаёл хаёл эканда, уларни кўриб пичоқ, милтиқ ўқталиб, бировларнинг мол-мулкни олиб босқинчилик қилгандан кўра, шу ўн иккаласи чўл ерларда тер тўкиб, енг шимариб астойдил меҳнат қилишганда дурустгина даромад олишар, энг муҳими, ҳалол меҳнат билан топишган нон қанчалик тотли бўлишини ҳис қилишарди. Ахир қишлоқда туғилиб, қишлоқда вояга етишган улар, деҳқончилик қилиш кўлларида келарди.

Азизова-чи? Қўлида техникумнинг дипломи бор, ишлайман деса иш ҳам топиларди.

Лекин у ҳам, унинг шериклари ҳам тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилишни истамади.

Босқинчилик қилишни афзал кўришди. Бунинг охири эса вой бўлди.



Судланувчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари.

Ёмон ният

Бўкалик Р.лар оиласи Азизова билан танишган кунларини бир умр лаънатласалар керак. Чунки бу танишув оиллага нотинчлик келтирди, бошига кўп шўришу ташвишлар солди.

1988 йил май ойининг бошлари. Авлаёров билан Азизованинг интилиши-ю, қизиқишлари бир экан, гапи гапига тўғри келиб қолди. Кам меҳнат қилиб, мўмай пул топиш ҳақида биргалашиб бош қотира бошладилар. Шунда Азизованинг ёдига лоп этиб бўкалик Р.лар оиласи тушди. Тушди-ю, кўзлари ёнди, оёғи остидан мўмай пул чиқиб қолгандек, қувониб кафтларини бир-бирига ишқади. Дилидагини Авлаёровга айтди.

— Жуда соз! — деди у, кейин қўшиб қўйди.— Бир ўзимизнинг кучимиз етмайди. Шундай деди-ю, таниши Жуллиевни эслади.

— Олдин беш минг сўмни қуртдай қилиб санаб берасизлар, сўнг ихтиёрингизда бўламан,— деб шарт қўйди Жуллиев Авлаёров билан Азизованинг ниятини эшитиб.

— Мана минг сўм, қолгани кейин...— деди Азизова.

Жуллиев ўйлаб-ўйлаб рози бўлди.

Ёмон ниятни амалга ошириш учун ҳозирлик бошлаб юборишди. Уларини танитмаслик учун ниқоблар тикишди, хўжалик магазинига бориб болта ва пичоқ харид қилишди. Жуллиев икки ҳамқишлоғини ҳам йўлдан урди. «Бўкага тўйга борамиз» деди.

12 майга ўтар кечаси Азизова, Авлаёров, Жуллиев, Т. Норов, Тоштемировлар Самарқанд автостанциясидан машина ёллашиб Бўкага жўнадилар.

Олдиндан режалаштириб олишганидек, Жуллиев болта, Авлаёров ҳамда Норов пичоқ билан қуролланиб, тайёрлаб қўйилган ниқобларини юзларига тутушиб, ҳовлига кирдилар. Ҳовлида Тоштемиров қолди. Бошқалар Р.лар ётган уйга бостириб кириб пул ва қимматбаҳо нарсаларни топиб беришни талаб қилишди. Авлаёров эр-хотинларни пичоқ билан кўрқитиб уларни ҳеч қаерга чиқармасдан турди. Жуллиев билан Норов эса уйларни тинтиб, 3 минг сўм нақд пул, заргарлик буюмлари ва ҳар хил кийимларни, жами 11 минг 565 сўмлик мол-мулкларини бир ерга жамлайдилар. Яна Р.ларга тегишли «ТОЗ — 8» маркали милтиқ ва унга тегишли ўқларни оладилар. Тўпланган мол-мулкларнинг бир қисмини ҳовлида турган Р.нинг автомашинасига жойладилар. Лекин шу вақт Р.нинг кўчага чиқмоқчи бўлаётганини сезиб қолган Жуллиев болтача билан

ЕГАН ДАЙДИЛАР

унинг бошига уради, енгил тан жароҳати етказди. Шовқиндан хонадондаги бошқа кишилар уйғониб қолишдан қўриқиб, босқинчилар автомашинага жойлаган кийим-кечакларни олмасдан, қўлларидаги нарсаларни кўтариб қочибди. Сўнг Р.ларнинг уйдан олган 6450 сўмлик қимматбаҳо буюмларни ўзаро бўлиб олишди. Куролни кўндоғи ва қувурини кесиб қирқма милтиқ ясади.

1988 йил 29 июнда М. Азизовнинг таклифи билан Авлаёров Қорақамиш массивида яшовчи М. деган аёлнинг уйига ҳужум уюштирмакчи бўлдилар. Авлаёров билан Азизова ўзларини аёлга Қўқон шаҳридан келдик, бизни Қўқондаги укангиз юборди, деб таништирди. Айни вақтда М.нинг уй шароитларини кўздан кечиришди. Уй бекасининг уйда бўлмайдиган вақтини билишди. Бир ойлардан сўнг Авлаёров ва Азизовалар уй бекасининг уйда йўқ пайтида келишди ва М.нинг уйда қолган фарзандларини қўрқитишиб, ваннахонага қамаб қўйишади ва 2 минг 995 сўмлик мол-мулкни олиб кетишди... Бу жиноий гуруҳ булардан бошқа яна ўндан ортик



Жабрланувчи М. Авлаёровни дарҳол таниди.

жиноятлар содир қилишди. Бир неча кишига оғир тан жароҳати етказишди. Лекин қилмиш-қидирмиш деганларидек, босқинчиларнинг ҳаммаси қўлга тушди. Улар судда ҳар хил ёлғонлар тўқиб, ваз-қарсонлар ишлатиб сувдан куруқ чиқишга, жиноий жазодан қўтилиб қолишга кўп уриндилар. Лекин етти ой давом этган суд ҳар бирининг айбини бўйнига қўйди.

Суд Тўлқин Авлаёровни — 15 йил, Муқаддас Азизовани — 10 йил, Бекназар Жуллиевни — 12 йил, Ботир Бердиевни — 9 йил, Тўлқин Норовни 6 йил, Қозим Хўжаевни — 6 йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. К. Хўжаевнинг аввал ўташга ўлгурмай қолган жазоси ҳам ҳисобга олинди, албатта.

Бошқалар-чи? Бошқалар!

Ҳа, тўданинг бошқа аъзолари жумладан, Абдурашид Тоштемиров, Шухрат Яхёев, Комил Мустафоев, Камол Пардаевлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилдилар. Лекин улар озодликдан маҳрум этилмадилар. Нега? Тошкент шаҳар судининг аъзоси Юсуф ака Иброҳимовдан шу ҳақда гапириб беришларини сўрадик.

— Чиндан ҳам судланувчиларнинг айримларига оғир жазо берилмади. Суд мажлисида улар Авлаёров, Азизова, Жуллиевлар тўдасига алдов, қўрқитиш орқали қўшилиб қолганлиги аниқланди ва жазо тайинлашда суд шу ҳолатларни эътиборга олди. Масалан, Абдурашид Тоштемиров, Шухрат Яхёев, Комил Мустафоевлар УзССР ЖК 127-модда 2-қисми билан айбдор деб топилди, уларга 3 йил қамоқ жазоси тайинланди, лекин жиноят кодексининг 42-моддасига асосан енгиллик берилди. Жазонинг икки йили меҳнатга мажбуран жалб этиш жазоси билан алмаштирилди.

Комил Пардаев уч йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди, лекин унга УзССР ЖКнинг 44-моддаси қўлланди ва 2 йил муддатга ижроси кечиктирилди. Ҳукми назорат қилиш ва у билан тарбиявий иш олиб бориш Шаҳрисабз район ички ишлар бўлимига топширилди.

Муродилла Тожиев ва Меливой Холматовларнинг иши эса қайта терговга юборилди.

— Демак, бу тўртталаси ўз гуноҳларини меҳнат билан ювишлари керак экан-да.

— Ҳа, шундай. Энди улар ўзларига берилган имкониятдан фойдаланиб, ҳаётини қайта қуришлари, жиноятчилик яхшиликка олиб келмаслигини жиддий ўйлаб кўришлари лозим. Яна ким билан дўстлашишни, бўш вақтларини кимлар билан ўтказишлари мумкинлигини ҳам билиб олишлари зарур. Ахир халқимизда дўстларинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман, деган нақл бор. Уйлайманки, юз берган воқеа уларга сабоқ бўлади.

— Яна бир савол. Судланувчилар кўпларнинг мол-мулкни ўғирлаб, уларга моддий зарар етказишди. Бу зарарнинг ўрни қандай қопланади?


— Судланувчилар жазони ўташ чоғида келтирган зарарларини тўлашади.

Ш. ТўРАБОЕВ.



Полиция

Бу сурат жиноят ишидан олинди. Қўлга тушган тўда аъзолари жиноят содир этган жойларни кўрсатишмоқда.



Суратда: (чапдан ўнга) М. Азизова, М. Холматов, Т. Авлаёров, Ш. Яхёев, Б. Бердиев, Б. Жуллиев, Т. Норов, Р. Тоштемиров, М. Тожиев, М. Хўжаев, К. Мустафоев, К. Пардаев.

ҲАҚИҚАТ ТИФИ

ХИНДИСТОНГА САФАР

География дарсларида машхур рус сайёҳи Афанасий Никитин ҳақида ўқигансиз. Бугун «Буюк сиймолар» рубрикаси остида сайёҳ Абдураззоқ Самарқандий ҳақида ҳикоя қиламиз.

Урта осиелик олим ва элчилар қадим замонлардан Ҳиндистонга бориб-келиб турганлар. Беруний, Носир Ҳисрав, Авфий... Уларнинг сафари қуруқлик билан шимолдан Афғонистон орқали ўтган бўлиб, Ҳиндистоннинг шимолий, марказий ва шарқий қисмларида бўлганлар. Маълумки, Ҳиндистонни сув йўли орқали биринчи бўлиб кашф этган одам — географ олим Абдураззоқ Самарқандийдир. У Ҳиндистонга ҳинд океанининг ғарб томонидан кемада борган ва унинг жанубий вилоятларида бир неча муддат яшаб, мамлакат ҳаёти билан танишган. Бу сайёҳнинг ҳаёти журналхонларни қизиқтириши табиий. Шунинг учун ҳам батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Абдураззоқ Самарқандийнинг асл исми Камолиддин Абдураззоқ. Отасининг исми Жалолиддин Исҳоқдир. Абдураззоқнинг отаси асли самарқандлик бўлса ҳам, Шоҳруҳ хизматида бўлгани учун Ҳиротда турган. Абдураззоқ 1413 йилда Ҳиротда туғилган бўлса-да, кейинчалик бир қанча вақт ота юрти Самарқандда яшаган.

Абдураззоқ ўз даврининг ўқимишли ва қалами ўткир кишиларидан бўлганлигидан Шоҳруҳ уни ҳурмат қилган ва унга муҳим топшириқларни ишониб топширган. Жумладан, аввало Ҳиндистонга, ундан кейин Гилонга элчи қилиб юборган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг асосий асари «Малта ус-саъдайн ва Мажмаул-бахрайн» («Икки саодатли юлдузнинг балқиси ва икки денгизнинг қўшилиши») форс тилида ёзилган, икки жилддан иборат тарихий асардир.

Унинг турли саҳифаларида йўл-йўлакай ҳар хил географик маълумотлар бериш билан бирга икки бобда географик сафарлар кенг баён этилган. Бобларнинг бири Ғиёсиддин наққошнинг Хитой сафарига, иккинчиси эса ўзининг Ҳиндистон сафарига бағишланган.

«Ҳиндистон сафарномасининг алоҳида боб тарзида ёзилиши тасодифий бир ҳол эмас, албатта. Аввало, бу сафар ҳақида авторнинг қўлида ўзи кўрган-билганларидан тўпланган бой материал мавжуд бўлган бўлса, иккинчидан, унинг замондошлари (Ҳирот, Бухоро ва Самарқанд китобхонлари) узоқ мамлакатлар ҳақидаги ажойиб ва аниқ маълумотларга қизиққанлар», деб ёзади шарқшунос олим А. Уринбоев.

«Ҳиндистон» боби «Ҳиндистон сафари достони ва у (ер) ажойибларининг шарҳи ва ғаройибларининг баёни» деб сарлавҳаланган. Келинг, биз ҳам шу асардан парчалар ўқийлик. Қуйида келтирилдиган парчалар А. Уринбоевнинг «Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафари» номли асаридан олинган.

«(1441) йили... Ҳурмуз вилояти ва денгиз соҳилларига қараб сафарга отланди(м). Бу достон(да)... ҳар хил ажойиб-ғаройиблар сўз ипига терилади, уч йил муддат ичида кўрган-кечирган ҳолатим ва кўрқинчли воқеаларим муфассал ҳам қисқа ҳолда қайтадан баён қилинади.

Сўнг (фақир) илгари ваъда қилганига мувофиқ Хуросон, Мовароуннаҳр, Форс, Ироқ ва Озарбайжонларда (бўлиб ўтган) воқеалар баён қилинади (фақир) умидворки, (бу достон) жаҳон билимдонларининг назарида ривож топгай ва замона аёнларининг илтифот офтоби унинг устида нурлангай» (31-бет).

«Мен Ҳинд тарафига тайинландим... Кўхистон йўли билан чиқиб жўнаб кетди(м). Кирмон Биёбонининг ўртасида шаҳарга ўхшаш бир жойга етди(м)...

Бу биёбон (Дашти Лут) Макрон ва Сейстон чегарасидан тортиб токи Домғонгача бўлган масофа офат ва хавф туғидирувчидир». Кирмон шаҳри «жуда олижаноб бир шаҳар, дилқушой жонга роҳат боғишловчи жой экан».

«... (сўнг) Ҳўрмузга қараб йўл олиб, оининг ўртасида Уммон (Арабистон денгизи) соҳилига ва Ҳўрмуз бандарига етиб келдим. Бу — Жарун деб (ҳам) аталувчи Ҳўрмуз шаҳри ўртасида жойлашган бир бандардирки, етти иқлимнинг савдогарлари — Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Араб ва Ажам Ироқлари ҳамда Форс, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатлари, Дашти Қипчоқ мамлакати, Қалмоқ тарафларидан, барча Шарқ мамлакатлари — Чину Мочин ва Хонбалиқдан бу шаҳарга юзланадилар. Денгиз соҳилларидаги мамлакатларнинг кишилари — Чин, Жова, Бангола, Сиондан, Таносири, Зирбод шаҳарлари, Сукутра, Шаҳринав ва Дива Маҳал оролларидан тортиб, ҳатто Болибор диёридан, Ҳабаш ва Зангибардан ҳамда Бижанагар бандарлари, Гулбарга, Гужарот, Канботдан, Арабистон соҳиллари, ҳатто Адан, Жидда ва Ямбулардан қуёш ва ой (нурлари) ва мўл ёмғир сувлари обитоб бериб, денгиз юзига чиқарилишига (лойиқ) қилиб (етилтирган) қимматбаҳо ва гўзал нарсаларни бу шаҳарга олиб келадилар» (33 бет).

Бу таърифида Ҳўрмуз портининг жуда катта халқаро савдо маркази бўлганлиги кўрсатилган, шу билан бирга Абдураззоқнинг географик савияси ҳам намоён бўлади.

Саёҳат бошида об-ҳаво баъзи саёҳатларнинг мижозиди тўғри келмаганлигидан, Абдураззоқ билан саёҳатда ҳамроҳ бўлиб юрган акаси Афифуддин Абдулваҳоб йўлда (Калхотда) бетоб бўлиб, вафот этди.

Абдураззоқнинг ўзи ҳам қаттиқ хасталаниб, Ҳиндистонга жўнайдиган бир кемага зўрға чи-

қиб олади. Хайриятки, «денгиз ҳавоси бир қадар соз келиб, тузалиб кетиш умидини берди», деб ёзади у.

18 кун деганда Калкут бандарига етган. Сайёҳ Калкутнинг обод жой эканлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Абдураззоқ Самарқандий Калкутдан яна Бижанагарга ўтиб, у ерда кўп муддат меҳмон бўлди, ўз элчилик вазифасини ўтаб, ҳиндларнинг ҳаёти, урф-одатлари, байрамларини ҳамда шу ўлканинг савдо-сотифи, одамлари, ҳайвонот ва ўсимлигини кузатади. Бу ажойиботларнинг ҳаммаси Абдураззоқ сафарномасида тасвир этилган.

Бижанагар ҳоқимидан Шоҳруҳга совғасалом билан қайтар экан, Абдураззоқ денгиз бўйига келиб, яна кемага тушади — бу гал 75 кун, кўп азоб-уқубатлар билан сузиб, Ҳурмузга қайтди. Сўнгра илгариги йўли билан, Кирмон орқали уч йил деганда (1444) Ҳиротга етиб келади.

Абдураззоқ Самарқандийдан 25 йил (1446—1472) кейин Жанубий Ҳиндистонга борган рус савдогари Афанасий Никитин ҳам қимматли маълумотлар тўплайди, уларнинг кўплари Абдураззоқ Самарқандий саёҳатномасида келтирилган фактларни тасдиқлайди.

Абдураззоқ Самарқандий саёҳатидан 56 йил вақт ўтгач португал сайёҳи Васко да Гама учинчи бўлиб Ҳиндистоннинг энг жанубий ғарбдаги кўхна портлардан бири, ҳозирги Кожикодде портига кемалари билан келиб тўхтади...


Ҳар учала сайёҳ ўз ҳолича Ҳиндистон сафарларида хилма-хил маълумотлар тўплаган бўлса-да, Абдураззоқ Самарқандий саёҳатномаси ўзининг биринчи кашфиётлиги билан алоҳида қимматга эгадир.

Абдураззоқ 1441—1444 йилларда Ҳиндистондаги ўзига юклатилган элчилик вазифасини аъло даражада бажариб географик билимлар билан бойиб, Ҳиротга қайтгач, Шоҳруҳнинг унга бўлган ҳурмати янада ортади ва уни Гилонга элчи қилиб юборади. У яна Мисрга ҳам элчи этиб тайинланган. Лекин боролмай қолган. 1472 йили 69 ёшида Ҳиротда вафот этган.

С. ЖАЛИЛОВ,
СССР География жамиятининг
ҳақиқий аъзоси.



М. АБДУЛЛАЕВ чизган расми



Мен унинг учта картинасини кўрганман. Улар мени шунчалик ҳайратга солганки, тўғриси айтсам, аввалига уларнинг биронтасига ҳам тушунмаганман. Шунда ўйлагандим: балким бу ўзининг тушуниқчилиги билан кишига ҳузур бағишлайдиган санъатдир?

«XIX аср грузин хроникаси», «Ўйга қайтиш» «Поғона» — булар унинг ягона мазмун асосига қурилган ва жиддий трилогик фильмлари. Бу фильмларнинг мазмуни бир қарашда фавкулда оддий: ҳаммаси чигал ва издан чиққан, олдиндан бирон нарсани башорат қилишга имкон бермайдиган бу ёруғ оламда ҳаётини самимиятни қандай сақлаб қолиш мумкин; одамлар ўртасидаги муносабатлар ва боғланишларнинг умумийлигига қарамай тобора таназули муқаррар бўлаётган азалий оқибатни қандай асраб қолиш мумкин? Рехвиашвилининг унга фақат томошабинлар

лувчи эртанги кунни акс эттирган ўтмиш аслида шартлиликдан бошқа нарсасиз ҳақидагина бораётгани йўқ: картина қанчалик замонсиз бўлмасин, сунъий тарихийлик, жуда теран изчилликка бўйсунувчи шаклий моҳиятга амал қилади ва унинг ботинга қилган таъсири шахснинг муайян қиёфасини яна ҳам ёрқинлаштиради.

Мен яна қайтараман: режиссёрнинг қатъияти мени ҳаммиса ҳайратга солади. Унинг поэтикасидаги қудурат онгимизни деярли ўзимизга сездирмай забт этади. Рехвиашвили ҳалоскор томошаболикка ёки озгина бўлса ҳам ҳалоскор воқеабандликка олиб борадиган ҳар қандай ишорадан ҳам ҳеч иккиланмай воз кеча олади, шу томондан қараганда унинг кинолари аксилтомоша картиналар, шунга кўра, эътиқодига ниҳоятда содиқлиги билан менга тақводор кишиларни эслатадиган унинг ўзи эса кўпроқ аксилтомошабин санъаткордир. (Шубҳасиз, ҳали киношонослар жўн аниқликка мутлақо бўйсунмайдиган, чунки унинг киноларида энг асосий нарсаси: инсон нафаси, тасаввур мувозанати бор — ва ҳаммиса бир қарашда англаб бўлмайдиган мажозий поэтикага қурилган ҳамда ўзида ҳаёлот ва ақл дунёсининг турли хил шакллари ва иллюзасини акс эттирадиган бу фильмларни мамнуният ва фахр билан тадқиқ этажаклар.) Рехвиашвилининг дунёсига тобора кириб борар экансан, ушбу оддий ҳақиқатга имон келтирасан: санъаткор зоҳирий эҳтиросга қанчалик кам эътибор берса, унинг хусусий «мен» и шунчалик чуқур намоён бўлади, асардан авторнинг шахсияти қанчалик кам ўрин олса, у шунчалик ранг-баранг ва ёрқин шахслар яратади. Рехвиашвилининг фильмлари гўё лоқайд бир кузатувчининг қуруқдан-қуруқ кузатуви орқали яратилгандай, эҳтиром ва жўшқин драматизмдан мутлақо ҳолидай бўлиб туюлиши мумкин; аслини олганда улар драматизмнинг энг юксак намуналаридир ва уларда автор қиёфаси айнан мана шу меъёрни сақлаш, ўзини тийиш орқали юзага чиқа-

бошқа одамга айлантиради, ҳолос: идрокимизни бир жойга тўплайди, руҳимиздаги тарқоқликка барҳам беради: диққатга айланган мия энг арзимас ҳаракатдан тортиб муфассал парчаларгача кўздан қочирмайди: ям-яшил дарахтзор қучоғида кетаётган йўловчи қушчани қўйиб юборди ва бирдан «иккаласи ҳам энгил тортади»; қушчанинг қанотига ўхшаш иккига кўз кичкинагина, тор деразадан — зим-зиё авахтанинг бирдан-бир туйнугидан — ташқарига илинж излаб, узалиб қарайди; ўсмир синган новдани пайвандлайди — бу унинг фильм бошидаги биринчи ҳаракати — ва ҳаётда ҳар бир деталга ҳам бағоят эътибор билан қараш ва улар ўртасидаги умумий боғлиқлик тўғрисида ўзича мингирлайди. Бу образларнинг гўзал чиқишининг сабаби шундаки — уларнинг ҳар бирига автор мажозий маъно юклайди: одам гоҳ йўқотиб, гоҳ топиб оладиган муқаддас китоб, гўё қандайдир манфаат ва эътиқод учун — афтидан сохта бўлса керак, — одамларни номаълум қахрамонликка бошлаб бораётган байроқ, сени энди бегона ва қаҳратон шаҳарда ёлғизлик, ожизлик, таъқиб ҳисидан қутқазма олмайдиган, гоҳ ҳаётдан кашфиёт излайвериш, бор қобилиятини бой бергану, энди буткул ақлдан озганга ўхшаб кетадиган, гоҳида эса қачонлардир ўлиб кетгану, бироқ сента узок йиллар сир тугилган (кўз илғамас, лекин шубҳасиз, мақсадга мувофиқ) қандайдир ҳақиқатни очиб кетишга улгургандек туюладиган УСТОЗ. Рехвиашвилининг семимли приёми — ҳукм этмаслик, элипсиз, соддалаштириш, қисқартириш; у образларни, ички кадрларни ва монтаж суратини, диалогларни иложи борица таранглаштиради, музика-овоз қисмини кунт билан сайқаллайди ва улар атрофимиздаги нарсаси ва буюмларнинг сигналлари даражасига тушмагунча ҳамда токи табиийлик инъикосига айланмагунча кунт билан яланғочлайверади. Шунинг учун ҳам биз вақтнинг мудҳиш тезлигига қоришиб, сакраб-сакраб, ҳақкалаб-ҳақкалаб қайгадир жўнагандай бўламиз ва манзилга етгач, биз негадир яна орқага қайтишни, ҳеч қурса, ожиз ва ночор вазиятда қолган ёшгина йигитнинг бирдан икки йўлтўсарга қарата бизга бироз бачкана ва баландпарвоз туюладиган дағал ва тантанали лутф билан: «Йўқ, ёлгон, ҳеч нарсасиз кетмайди», деб жавоб қайтарган нуқтагача қайтгимиз келиб қолади. Рехвиашвилининг бадиий-драматик тафаккурининг ҳаддан ташқари ўзига хос махсули бўлган ва адабий оламда етарли даражада чайналган бу ибора айтиш шунда, шу контекстада тўтқаноғи бор одамнинг чапанчилигига ўхшаб кетади, бироқ айтиш дақиқда бу сўзларни айтиш бизга қанчалик гўллик бўлиб кўринса, уни айтмаслик ҳам шунчалик аҳмоқона бўлиб туюлади.

Учала фильмдаги аҳвол, кимсасиз, алланечук оғриқ уйғотадиган деярли сассиз сукунат ва шахси номаълум, ланж, лоқайд, атайлаб чалқаштирилган талаффуз эътибор ила кузатилганда булар автор эҳтиросининг зўра ушлаб турилган жазаваси ва ғалаёнининг тафсилотлари эканини англаймиз.

Рехвиашвили барибир, гарчи у Шандор Петефининг изидан: «Умидим нимадир? Хурлик фаршаси!» деб сўзма-сўз такрорлаши шарт бўлмасада, у — романтик. Шу билан бирга унинг картиналари «Севишни билмайдиган закийларга» (Хуистан Хью Оден (1907—1973) — инглиз-америка шоирининг ибораси) ҳам мўлжалланмаган. У ҳалоллик ва адолат изловчи ҳамда виждонан азобланувчи барча кишиларга, қақғўйлик ва эзгуликнинг оддий бир ўгити сифатида барча кишиларга қаратилган. Шунинг учун ҳам унинг асарларидаги масъулият — ҳар бир одамнинг умри — интилиш, поғонадан иборат эканлигини, шу туфайли бу чўққи фақат ўзига хос изланишлар, парвозлар ва заҳматлар эвазигагина забт этилишини ҳар лаҳза таъкидлаб турадиган қизгин ва безовта бир масъулият бизга ҳаммиса куч-қувват бағишлайди.

Назар ЭШОНҚУЛОВ таржимаси.

РЕХВИАШВИЛИНИНГ

оммаси ўртасидагина эмас, балки танқидчилар ва бир қисм кино билимдонлари ўртасида ҳам шуҳрат келтириши мумкин бўлган, кинога таъсир ва ҳашам бағишлайдиган ҳар қандай воситалардан — ҳатто эстетик зарарсиз ҳисобланганларидан ҳам — қатъиян воз кеча олиши, ҳар сафар ўша ўзгармас масалага ва ўша ўзгармас тил структурасига ҳаддан ташқари содиқлиги мени доим қувонтиради ва ҳайратга солади. Бу зоҳидона садоқат ҳамда унинг бадиий журъати аҳамиятини ўта чуқур ҳис этиши ва ўзига ишончи мени гоёат ҳаяжонлантиради.

Бу учта фильмда ҳам биз гарчи на қатл манзарасини, на бирон жойда одам қонини кўрмасак-да, ўз хоҳишлари билан шу йўлни танлаганларнинг ИУҚЛИК қўлида қурбон бўлиши мотивини кўрамиз: башарти кинода зулм эпизоди бўлса, режиссёр уни атайлаб кадр ортида қолдиради ёки бошқа образлар ҳаракати ва ишоралари ҳисобига монтаж давомида ўчиради, ботинлаштиради, бироқ биз, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, қахрамоннинг жисмонан йўқ қилинганини ёки маънавий жароҳатланганини аниқ ва равшан ҳис этиб тураемиз. Уччала фильм ҳам моҳиятан, баайни очик қолган китобдай ўзини дарҳол, шу дақиқада фош этиб қўядиган ёш йигит ҳақида; у асосан сукут сақлайди, бироқ томошабинга шундай беозор қаҳр билан тикиладики, бу кўзларга қараб туриб сен беихтиёр унинг кимлигини англаб оласан: бу аниқ бир киши эмас, балки қандайдир руҳнинг модели ёки авторнинг биз кўзлар орқали эшитаётган овозидир. Уччала фильм ҳам кўз илғамас ненингдир ёки ҳаммасидан ҳам кўпроқ ер шаримизга жуда ҳам зарур бўлган шунга ўхшаш ниманингдир — балким одамларни аста-секин тарқ этаётган имоннингдир — аҳамиятини ҳақида қайта-қайта уқтиради. Уччала фильм ҳам эзгулик ҳақида, тўғрироғи ёвузликнинг мустабиллигига қарши ўзининг ягона муносиб усули билан кураша оладиган, таъриф-тавсифлардан ҳоли, кам-сукум эзгулик ҳақида: унинг усули қарши курашмасликдан иборат, ҳа, айнан қарши курашмасликдан, аксинча, содир бўлаётган ҳодисага ўзининг сермулоҳазалиги, мустақиллиги, ўзининг «мен ҳақман» и билан қарши туришдан иборат. Ёвузлик фақат шафқатсизлик, маккорлик ва қабихликнинг намоён бўлиши эмас, у ҳам эзгулик каби мангу ва ўзига яраша яшовчан ақидаларга эга бўлган мустабилликдан рағбат олиб турувчи давомийлик ҳамдир. Мана, нима учун ўтган юз йилликда содир бўлган воқеаларга режиссёр тўсатдан ва мутлақо хотиржам ҳолда замонамизга хос белгиларни «қўйиб юборди»; курум босган металл трубалар, кўкиш бинолар, металл чойнак, жинсилар, автомашиналар, белгиялик сюрреалист РЕНЕ МАГРИТАНИНГ (дарвоқе, воқеликка эстетик муносабат ва проблемани акс эттиришда Александр Рехвиашвилига яқин санъаткор) сурати. Бу ерда гап фақат ўзида ҳали юз бермаган ҳодисалар ва қахрамонларни башорат қи-

СУКУТИ ВА ҲАЙҚИРИҒИ

Эссе

ди. Унинг картиналари мантиқбозликни, тўғрироғи ўта мантиқчиликни талаб қилмайди, ҳатто бундай мантиқбозликни инкор ҳам этади; улар катталарнинг акси ўлароқ ҳар бир буюмнинг улканлиги ва чинакамлигига заррача шубҳа қилмайдиган бола тасаввурини ва унинг ишонувчан кўнглини ёки ҳеч бўлмаса болаларча сидқидилликни талаб қилади.

Қачонки, мен бошқа нарсалар ҳақида ўйламасам, ҳа, ўйламасам, ва атрофимдаги бошқа ҳеч нарсани сезмасам, менга ҳаммаси тушунарликдек, очик-ойдиндек туюлади, бироқ кўз олдимдаги олам тўсинадан, айтиб бўлмас, таърифлаб бўлмас қиёфага қиради — бу санъаткорнинг гаройиб дунёси менда ҳар сафар шундай кайфият уйғотади. Ундаги вазминлик, ундаги ноёнлик, ундаги чеглашиш бизни ҳам экрандан токи чексизлик қадар чеглаштиради (ҳатто қаршимизда бўм-бўш экран турган бўлса ҳам биз худди зим-зиё чоҳдан осмонга қараб тургандай вужудимизни тобора чулғаб олаётган фараз дарчаси орқали барибир персонажларнинг юзини аниқ кўриб тураемиз), мана шу ҳолат шууримизни хурофий ва бадбин ҳулосалардан ҳалос қилиб, ўй-хаёлларимизга бирпас бўлса ҳам ҳурликнинг шодийнасини олиб қиради. Келинг, яхшиси, Рехвиашвилининг фильмларидан, улардаги ғайри-табиий ҳаракат ва ҳолатлардан ўзимизча йўқ нарсаларни изламайлик. Келинг, тан олайлик, бундай санъаткорлардан биз қанчалик ҳайратланарли ташбеҳлар изласак уни шунчалик жўнлаштириб қўямиз. У бизни

ОНЯ ФЯРЁДИ

Ҳурматли редакция! Унчалик маълумотга эга бўлмасам ҳам газета-журналлардан баъзи мақола-ларни ўқиб, ниҳоятда ажабланаман, баъзи бир шахсларга нисбатан нафратим ошади. Айниқса баъзи ёш оналарнинг ўзини-ўзи ёқиб юбориши, ўзини осииши ёки сувга ташлаб ҳаётдан кўз юмиши сингари сатрларни ўқиб жуда ғазабланар эдим.

Ҳаётда уларни шундай ҳаракат қилишга, ҳаётдан бевақт кўз юмишга нима мажбур қилаётган экан деб ўйлар эдим. Мана икки йил бўлаётгани ўзимнинг бошимга тушган оғир кулфатдан мен ҳам ўзимни ўзим йўқ қилишга тийёрманку, лекин мени бу йўлдан қайтариб ҳаётга талпинтираётган, отасининг бетини кўрмай қолган яккаю-ягона фарзандим Темур бор.

Ўзим ёшликда отадан егим қолиб, онам тарбиясида тарбияланиб, Хумсон қишлоғидаги мактабнинг 10-синфини тугатиб, оилавий иқтисод туфайли ўқини давом эттирмай совхозда ишлаб, тирикчилик ўтказдим.

Отам эсини танибдики аввал колхозда, сўнгра совхозда ишчи бўлиб ишлар эди. Аниқроғи совхознинг йилқисини боқар эди, мен 2 ёшлигимда отам тоғда йилқи боқиб юрганда, тунда палаткада ухлаб ётганда бир номард кўкрагига пичоқ санчи ўлдирган экан.

Мен улғайиб совхозда ишлаб юриб, Тоҳир Қоробоев деган йигит билан танишиб, бир-биримизни севишиб, 1986 йили турмуш қурдик.

Турмушимиз жуда тоғув, иноқликда ўта бошлади. Айниқса, қайнонам Хайри она, қайнотам Маҳкам акалар, мени еру-кўкка ишониммай ўз фарзандидай бағриларига босишиб, ҳаётнинг пасту-баланди билан таништира боришди. Уларнинг мени қўлимни совуқ сувга ургизмай авайлашларининг сабаби мен она бўлиш арафасида эдим, яъни ҳомилидор эдим.

Ниҳоят 1987 йил 10 август кунни мени туғруқхонага олиб боришди. 11—12 август кунлари умр йўлдошим Тоҳир туғруқхонага келиб, дераза орқали мандан ҳол-аҳвол сўраб, қувончи ичига сиғмай, «Лола ўғилми-қизми» деб сўради. Мен, ўғил деганимда «Лола, отини Темур қўямиз, майлими?» деди. Мен «майли» деб жавоб бердим. Аммо турмуш ўртоғим Тоҳирни ўша кунни, яъни 12 августдан кейин кўрмадим, энди кўролмаман. У орамизда йўқ!

12 августдан кейин Тоҳир туғруқхонага келма-гач мен ҳар хил хаёлларга бориб, менинг ҳолимдан хабар олгани келган қариндошлардан Тоҳир нима сабабдан келмаётганини суриштира бошладим, қариндошлар бўлган воқеани мандан яшири-шиб, Тоҳир йиқилиб оёғи синиб, район касалхонасида даволаняпти, аҳволи яхши дейишди. Юрагим алланечук бўлиб асабийлаша бошладим, врачларнинг қанчалик меҳрибонлигига қарамай, мени кўкрак сугим тўхтаб қолди, ўзимнинг аҳволим оғирлаша бошлади, врачлар мени бир ойга яқин туғруқхонада ушлаб, ҳол-аҳволимни анча яхши-лаб уйга жўнатмоқчи бўлишди. Уша кунни қайно-там Маҳкам ака туғруқхонага келиб, ўлкасини тута олмай, «Лола, болам, ўзингни бос, тақдирга тан беришдан бошқа иложимиз қолмади. Тоҳирдан ажраб қолдик» деганда, умуман менинг ҳам юра-гим тўхтаб қолаёзди. Ўлимга рози бўлдим. Лекин мен тирикман, қўлимга қалам олиб, кўз ёшимни тўқиб Сизга мактуб ёзиб юрагимни юмшатаяпман, редакциядан нажот тилаяпман.

Воқеа бундай: 1987 йил 13 август кунни кечки соат 19—20 лар чамаси Тоҳир Хўжакеит қишлоғи марказида мотоциклдан тушиб, Чорбоғдан Тошкентга кетадиган йўлни кесиб ўтаётганда, Хумсон томондан Хумсон қишлоғи участка инспектори капитан Тўлқин Қоробоевнинг ўғли Ихтиёр Қоробоев (Ихтиёр ҳам собиқ милиция ходи-ми) отасига тегишли бўлган Ваз 2105 В72—507Ш «Жигули» машинасида катта тезликда бориб Тоҳирни уриб юборади.

Жароҳатнинг оғирлигидан Тоҳир 14.08.87 да район марказий касалхонасида 23 ёшида ҳаётдан кўз юмган. Тоҳирнинг ўлимига сабабчи бўлган Ихтиёр Қоробоевнинг машина бошқариш учун на шофёрлик гувоҳномаси, на отасининг ишонч хати бор. Ихтиёрнинг отаси капитан Т. Қоробоевнинг тошбағирлигини, инсон қадр-қимматини бир пулга олмаслигини қарангки, уйдагилар Тоҳирнинг 20сини ўтказмасидан қотил ўғли И. Қоробоевни тантанали тўй қилиб уйлантирган. Капитанни бундай ўзини баландпарвоз тутиб, ўзидан бошқа ки-шини инсон деб ҳисобламай, биз каби «азадорлар»-нинг устидан кулишига чидай олмаган қайнонам, капитаннинг ишхонасига тушиб уни катта кўчада учратиб, «Ҳой номард, нега тўй қиласан, ахир жуда бўлмаса ўғлимнинг 20 сини ўтказгандан кейин қилмайсанми тўйингни» деганда у нима деб жавоб берган дег: «Бор, борадиган жойингга бор, ўлса сенинг ўғлинг ўлган, менинг ўғлим тирик, тўй қилавераман, мен тирик эканман, ўғлим бир кун ҳам қамалмайди», — деб қайнонамни бўл-мағур сўзлар билан ҳақоратлаган. Капитан нияти-га ета олмади.

1988 йил февраль ойида бўлиб ўтган суд мажли-сида қотил И. Қоробоев беш йилга ҳукм қилинди. У суд залидан қамоққа олинди.

Ҳукмдан норози бўлиб капитан И. Қоробоев Тошкент область судига шикоят ёзди, сўнгра биз-лар ҳам шикоят ёздик.

1988 йил апрель ойида Тошкент область суди Юсупов раислигида ҳар иккала томоннинг касса-цион шикоятини тўғри деб толиб, ҳукмни бекор қилиб, ишни қайта кўриб, капитанга ҳам тегишли чора кўриш учун ишни Бўстонлик район судьяси-га қайтарди.

Бўстонлик райони яна область судига, область суди яна Бўстонлик районига — ишни копток қи-либ тегишиб, 1989 йил апрель ойида Тошкент об-ласть суди аъзоси Козлова Чирчиқ шаҳрида ишни юзаки кўриб, ишни қайта қўшимча тергов қилиш керак деб ажрим чиқариб, И. Қоробоевни суд залидан озодликка чиқариб юборди. Кимга тўй, кимга аза деганлари мана шу бўлса керак-да.

Майли, ҳаммаси ўтди дейлик. Ахир таъзия де-ган нарса борку, таъзияга на Ихтиёр, на Ихтиёр-нинг ота-онаси бирор марта келиб, бизларнинг кўнглимизни юмшатадиган бир оғиз сўз айтмади-ку.

Инсонни шунчалар ҳам хўрлаш мумкинми ёки милиция ходимлари ўшандақа тошюрак бўлар-микин? Йўқ, асло, бу капитан Т. Қоробоев ўзининг амалини, ошна-оғайнилари ишга солиб, инсон қадр-қимматини оёқ ости қилди.


Мен бир бахти қаро она сифатида капитан Тўл-қин Қоробоев ва унинг қотил, тарбия кўрмаган ўғли Ихтиёр Қоробоевга шундай дер эдим: «Пичоқни аввал ўзингга ур» дейдилар. Жон ширин. Бошқанинг жони ҳам сенларникидай. Ўз фарзан-дингни чириллаб қолган, ота бетини кўрмаган Темур ўрнига қўйиб боқ. Ўз сеvimли ёрингни мен каби фарёд чекаётган ёш она ҳолатида кўр. Их-тиёр, фарзандидан бевақт жудо бўлиб, ғам-алам-да яшаётган қайнонам оху-ноласига қулоқ сол. Сўнгра қилмишингга ўзинг баҳо бер!

Ҳурматли редакция! Юқорида мен Т. Қоробоев ва унинг ўғли Ихтиёр Қоробоевлар ўзларини қандай тутаётганлигини, бизларни қандай ҳақоратлаб, устимиздан кулаёт-ганлиги ҳақида ўндан бирини ҳикоя қилдим, хо-лос. Бу иш бўйича Бўстонлик район ички ишлар бўлими, район прокуратураси, область ички ишлар бўлими, район область ва республика прокурату-раси, «Инсон ва қону» редакциясига бир неча бор шикоят қилдик. Ҳаммасини жавоби битта, у ҳам бўлса: «Капитан ишдан олинади, ўғли жи-ноий жавобгарликка тортилади» — дейилган.

Ахир қачон? Мана 2 йил ўтдику. Орамизда ҳали шундай нопок кишилар мавжуд экан, биз мамла-катимизда қайта қуришни қандай амалга ошира оламиз.

Сизлардан қатъий илтимосим шуки, капитан Т. Қоробоевни қора ишлари, қора башаралари, қонун эгаси бўла туриб, қонунни ўзлари оёқ ости қилишларини, тақдирга тан бермасликларини журнал саҳифасида ёритиб, халқ ҳукмига ҳавола этилса...

Лола ҚОРАБОЕВА



Муроджон УНГАРОВ чизган расми

Жапон хонлик

Эски ўзбек алифбоси сабоқларини ўрганаётган журналхонлар! Қуйидаги мўъжаз ҳикояларни ўқиш қийин эмас. Қани, бир уриниб кўринг-чи, шояд ҳарфларни зарб этишга тилингиз келишиб қолган бўлса...

Биридор маълум олоркә балә лариник козеиник лары
الف با اولور یعنی کتә کتابلارنی اینیک واسطه سی
برله کوروب بیلور

حکایه لار

برکیشی برملائینیک آلیعه باروب ایتدیکه منکا برنیمه
اورگاتینک اینیک سببی دین ایکی دنیا ده حرمتلیک
و آبرولیک و فراغت ده بولغایمین اول ملا انگا
مصلحت بیریکه بول مقصدینک او قوماق و علم
اورگانماق برله بولور او قوگای سن دیدی اول
کیشی ایدیکه هیچ بر حرف او قوماق و یازماق نی
بیلماس من ملا اینیک حالیه رحم قیلبر برنیچه
کون او قوتکانده علم نینک لذتیدین آزگنه بهره
آلوب اینیک برله اوزی حرکت قیلوب کتә ملا بولور
ایکی عالم نینک آبروسین و آرزوسین تاپدی

باله و آتاسی

بر باله کوردیکه آتاسی هر وقت کتاب او قوگانده
کوزیفه عینک توتار ایردی اتاسیگا ایدی ای آتا
جان منکا هم بر کوزعینک آلب برینک کتاب
او قومین دیدی آتاسی انکا خوب یخشی ایتاسیز
او غلوم من سیزگا باله لارینیک کوزعینک لاریدین
آلیب بیرامن دیب بر الف با کتابچه آلیب

تولکی برله ایچکی

تولکی دالده یوگوروب یوروب بی احتیاطلیک دین
بر چوقورغه توشوب قالیب اندین چیقماقغه علاجی نی
تابمای یاتوب ایدی شول وقتده بر ایچکی تشنه
بولوب سو قیدوروب اول چوقورنی آلیغه کیلیب
کورسه تولکی اول اوره ایچیده یاتیب دور انگا قراب
ای تولکی موندә نیمه قیلیب تورارسن دیب سورادی
تولکی جواب بردی که دالده یوروب قتیغ سوساب
قالیب ایردیم شول جایغه کیلیب سو ایچیب حالا
سلقینلاب راحتانوب یاتیب من دیدی ایچکی سو
بار ایکان دیب سویونوب اول چوقورغه ایرغیب توشدی
تولکی درحال ایچکی نینگ آرقه سیگا و آرقه سیدین شاخ
لاریغه ایرغیب چوقوردین چقیب اوز یولیفه کیتدی
ماعلوم اولورکه اجنبی سوزیفه بی تحقیق ایشانوب
بولماس

Маъмура РАШИДОВА

МАРАТОННИНГ ВИЖТОНИ

Футбол бўйича жаҳон биринчилигининг ҳал қилувчи босқичи шу қадар ҳаяжонларга, кутилмаган воқеа-ҳодисаларга бойки, улар тўрт йиллаб эмас, балки узоқ йиллар мухлислар ёдида сақланиб қолади. Июнь ойида Италия ана шундай навбатдаги ҳаяжонлар майдонига айланади. 8 июль куни галдаги жаҳон чемпиони аниқланади.

Дастлабки босқичда Аргентина, Руминия, Камерун терма командалари билан юзма-юз келадиган совет футболчиларининг омади чопармикан? Футболчиларимиз мазкур тўртлик орасидан ёриб чиқа оладими, лоақал ярим финалга етишадими — башорат қилмаймиз. Фақат, кези келганда «футбол ҳақида кўпроқ ёзинглар» деб хат йўллаган муштарийларимиз илтимосига биноан футболдек мураккаб бир ҳам спорт, ҳам санъатнинг инсонийликни мадҳ этувчи саҳифаларини ёдга туширамиз.

Агар Марадона инглизлар дарвозасига қўли билан гол киритгани заҳоти судьянинг ёнига югуриб келиб ўз хатосини тан олганида номини абадийлаштурган бўлур эди... 50, 100 йиллардан кейин ҳам унинг номи ёшларга намуна сифатида ҳурмат-эҳтиром-ла ёдга олинар эди...

Деттмар КРАМЕР.

Доимий кураш бор жойда голиб бор, мағлуб бор. Голиблик напидаси ва мағлубият алами ёнма-ён ҳар лаҳза, ҳар дақиқада ўз эгасини кутиб турган майдонда инсонийликнинг энг гўзал фазилавлари узлуксиз ўзалигини намоен этиб туриши табиий. Таъбир жоиз бўлса, тўп ўйинга кирган дақиқадан то ҳакамнинг учрашув тугаши ҳақидаги ҳуштаги чалингунга қадар майдоннинг ҳар қаричида эзгулик ва адолат тантанаси учун кураш давом этади.

Жайдари футболчи ўз шахсий манфаатларини ҳимоя қилади, у ўз ташвишида тўп қувади — бинобарин, у бачки орзу-истаклар қурбонига айланади. Катта футболчи ўзини эмас, командасини эмас, бориники, шахрини ҳам эмас, балки ўзи мансуб Ватан шаъни учун курашади, масалан совет футболчиси кўксига «СССР» деган ёзув билан майдонга тушдими, бас, у 300 миллион халқ орузларини рўёбга чиқаришдек, шунча одамнинг кайфияти, руҳиятининг сарбаланд бўлмоғини кўзлаб, улкан масъулиятни ҳис қилмоғи лозим.

Бу гап, ҳатто хорижий командаларда ўйнаётган футболчиларимизга ҳам тааллуқли. Тўғри, Заваров «Ювентус» командаси шарафини ҳимоя қилмоқда, лекин айна чоқда у совет футболчининг Италиядаги вакилидир. Хидиятуллин — Францияда, Дасаев — Испанияда... совет футболчининг шон-шухратини кўз-кўз қилмоқда.

Ўйин чоғида футболчи ўзини қандай тутаяди, у тўпга, командадош дўстларига, рақиб футболчиларига, судьяларга, қолаверса томошабинга қандай муносабатда бўлиши унинг бутун умр мобайнида шаклланган феъл-атворига ва юқорида саналган жуда кўп омилларга боғлиқки, булар футболчи зиммасидаги масъулиятни ўн чандон, балки юз чандон оширади.

...Мексика чемпионатидан аввал Перу терма командасига бразилиялик Диди бош тренер этиб тайинланади. Бегона юртдан келган тренер билан тил топишиб кетиш, табиий, енгил кўчмайди. Ва, юзаки қараганда, оддий ҳодисадек туюлган бир воқеа Дидининг обрўсини осмон қилиб юборди.

Перу командаси ўйинчилари Уругвай терма командаси билан учрашувга шай бўлиб турган куни эрталаб ишонган ўйинчилардан бири Фуэнтеснинг отаси вафот этгани ҳақидаги хабарни Дидига етказишади. Диди шошмайди, у йўл-йўлакай саломлашгандек Фуэнтес дам олаётган хонага киради, атайин уёқ-буёқдан гурунг бошлайди. Анча суҳбат куради. Ҳаётнинг аччиқ-чучукларидан сўзлайди, ҳар қандай одамнинг, айниқса эр киши бошга оғир кун тушганда вазминроқ бўлмоғи зарурлигини айта туриб гап орасида Фуэнтеснинг отаси қаёқ қилганини кистириб ўтади. Фуэнтес ток ургандек сапчиб тушади, бугунги машғулотлардан ва кечқурунги ўйиндан озод этилганини эшитиб лабини қимтиб қолади. У уйига — дафн маросимига жўнайди. Оқшом учрашув бошланиши олдида эса у... стадионда ҳозир бўлади ва майдонга тушишга тайёрлигини айтади.

Шу воқеадан сўнг Перу футболчилари Дидини Устоз деб атай бошлайдилар...

Инсонийликнинг, одамгарчиликнинг катта-кичиги бўлмайди, шу ҳодисада акс этганидек, баъзан арзимасдек туюлган эътибор, меҳр-оқибат ҳам инсонда улкан таассурот қолдиради. Бундай меҳр-оқибат, мурувват кўрсатиш учун эса футболчига ҳар қадамда «имконият» туғилади. Лекин бундай имкониятдан фойдаланиш эса ҳар кимга насиб этавермайди.

Футбол тарихида бу сеҳрли, мурувватли ва шафқатсиз-муросасиз ўйиннинг барча синовларига улкан бир одамийлик билан бас келган чарм тўп усталари кўп. Лев Яшин, Альберт Шестернев, Леонид Бурак, «пахтакор»чи Ҳамид Раҳматуллаев, Идгай Тазетдинов... Йигирма йил мобайни-

да яшил майдоннинг «хўжайини» бўлиб юрган инглиз Бобби Чарльтон бирон марта майдондан чиқариб юборилмаган, немис Франц Беккенбауэр судьянинг бундай жазосига лойиқ гуноҳ қилмаган. Француз Мишель Платини ҳам футбол жентельмени эди, унинг рақиб футболчилари ёки учрашув ҳаками билан жанжаллашганини бирор кўрмаган. Англия футболчининг даҳоларидан бири Стенли Метьюз туфайли бирон марта жарима тўпи ҳам белгиланмаган!..

Ҳаётдаги феъл-атвор — унинг ижобий ё салбийлиги — футбол майдонида бўртиб кўринади. ГФР футболчиси Бернд Шустер «Мен тиккасига гапирадиган одамман,— дейди.— Ҳақиқатни севаман, ёлгонни отгани ўқим йўқ. Бўхтонга чиқолмайман. Ёлгон гап эшитсам, ким айтганидан қатъи назар — тренери-бошқасими — бўхтончининг бўхтончидан фарқи йўқ — уларнинг бари бир гўр — бораман, юзма-юз айтадиганимни айтаман-қўяман».

Шунинг учун ҳам у ГФР дарвозабони Шумхернинг катта шов-шув кўтарган «Судьянинг ҳуштаги» китоби ҳақидаги фикрини лўндагина айтди: «Китоб менга ёқмади, лекин Тони менинг дўстим, шунинг учун мен доимо уни ҳимоя қиламан»...

1988 йилнинг апрелида Қувайтга қарашли «Боинг-747» самолётини кўлга олган ҳаво қароқчилари йўловчиларни 15 кеча-кундуз мобайнида тутиб ўтирдилар. Кексаю ёш, эрақаю аёл ва болалар учун нақадар машаққатли бўлгани аён. Шунда Куал-Лумпура аэропортида гаровга тутиб турилган самолёт ёнига Қувайт миллий терма командаси футболчилари, устозлари, хизматчилар келиб қароқчиларга ўзларини гаровга олишларини, самолёт салонодагиларни чиқариб юборишларини сўрашди. Бу — футболчиларнинг мисли кўрилмаган жасорати, олижаноблиги эди!

1954 йилги Олимпиада ўйинларида юз берган тарихий ҳодисалардан бирини Н. П. Симонян шундай ҳикоя қилади:

— «Машаққатли финал ўйинида ғалаба қозондик. Низомга кўра олтин медаль фақат финал учрашуви иштирокчиларига насиб этган. Финалда эса тренерлар Стрельцов ўрнига мени майдонга туширишди. Унга қадар барча учрашувларда у ажойиб ўйин кўрсатди. Командамиз финалга йўлланма олганида унинг хизматлари бениҳоя катта эди. Олтин медаль олдим, сира қувончолмайман дег. Қайтага ичимни тўғе мушук тимдаётгандек. Ниҳоят, Стрельцов ёнига бордим. «Эдик, олтин медаль сенки. Ол. Сенинг хизматинг бу» дедим. Стрельцов бош чайқаб мени ортиқ гапиртирмади. Эртасига, «Грузия» теплоходда қайтаётганимизда ана илтимос қилдим унга. Бу сафар Эдикнинг жаҳли чиқди. «Яна гапирсанг хафа бўламан» деб гапни қисқа қилди-қўйди. Ўзини бундай тута олиш учун киши улкан футболчигина эмас, айна чоқда улкан қалб эгаси ҳам бўлмоғи керак».

Футбол кироли — Пеленинг ҳаётидан бундай ҳодисалар истаганча топилади. 1966 йил Лондон. Жаҳон биринчилигининг финал ўйинлари борапти. Асосий даъвогарлардан бўлиш Бразилия терма командаси биринчи учрашувда ғалаба қозонгач, навбатдаги — Венгрия командасига қарши ўйинда команда майдонга Пелесиз тушди. Ўйин фавқулудда аянчли ҳисоб билан тугади: 1:3! Ҳаммаси учинчи учрашувда ҳал бўлиши аёнлашди. Гурпуна голиби бўлиш учун ғалаба қозониш шарт. Бразилия футболчилари бунинг уддасидан чиқиларига кўзи этади. Улар ўз кучига, қудратига ишонади. Ахир, Пеленинг иши юришиб кетса борми — уни тутиб қоладиган, йўлини тўсадиган ҳимоячи ҳали онасидан туғилмаган!

Афсуски, буни Португалия ўйинчилари ҳам билишар эди. Пеленинг шахсий қўриқчиси Висенте қандай бўлмасин қиролга соядек илашиб олди. Бирок, ҳимоячиликнинг уддасидан чиқолмади. Ва у Пелени ўхшатиб тепди.

Орадан ўттиз йил ўтяпти. Лекин ҳамон кўз ўнгимда: Пелени кўлтиқлаб майдон чеккасига олиб чиқишди. Врач ва массажчилар анча вақтга унинг тепасидан кетмадилар. Ниҳоят, Пеле — ўнг тиззаси оқ дока билан ўраб-чирмалган — оқсоқлана-оқсоқлана майдонга қайтди. Лекин у югуролмас, зўр-базўр юрар, онда-сонда тўп унга

етиб келар, энди ундан тўпни тортиб олишга рақиблар ташланмасдилар ҳам, Пеле чап оёғида секин тепиб тўпни ён-веридидаги шерикларидан бирортасига узатарди, холос. Алам қиларли жойи шундаки, Пеле майдонни ташлаб чиққан тақдирда ҳам ўша пайтдаги низомига кўра ўйинчиларни алмаштириш ҳуқуқи йўқ эди. Хуллас, Бразилия терма командасининг кучи шу тариқа синдирилди. Ва яна мағлубият: 1:3! Кўз ўнгимда: Пеле кўз ёшларини тутолмай, ожиз, абгор бир аҳволда майдонни тарк этяпти. У номардлик қурбони бўлди-ку! Ҳалол курашда эмас, ҳуфия, «сездирмай» тепиш қурбони бўлди!

Наҳотки, катта футболчилар ҳам шундай пасткашликдан тоймаса?! Висентедек ҳимоячи зиммасидаги топшириқни шу тариқа ўринлатишни ўзига лойиқ кўрган бўлса?!

Беихтиёр ўйлаб қоласан, киши: наҳотки, ҳимоячига «фалон ҳужумчини жароҳатлайсан» деб топшириқ берадиган тренерлар ҳам бўлса? Ахир очикдан-очик қўполлик ожизлик, разиллик аломати-ку?!

1988 йилги «Эйнхovens» (Голландия) ва «Бордо» (Франция) учрашувидаги воқеа бу саволга жавоб бўлади. «Эйнхovens» ҳимоячиси Гилхаус минглаб томошабинлар, миллионлаб телетомошабинлар кўз ўнгида «Бордо»нинг ярим ҳимоячиси машҳур футболчи Тиганани тепиб ағдараётгани туширилган фотосурат жаҳон газеталари саҳифаларига тарқади. Машмашанинг ғаразли «илдизи» кейин фош бўлди. «Эйнхovens» ҳимоячиси Рон Коeman журналга берган суҳбатида Гилхауснинг «боплади» деб таърифни келтирди. «Тигана кучли ўйинчи-да, уни жароҳатламасак ишимиз чатоқлашарди, Гилхауснинг ишини қўллаб-қувватладик», деди у. Тўғри, бу ошкоралик Коemanга қимматга тушди, у уч ўйиндан четлаштирилишига қўшимча 5 минг доллар жарима ҳам тўлади. Бироқ, Коemanнинг эътирофи, очикдан-очик жароҳатлашлар сир-асрорига қисман бўлса-да, ойдинлик киритади. Бундан чиқди, Висенте ҳам ўша 66-йили дўстларининг, тренерининг олқишига сазовор бўлгандир?.. «Бопладинг» деб унинг елкасига қоқишгандир командадош дўстлари?..

Ҳар қалай пасткашлик, тубанлик ғолиб чиқди ўша учрашувда. Лекин шахсан Висентенинг ўзи унинг наҳидасини узоқ тоتماди. Қайтар дунё қисмати ҳадемай унинг бошига не кунларни солмади. Ўша йилнинг охирида у ўз юртида мотоцикл ҳайдаб кетаётган автомашинага урилиб оғир жароҳатланди. Висенте узоқ вақтгача касалхонада ётиб қолди, табиий, топиш-тутиш таноби тортилди. Шунда у ўз номига келган катта пулномани олади. Не кўз билан кўрсинки, пул Бразилиядан... Пеленинг беминнат-бегараз ёрдами эди!..

Фақат Пелега хос олижаноблик эди бу!

Амстердам. Голландия — Бразилия ўртасидаги ўртоқлик учрашуви. Қизгин кураш борапти. Ўйин тугай-тугай деярлик сўнгги дақиқада голланд футболчиларининг кетма-кет ҳужуми ниҳоят ажойиб гол билан якунланди. 1:0 — ғалаба! Стадионни тўлдириб ўтирган томошабинлар ғалаба наҳидасидан маст. Фақат бир ўспирин йигит — ёш футболчининг хаёли ҳеч кимнинг эсига келмаган бир ният билан ёнмоқда эди. У стадиондан бошқалардан илгарироқ чиқди-да, ўзини Бразилия терма командаси кийимхонасига урди ва... орадан бир неча ҳафта ўтгач, ўша йигитча Бразилияга қуйидаги хатни жўнатди:

«Жаноб Пеле! Мана, бир неча ҳафтадирки, сизга хат ёзишга журъат қилолмайман. Қилиб қўйган айбимга икром бўлганимдан қайналяпман. Лекин қандай бўлмасин бор гапни сизга ҳикоя қилишим шарт. Афсуски, Бразилия жуда олисда. Яна қачон Амстердамга келасиз, билмайман. Шунинг учун хат жўнатишга мажбур бўлдим...»

Жаноб Пеле! Ўтган йили баҳорда Бразилия терма командаси шахримизга келганида мен ўғирликка қўл урдим. Мен дунёдаги энг машҳур «10» рақами ёзилган сизнинг майкангизни ўғирладим. Мен ёш футболчиман, сизнинг майкангизни кийиб майдонга тушсам ўртоқларимни лол қолдираман деб ўйлагандим. Майкангизда қандайдир сеҳр бор деб ўйлагандим. Буюк футболчи бўлиш орзусида эс-ҳушимни йўқотиб қўйибман.

Майкангизни бор-йўғи икки дақиқа кийиб турдим, жаноб Пеле! Кўзгуга қарадим, уялиб кетдим, уялмай-нетмай ўғирлик қилганимга, футбол қироли кифасига киришни шу йўл билан амалга ошироқчи бўлганимга жуда-жуда афсусландим.

Ўртоқларим келмасидан бурун майкани ечдим, яширдим... Ўша кунни жуда бўш ўйнадим. Тўп оёғимдан тушиб кетаверди. Худди майдонга биринчи марта тушган боладай югуролмадим. Ўйиннинг иккинчи ярмида тренеримиз менинг ўрнимга бошқа ўйинчини туширди майдонга. Шу-шу майкангиз менда, ўзим эса тамом ҳаловатимни йўқотдим. Сўнг черковга бордим, тавба

қилдим. Роҳиб тавбамга қулоқ солгач, сизга хат ёзиб уэр сўрашимни ва майкани қайтаришим зарурлигини маслаҳат берди. Мана, энди бирдан-бир мақсадим майкани Сизга қайтариш. Мактуб ёзаману, майкани жўнатаман. «Бразилияга. Жаноб Пелега» деб ёзсам бас-да, почтальонлар билан адресингизни.

*Яна бир карра уэр сўрайман сиздан.
Салом билан Кеес, Амстердам».*

Тўғриси айтганда, Пеле ўз номига келадиган минглаб хатларнинг қай бирини ўқишга улгуради, дейсиз. Лекин 15 ёшли голланд футболчисининг виждон азобида ёзган хати оддий бир тасодиф билан Пеленинг назарига тушди. Шахсий котибаси голланд тилида ёзилган хатни таржима қилиб бергач, Пеле уни ўқиди, шу заҳоти қисқача жавоб мактубини битди:

«Кеес!

Йўқ, сиз мутлақо ўғри эмассиз! Сиз футболни ниҳоятда севаисиз, холос. Шундай экан, майкани Пеле ва Бразилия командасидан совға сифатида сақланг. Голландияга яна борганимизда, биз яшайдиган меҳмонхонага келинг. Сиз билан бажонидил танишамиз.

Пеле».

Футболга жони-жаҳонини баҳшида қилган болакайларни кўрганда, футбол ўйинларини томоша қилаётиб баъзан бир неча йил илгари бўлган шу воқеани эслайман. Футбол, футболчи, виждон ҳақида ўйлайман.

Машҳур кишиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юриш-туриши, гап-сўзи кўпчилик омма назарида бўлади, шунинг учун ҳам уларни виждонли ё виждонсизга «чиқиши» осон кўчади. Пеле эса айниқса бундай юзаки ҳукм — тезпишар таъриф тавсифларга кўплаб дуч келган.

1971 йили Пеле Нью-Йоркнинг «Космос» командасига ўтишга розилик билдирди. Бундан хабар топганлар уни хиёнаткорликда айблаб бошладилар, унга йўқ ердаги маломатларни ёғдира бошладилар. Қизик, Пеле 15 йил кўз очиб кўрган «Сантос» шарафини ҳимоя қилганини, Европа (айниқса Италия) футбол ишбилармонлари оғзига сиққанча бойлик ваъда қилишганида ҳам ўз командасини тарк этишни хаёлига келтирмаганини эста келтирмади ишқибозлар. 15 йиллик фидокорона меҳнат, шунча йил мобайнида сон-саноксиз саодатли онларни ҳада этган, ўз мухлислари кўнглини кўкларга кўтарган «қирол»нинг хизматлари унутилди гўё!..


Аслида эса Пеленинг «Космос»га ўтиши мутаасиб ишқибозлар ўйлаганчалик енгил-елпи ҳал қилинмади.

Нима бўлдию, Клиф Той исмли жонкуяр АҚШда футболни оммалаштириш ва шу мақсадда «Космос» командасини тузиш тадорикига тушиб қолди. У ишқибозлар кўплигига умид бошлади. Буни қарангки, футбол мухлисларининг учрашувига Нью-Йоркдек шахри азимда... атиги икки кита ишқибоз келибди. Той бошлаган ишини охирига етказмай тинчийдиганлардан эмас экан. У мақсадига етишнинг бирдан-бир оқилона йўлини топади — футбол қиролини жуда усталик билан «Космос»га таклиф этади. Чунки, Пеле ўтган — 1970 йилги жаҳон биринчилигидан сўнг футбол билан хайрлашишини айтганлигидан Клиф Той хабардор эди-да! (Демак, Пеле «Сантос»ни ташлаб «Космос»га ўтмади — жонажон командаси ва жони-жаҳони бўлмиш санпаулолик мухлисларига хиёнат қилмади, балки футболни тарк этгач борди Нью-Йоркка!) Америкалик бу футбол жонкуярининг тарафдорлари кўпайди, ҳатто АҚШ давлат секретари Генри Киссенжер шахсан илтимос қилишгача борди иш. Қолаверса, бутун умри, борлигини футболга баҳшида этган Пеле АҚШдек йирик мамлакатда футбол тарғиботчиси бўлишдек шарафдан бош тортиши мумкин эмасди.

«Менинг қўлимдан келгани туганмас футбол гўзаллигидан бир шингили холос,— деган эди ўшанда Пеле ўзига хос камтарлик билан.— Майли, америкаликларга футболни қандай ўйнаш кераклигини кўрсатаман, уни ёқтириш-ёқтирмаслик эса ўзларининг таъби».

Биз футбол оммалашмаслигига кўплаб важкарсонларни рўкач қиламиз, аслида эса футбол санъаткорлари ижросидаги футбол спектакллари дан кўра буюроқ тарғибот усули йўқ. АҚШда ҳам шундай бўлди: футболни ёқтирмайдиганлар шахрида дастлабки йили «Космос» ўйинларини 62 минг томошабин стадионга келиб кўрди. Орадан ўтган 3—4 йил ичида Шимолий Америка футбол лигаси учрашувларига келадиган ишқибозлар сони йилига 3 миллиондан ошиб кетди.

(Давоми бор)



Д. МУРСАЛИМОВ чизган расми.

1. Икки хонали сон $10x + y$ билан $10y + x$ соннинг йиғиндиси $11(x + y)$ га тенг. Агар бирор соннинг квадрати 11 га бўлинса, y ҳолда бу сон 121 га ҳам бўлинади. Демак, $x + y = 11k^2$, бу ерда k -натурал сон. Аммо $x + y \leq 18$, бироқ бу ораликда 11 га қаррали бўлган фақат биттагина сон бор, яъни $x + y = 11$. Шунинг учун рақамлари йиғиндиси 11 га тенг бўлган ҳар қандай икки хонали сон ва фақат шундай сонгина масала шартини қаноатлантиради. Бу сонлар қуйидагилар:


29, 38, 47, 56, 65, 74, 83, 92.

2. Масала шартига кўра $10^6 < P^6 < 10^7$

Бу тенгсизлиқни эса $11, 12, 13$ ва 14 натурал сонларгина қаноатлантиради ҳолос. Берилган етти рақамлар йиғиндиси 3 га бўлинишидан P^6 сони ҳам 3 га бўлинади, яъни P нинг 3 га бўлиниши келиб чиқади. Бундан $P = 12$ эканлигини топиш қийин эмас. Демак, $12^6 = 2985984$. Жавоб: $P = 12$.

3. ABCD қавариқ тўртбурчак томонларининг ўрталари E, K, M, P нуқталар бўлсин. (1-расмга қаранг).

EK // AC, PM // AC бўлганликлари учун EK // PM бўлади. Худди шунингдек EP // KM эканлигини ҳосил қиламиз. EKMP тўртбурчакнинг қарама-қарши томонлари ўзаро параллел бўлганлиги учун бу тўртбурчак параллелограммдир.




Шуни исботлаш керак эди.

4. Масала шартларига биноан яшашни амалга оширамиз. ABCD параллелограммининг юзини x см² деб олсак,

BB₁C₁ учбурчакнинг юзи $3x$ см² га тенглигини топамиз. (2-расмга қаранг). Худди шунингдек, AA₁B₁, A₁DD₁, CC₁D₁ учбурчаклар ҳар бирининг юзи $3x$ см² га тенг бўлишини кўриш қийин эмас. Демак, A₁B₁C₁D₁ нинг юзи $13x$

см² бўлар экан. У ҳолда A₁B₁C₁D₁ нинг юзи ABCD юзидан 13 марта катталиги келиб чиқади.



5. Берилган тенгламани қуйидагича ёзиб оламиз: $x^5 y - xy^5 - 1989$. x ва y лар бутун сонлар бўлгани учун $x^5 y$ ва xy^5 сонларининг жуфт-тоқлиги бир хил бўлади. Демак, $x^5 y - xy^5$ айрма жуфт сон бўлади. Тенгламанинг ўнг томони эса тоқ сон. Бундан тенглама бутун ечимларга эга эмаслиги келиб чиқади.

Бадриддин РИХСИЕВ,
Тошканбой ҚУРҒОНОВ.

Химия:

1. Қуйидаги 2 та жадвалда моддалар орасида содир бўладиган реакция натижаларини акс эттирамиз:

| Моддалар | Ca(NO ₃) ₂ | MgSO ₄ | NaOH | Al ₂ (SO ₄) ₃ | K ₃ PO ₄ | SiCl ₂ | Ташқи аломатлар сони |
|---|-----------------------------------|-------------------|------|---|--------------------------------|-------------------|----------------------|
| Ca(NO ₃) ₂ | — | ↓ | — | ↓ | ↓ | — | 3 |
| MgSO ₄ | ↓ | — | ↓ | — | — | — | 3 |
| NaOH | — | ↓ | — | — | — | — | 3 |
| Al ₂ (SO ₄) ₃ | ↓ | — | ↓ | — | ↓ | — | 3 |
| K ₃ PO ₄ | ↓ | ↓ | — | ↓ | — | ↓ | 4 |
| SiCl ₂ | — | — | ↓ | — | ↓ | — | 2 |

Бу жадвалдаги маълумотлар кальций нитрат ва магний сульфат билан алюминий сульфат концентрациялари эритмада кальций сульфат кристалларини ҳосил қилиш учун етарли бўлган ҳолга тўғри келади.



Кўк-яшил рангли эритма тутган пробиркада мис (II) хлорид борлигини реакция ўтказмасдан ҳам аниқлаб олиш мумкин. Тўрт марта чўкма ҳосил қилган пробиркада калий фосфат бор бўлганлигидан дарак беради. Мис хлорид эритмаси ёрдамида натрий ишқор тутган пробиркани топиш қийин эмас. Топилган ишқор эритмасидан фойдаланиб, қолган учта пробиркада кальций нитрат (ишқор эритмаси билан реакция аломатларини кўрсатмайди), магний сульфат (мўл миқдорда ишқор қўшилганда эримайдиган чўкма ҳосил қилади) ва амфотер хоссага эга бўлган алюминий гидроксид ҳосил бўлиши натижасидан фойдаланиб алюминий сульфатни ҳам аниқлаб олиш мумкин.

| Моддалар | Ca(NO ₃) ₂ | MgSO ₄ | NaOH | Al ₂ (SO ₄) ₃ | K ₃ PO ₄ | SiCl ₂ | Ташқи аломатлар сони |
|---|-----------------------------------|-------------------|------|---|--------------------------------|-------------------|----------------------|
| Ca(NO ₃) ₂ | — | — | — | — | ↓ | — | 1 |
| MgSO ₄ | — | — | ↓ | — | — | — | 2 |
| NaOH | — | ↓ | — | ↓ | — | ↓ | 3 |
| Al ₂ (SO ₄) ₃ | — | — | ↓ | — | ↓ | — | 2 |
| K ₃ PO ₄ | ↓ | ↓ | — | ↓ | — | ↓ | 4 |
| SiCl ₂ | — | — | ↓ | — | ↓ | — | 2 |


Иккинчи жадвалдаги маълумотлар анализ учун берилган эритмалар концентрацияси кальций сульфат кристаллари ҳосил бўлиши учун етарли бўлмаган шароитга тўғри келади.

Бу ҳолда кальций нитрат, ишқор ва калий фосфат тутган пробиркаларни ташқи аломатлар сонидан фойдаланиб аниқлаб олиш мумкин. Шу билан бирга юқорида айтилгандек мис хлорид бўлган пробиркани рангидан топилади. Магний ва алюминий сульфатларни бир-биридан ишқор эрит-

маси ёрдамида аниқлаш имконияти юқорида таҳлил қилинган эди. Кузатиладиган реакция тенгламаларини ионли ҳолда ёзамиз:



2. Берилган ишқор эритмасининг массаси 100 г бўлсин деб қабул қиламиз. Эритмадаги ишқор массаси $11,2$ г бўлади.



112 г ишқорни нейтраллаш учун 98 г сульфат кислота талаб этилар экан (реакция тенгламаси бўйича), унда $11,2$ г ишқор учун эса $9,8$ г сульфат кислота керак бўлади. Масала шартига биноан 1 г кислота эритмасида $0,245$ г сульфат кислота бўлиб, нейтраллаш учун керак бўлган $9,8$ г кислота эритманинг 40 г миқдориди ($9,8 : 0,245$) бўлади.

Эритманинг умумий массаси 140 г ($100 + 40$) бўлади. Нейтраллаш реакциясида ҳосил бўлган калий сульфат массаси $11,2 \cdot 174 : 112 = 17,4$ г бўлади, эритманинг процент концентрацияси эса $17,4 \cdot 100 : 140 = 12,43$ процент бўлади.

3. Эритмада ҳосил бўлган хлорид кислота концентрацияси 1 моль/л бўлсин деб қабул қилсак, эриган водород хлорид ҳажми $22,4$ л ва массаси $36,5$ г бўлади. Шу массага эга бўлган водород бромиднинг мол миқдори $n = 36,5 : 81 = 0,45$ моль

ёки унинг ҳажми $22,4 \cdot n = 22,4 \cdot 0,45 = 10,09$ л бўлади. Водород бромид билан водород хлорид ҳажмлари $10,09 : 22,4 = 1 : 2,22$ нисбатига бўлар экан. Мулоҳазаларни бошқача ҳам олиб бориш мумкин. Газ моддаларининг массалари орасидаги нисбат улар ҳажми билан молекуляр массалар кўпайтмасининг нисбатларига тенг:

$m(HCl) : m(HBr) = M(HCl) \cdot V(HCl) : M(HBr) \cdot V(HBr)$
Масала шартига кўра $m(HCl) : m(HBr) = 1$ бўлса, $81 \cdot V(HBr) = 36,5 \cdot V(HCl)$ бўлади. Унда $81 : 36,5 = V(HCl) : V(HBr) = 2,22$ ёки $V(HBr) : V(HCl) = 1 : 2,22$ бўлади.


4. Масала шартига катталикларни қуйидагича ифодалаймиз: $m_1 = nA_1 + nA_2$, $m_2 = n(A_1 + 16) + n(A_2 + 16)$ ва $m_2 : m_1 = 1,21$. У вақтда $[n(A_1 + 16) + n(A_2 + 16)] : (nA_1 + nA_2) = 1,21$ ифодадан $0,21(A_1 + A_2) = 32$ ни топамиз. Бу тенгликдаги A_2 ни $2,8 A_1$ билан алмаштираёқ $A_1 = 40,1$ (кальций) ва $A_2 = 112,3$ (стронций) ни аниқлаймиз.

5. Бинар бирикманинг моляр массасини M билан белгилаймиз. Агар оксид молекуласи n дона кислород атомини тута, унда кислота молекуласи $(n + 2)$ дона кислород атомларига эга бўлади, унинг моляр массаси $(M + 36)$ бўлади. Тенгламалар системасини тузамиз:

$$16n : M = 0,47, M = 68. 16(n + 2) : (M + 36) = 0,615$$

ёки $n = 2$ бўлади.


Демак, 1 моль оксид таркибида $68 - 16 \cdot 2 = 36$ (г) иккинчи элемент бор экан. Бу оксид формуласи $Э_2O_2$ бўлади. Агар $x = 1$ бўлса, $A_1(Э) = 36$, бу қиймат хлорнинг атом массасига яқин. Бунга тегишли оксид ClO_2 ни хлорат кислотани парчалаб олинади:



Агар $x = 2$ бўлса, $A_1(Э) = 18$ бўлади, бундай элемент йўқ.

Агар $x = 3$ бўлса, $A_1(Э) = 12$ бўлиб, унда бу элемент углеродга тўғри келади. Бу оксид формуласи C_3O_2 бўлади. Углероднинг тўрт валентлиги ва кислороднинг икки валентлиги ҳамда молекула чиқиқли тузилишга эга бўлиш шarti қуйидаги структур формулага олиб келади: $O=C=C=C=O$

Бундай структурага эга бўлган бирикмени учта углерод атоми тутган икки асосли кислота — малеин кислотасини дегидратацияси натижасида олиш мумкин. Кислотани дегидратация қилишда қатнашадиган модда сифатида одатда фосфор ангидриди ишлатилади:



Бу модда рангсиз, нафас йўллари билан бўғувчан газ, қиздирилганда ёки вақт ўтиши билан полимерланади ва қизил рангли маҳсулот — $(C_3O_2)_n$ ни ҳосил қилади. Юқори температурада қуйидаги реакция тенгламаси бўйича парчаланadi:



А. МУФТАХОВ

Сиз, азиз журналхон жисмлар электр токини ўтказиш хоссаларига қараб ўтказгичлар, ярим ўтказгичлар ва диэлектрикларга (изоляцияларга) бўлинишни яхши биласиз. Бу ҳақда дарсликларингизда кўп ва хўп ёзилган. Ўтказгичларнинг ўзи ҳам 2 га: нормал ўтказгичлар ва ўта ўтказгичларга бўлинади. Бугун сиз билан ўта ўтказгичлар ҳақида суҳбатлашамиз.

1911 йили машҳур голланд физиги, Лейден университети паст ҳароратлар лабораториясининг асосчиси ва раҳбари — Камерлинг Оннес симоб металлининг электр қаршилигини ҳароратга боғлиқлигини текшираётганда электрнинг қаршилиги ўтказадиган ўтказгичларни аниқлаган эди. Симобнинг электр қаршилиги ҳарорат тахминан 4,2 К (-269°C) га яқинлашганда кескин, яъни бошлангич қийматидан миллион марта камайди. Бу ку-

бирлари билан боғланмаган ҳолда Ж. Бардин, В. Купер, Ж. Шриффер (АҚШ) ва Н. Н. Боголюбов (СССР) томонидан яратилган. Бу назарияни муаллифлар фамилиясининг бош ҳарфларидан ташкил топган қисқача БКШ назарияси деб аталади. Хўш, БКШ назарияси нима ўзи?

Маълумки, ўтказгичдаги электр токининг оқими ўтказувчан электронларнинг тартибли ҳаракати натижасида содир бўлади. БКШ назарияси ўтказувчан электронларнинг иккита-иккитадан бўлиб жуфтлашишига асосланган. Жуфтлашиш электронларнинг кристалл панжара тебраниш тўқинлари (фононлар) орқали ўзаро таъсири натижасида содир бўлади. Бу электрон жуфтларнинг импульслари йиғиндиси 0 га тенг. Электронлар жуфтлашганда уларнинг умумий энергияси камайишни биринчи бўлиб Л. Купер кўрсатган.

йили ўта ўтказгичлар олиш учун анъанавий металллар ўрнига уларнинг оксидларидан, яъни металл оксидларидан фойдаланишга эътибор беришди. Узоқ давом этган изланишдан сўнг 1986 йил январда лантан-барий-мис-кислород бирикмаси асосида ҳарорати $T_K \sim 13\text{ K}$ га тенг бўлган ўта ўтказгич олинди. Шу йилнинг апрель ойида 35 K ва декабрь ойида юқоридаги материал учун баъзи технологик ўзгаришлар киритиш йўли билан T_K ҳарорати 45 K гача кўтарилди. Баъзи олимлар T_K нинг бундай кескин кўтарилишига ишончсизлик билан қарашди. Бироқ кўпгина олимларда бу эришилган муваффақият катта қизиқиш уйғотди. Токио университетининг мутахассис олимлари бу материалларни ҳар томонлама ўрганишга киришди. Улардан сўнг ўта ўтказгичлар Хитой, АҚШ ва бутун жаҳон физикларининг қизиқишини кучайтирди. Иттирий-барий-мис-кислород бирикмаси асосида олинган юқори ҳароратли ўта ўтказгичнинг T_K температураси 100 K гача кўтарилди. Бу муваффақиятга 1987 йил февраль ойида Хьюстон университети мутахассис физиклари Пол Чу бошчилигидаги лабораторияда эришилди. Бу ютуқнинг жаҳонда қандай баҳоланганини Г. Бернорс ва А. Мюллерни 1987 йили физика соҳаси бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлишидан билса бўлади. Улар бу мукофот билан ЮТУУ керамикани тажрибада кузатганликлари учун тақдирландилар.

Тошкент Давлат университетида ҳам 1987 йил май ойидан бошлаб юқори ҳароратли ўта ўтказгичлар соҳаси бўйича Совет Иттифоқи фанлар академиясининг П. Н. Лебедев номидаги физика институти билан ҳамкорликда илмий текшириш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳамкорлик натижасида ҳозирги вақтда биз ўзимизнинг лабораторияда ЮТУУ материаллар олдик ва уларнинг физик хоссаларини ҳар томонлама ўрганишамиз.

Охириги олинган хабарларга кўра таллий-барий-кальций-мис-кислород элементларидан ташкил топган 125 K ҳароратда тўла ўта ўтказувчан ҳолатга ўтувчи бирикма олинди. Ҳозирги кунда олинган ЮТУУ ларда критик температура 285 K бўлган материаллар ҳам олинди, лекин булар турғун эмас, яъни термоцикл давомида уларнинг ҳарорати T_K кескин камаяди. Бу олинган натижалар шуни кўрсатадики, яқин орада критик ҳарорати хона температурасига яқин ва ундан юқори критик ҳароратга эга бўлган ЮТУУ олинади. Бу соҳада эришилган бугунги муваффақият ўта ўтказувчанлик ҳақидаги фаннинг келажаги порлок эканлигини кўрсатади.

Маълумки, жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 30—40 фоизи атмосферани иситиш учун сарфланади, яъни электр токи узатилаётганда ўтказгичдан Жоуль иссиқлиги ажралиб чиқади. Агар шу электр тармоқлари ўта ўтказгичдан бўлса бу сарф ўз-ўзидан барҳам топади. Ишлаб чиқарилган электр энергия эса тўлигича истеъмолчига етиб боради. Агар ўта ўтказгичларнинг идеал диамагнит хоссаси, яъни Мейсснер эффектидан фойдалансак, у ҳолда биз юқори тезлик ($400\frac{m}{s}$ — $500\frac{m}{s}$) билан ҳаракатланадиган бўғинлари мойланмайдиган ҳаракат транспортига эга бўламиз. Бундай тажрибадаги поездлар ҳозирги вақтда Японияда, ГФР ва АҚШда ҳаракат қилмоқда.

Ўта ўтказгичларни микроэлектроникада ҳам кенг қўллаш мумкин. Ўта ўтказгичларнинг яна бир ажойиб амалий тадбиқи бу уларда Жозефсон ҳодисасининг ва электронларнинг тунеланиш ҳодисасининг бажарилишидир. Электронларнинг тунеланиш ҳодисасини кузатганликлари ва назарий асослаганликлари учун И. Гнавер ва Б. Д. Жозефсон (АҚШ) 1973 йилда физика соҳасидаги Нобель мукофотиغا сазовор бўлдилар.

Жозефсон токи магнит майдонида, ўта юқори частотали электромагнит нурланишга жуда сезгирдир. Ўта ўтказгичларнинг бу хоссаларидан фойдаланиб ҳар хил мақсадларга мўлжалланган детекторлар яшаш ва Электрон ҳисоблаш машиналари элементларида кенг қўллаш мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллар ўта ўтказувчан материалларнинг қўллаш соҳаси кенглигини кўрсатади. Демак, юқори ҳароратли ўта ўтказгичлар XXI аср ўтказгичлари эканлигини ва уларнинг фан, техника ва халқ хўжалигидаги аҳамияти чексиз деган хулосага келсак бўлади.

Даврон ЖУРАЕВ,
Мирзааҳмад ҚУРБОНОВ.

ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАР

тилмаган ҳодиса ўта ўтказувчанлик деб ном олди. Камерлинг Оннес мазкур кашфиёти ҳамда паст ҳароратли физика соҳасида эришга ютуқлари учун 1913 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланди. Шунинг ўзиданоқ ўта ўтказгичлар фан тараққиётида катта воқеа эканлигини билиш мумкин.

Ўта ўтказувчанлик ҳодисаси топилгандан сўнг ундаги содир бўладиган турли хил физик хоссалар чуқур ўрганила бошланди. Ана шундай физик хоссаларнинг асосийларидан бири кучсиз магнит майдонининг ўта ўтказувчан жисм ҳажмига кирмаслиги бўлиб, у 1933 йилда немис физиклари В. Мейсснер ва Р. Оксенфельд томонидан топилди. Бу ҳодисани дурустроқ тасаввур қилишингиз учун бир неча мисоллар келтирамиз. Масалан, ўта ўтказувчан ҳолдаги материални олиб магнит майдонига ўрнатдик, энди магнит майдонининг куч чизиқлари унинг ичига кирмайди. Яъни материални айланиб ўтади. Буни қуйидаги тажриба орқали яқоқ кўриш мумкин. Магнит ҳалқа ва ўта ўтказувчан материални олиб уларни бир-бирининг устига қўйинг. (1-расм). Расмда кўрсатилган-

Шунинг учун бу электрон жуфтлар Купер жуфтлари деб ҳам аталади.

Ж. Бардин, Л. Купер ва Д. Шриффер ўта ўтказувчанлик ҳодисасини шу Купер жуфтлари орқали тушунтира оладиган назария яратганлари учун 1972 йилги физика соҳаси бўйича халқаро Нобель мукофотини олдилар.

Материалларнинг ўта ўтказувчанлиги ўта ўтказувчанлик ҳолатига ўтиш ҳарорати (критик ҳарорат — T_K) Мейсснер эффектининг бажарилиши ва Купер жуфтларининг ажратувчи энергияси билан аниқланади.

Ўта ўтказувчанликни белгиловчи асосий катталик — бу уларнинг критик ҳароратидир. Биласиз, ўтказгичдан ток ўтаётганда унинг электр қаршилиги 0 дан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ундан иссиқлик ажралиб чиқади. Сиз бу иссиқлик Жоуль иссиқлиги деб аталишини дарслигингиздан ўқиб олгансиз. Демак, ўтказгичдан ток ўтаётганда унинг анчагина қисми иссиқликка ажралиб чиқиб кетади. Ўта ўтказгичнинг қаршилиги эса нолга тенг. Ўта ўтказгичда қаршилиқ бўлмагани учун улар ҳеч қандай сарфсиз ток ўтказа олади. Лекин бу токнинг ҳам маълум чегаравий қиймати бор, у критик ток деб қабул қилинган. Ўта ўтказгичнинг имкониятлари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун битта мисол келтирмоқчиман. Маълумки, мис ва олтин энг яхши ўтказгич ҳисобланади. Бироқ, ўта ўтказгичли материалларнинг имконияти шу қадар каттаки, уларнинг олдида мис ва олтин ҳеч нарсага ярамайди деб дадил айтиш мумкин. Нега? Негаки ўта ўтказгич учун критик ток (I_K) ўша энг яхши ўтказгичлар бўлган мис ва олтиндан минг, ҳатто миллион марта каттароқдир.

Ўта ўтказгичдан ток ўтганда унинг атрофида магнит майдони ҳосил бўлади. (Ампер қонуни) Демак, қанча катта ток ўтса, шунчалик катта магнит майдони ҳосил бўлади.


Ўта ўтказгичга таъсир қилувчи магнит майдоннинг ҳам чегаравий қиймати бор, яъни ўта ўтказгични нормал ҳолатга келтирувчи критик магнит майдон (H_K) деб аталади.

Ўта ўтказгичларнинг ҳарорати — T_K ундан ўтаётган ток I_K ва магнит майдони H_K га пропорционалдир. T_K ни юқорида кўтариш бу демак I_K ва H_K нинг қийматларини ҳам кўтаришга олиб келади.


Ўта ўтказувчанларда T_K ни кўтариш, яъни юқори ҳароратли ўта ўтказгичлар (ЮТУУ) яратиш учун жаҳоннинг кўпгина олимлари лабораторияларда кенг миқёсда илмий текшириш ишларини олиб бормоқдалар. 1986 йилгача юқори ҳароратли ўта ўтказгич ниобий германий бирикмаси асосида эди. Бу бирикма учун $T_K \sim 23,2\text{ K}$ га тенгдир.

Агар ўта ўтказувчанлик 75 йил давомида 19 K га, яъни ҳар бир йилда 0,25 K га ошган бўлса, 1986 йилга келиб ўта ўтказувчанлик соҳасида кескин ўзгариш содир бўлди. ЮТУУ T_K ҳарорати — 100 K бўлган металлокерамик ўта ўтказгичлар олинди. Буни жаҳон олимлари физика соҳасидаги атом физикадан кейинги жаҳоншумул ихтиро деб атамоқдалар. Металлокерамик ўта ўтказгичларнинг яратилиш тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз:

Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги IBM фирмасининг филиали лабораториясининг физик олимлари Георг Бернорс ва Алекс Мюллер 1983



нидек, ўта ўтказгич ва магнит бир-бирига тегиб турибди. Нормал ҳолатда бўлгани учун магнит билан ўта ўтказгич ўзаро таъсирланмади. Энди ўта ўтказгичнинг ҳароратини пасайтириб уни ўта ўтказувчан ҳолатга ўтказамиз. Шунда у магнит билан ўзаро таъсирланиб, магнитдан маълум бир баландликка кўтарилади ва муаллақ ҳолда туради (2-расм). Ўта ўтказувчан ҳолат қанча давом этса, муаллақ ҳолат шунча давом этаверади. Шунга ўхшаш магнит ҳам ўта ўтказувчан ҳолдаги материал билан ўзаро таъсирланиб, ундан маълум бир баландликка кўтарилиши мумкин. Бу ҳодисалар 3- ва 4-расмларда кўрсатилган.



Фақатгина ўта ўтказувчиларга боғлиқ бўлган бу ҳодиса Мейсснер Оксенфельд эффекти, кўпинча Мейсснер эффекти деб юритилади. Бу ҳодиса ўта ўтказгичларнинг магнит билан ўзаро таъсири маҳсулидир.

Ўта ўтказувчанлик ҳодисаси узоқ давом этган илмий изланишлардан сўнг фақатгина 1957 йилда, яъни аниқланганидан 46 йилдан сўнг назарий асосга эга бўлди. Бу жаҳоншумул назария бир-

ЕШ КУЧ

МОЛОДАЯ СМЕНА

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний, безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ
1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 5 (47) май 1990

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

Бош муҳаррир
Худойберди ТҲТАБОВЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Шохруҳ АКБАРОВ
(масъул котиб)
Шухрат АЛЛАМУРOTOV
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Хуршид ДҲСТМУХАММАД
Мирза КЕНЖАБОВЕВ
Эркин МАЛИКОВ
Латиф МАХМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Неъмат НОРХОНОВ
Ҳакимжон ПИРМУХАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ

Александр ФАЙНБЕРГ
Пирмат ШЕРМУХАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Мухаммаджон ҚОРАБОВЕВ

Бадий муҳаррир:
Султон СУЛАЙМОНОВ
Тех муҳаррир:
Улуғбек ЯКВАЛХҲЖАЕВ

«Еш куч» («Молодая смена») — ежесечный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Мақонимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари — 78—94—67.
Масъул котиб — 78—75—94.
Масъул котиб ўринбосари — 78—94—73.
Бўлимлар:

Мақаб ва комсомол ҳаёти — 78—57—84.
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат — 78—48—85.
Хатлар — 78—85—64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди. Журналдан кўчириб

босилганда «Еш куч» — «Молодая смена»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

© «Еш гвардия» нашриёти.
5. Май, 1990 й.

Босмаҳонага туширилди 13.03.90. Босишга рухсат этилди 4.04.90. Р—07739. Офсет усулида чоп этилди. Китоб журнали учун офсет қоғози. Формати 70×108 1/8. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 550162 нусха. Буюртма 2818. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

ШИРИНЖОН



Ҳар оқшом уларнинг хонадонида куй ва кўшиқ садолари таралиб туради. Алишер мароқ билан пианино чалапти, Малика опа кўшиқ куйлапти, Нодира эса рақсга тушяпти. Оила бошлиғи — Уролбой ака бир четда ўтириб, бу ажойиб концерт номерларини томоша қилапти.

Санъат бу оила аъзоларининг ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган. Оила бошлиғи — Уролбой Раҳимов Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ёшларга мусикадан сабоқ берадилар.

Оила бекаси — Малика Раҳимова Ўзбекистон телевидение ва радиоси хорининг яккахон хонадаси.

Малика опа Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳридан. У ёшлигидан санъатга меҳр қўйди. Отаси Тожибой ака санъатга иштиёқманд кишилардан эди. Тожибой ака қизидagi санъатга бўлган меҳрни кўриб унга янги-янги кўшиқларни ўргатар, ёш Малика бўлса бу ўрганган кўшиқларини оиласидагиларга куйлаб берар эди.

Бу қизиқш Маликани катта санъат даргоҳига етаклади — у ўрта мактабни битиргач Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди. Бу даргоҳда таҳсил олиш йилларида Малика санъат сирларини чуқурроқ эгаллади. Буларнинг маҳсули ўлароқ «Келинг, ёр кўринг», «Танбурим», «Этайлик сайри боғ дўстлар» каби бир қатор кўшиқлари мухлисларга манзур бўла бошлади.

Онадаги қобилият фарзандлари — Нодира ва Алишерга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Нодира ёшлигидан онасининг кўшиқларини тинглаб, уларни ўзича хиргойи қилиб, шу куйга монанд рақсга тушиб юрар эди. Бу қизиқш борабора жиддий тус олди ва 8-синфни битиргач Тошкент маданий-оқартув техникумининг хореография бўлимига ўқишга кирди. Нодира бу илм даргоҳида устоз санъаткорлардан санъат сирларини чуқурроқ эгаллай бошлади. Техникумда ўтказилган кеча ва учрашувлардаги ҳиндча, афғонча, арабча, тожикча кўшиқлар тингловчиларга манзур бўлмоқда.

Нодиранинг укаси Алишер ҳам кичкиналигидан турли хил мусика асбобларига қизиқиб, уларни чалишни ўргана бошлади. Ҳозирда Алишер пианино, орган каби чолғу асбобларини маромига етказиб чала олади.

Фарзандларидаги санъатга бўлган меҳрни кў-

риб, Малика опада улар учун ансамбль тузиш орзуси туғилди.

Унинг бу орзуси 1989 йил сентябрь ойида амалга ошди. Тошкентдаги Актёрлар уйи қошида «Ширинжон» номи билан аталувчи эстрада ансамбли тузилди. Бу ишда хонанда Эгамқул Хўжамқулов яқиндан ёрдам берди.

Ансамблга Малика опанинг ўзлари раҳбарлик қила бошладилар. Нодира, Алишерлардан ташқари бу ансамблга Тошкент маданий-оқартув техникумини битирган ёш хонанда Шавкат Тошматов ҳам келиб қўшилди. Шунингдек, созанда Ҳамидулла Мирзаолимов ҳам бу ансамблга таклиф қилинди.

Тинимсиз меҳнат, ўз устида ишлаш натижасида ансамбль тез орада ўз кўшиқларига эга бўлди. Кўшиқлар пухта чиқишида, уларни маромига етказиб ижро этишда Малика опа билан биргаликда ансамблнинг мусика раҳбари Анвар Ганиевнинг хизматлари каттадир.

Ҳозирда ансамбль аъзолари Бўстонлик районининг кўпгина колхоз-совхозларида бўлиб, у ердаги меҳнаткашларга ўзларининг энг яхши куй ва кўшиқларини тақдим этишди.

— Нега ансамблнинг номини «Ширинжон» деб атадинглар? — деб сўрадим Малика опадан.

— Ансамблимиз ижро этаётган кўшиқларини рақслари томошабинларга манзур бўлсин, деган яхши ният билан шу номни танладик, — деб жавоб бердилар опа.

Ансамбль аъзолари ўз репертуарларини кундан кунга бойитиб бораптилар. Улар ҳар бир кўшиқ устида жиддий шуғулланишади, кўшиқ хоҳ араб тилида бўлсин, хоҳ ҳинд тилида бўлсин, унинг матнини ўзбекчага ағдариб, мазмунини тўла тушуниб, тингловчиларга тушунарли тарзда ижро этишади. Бу ишда уларга Ўзбекистон телерадиосининг араб, ҳинд бўлимлари яқиндан ёрдам бераптилар.




...Хонада куй янграмоқда — Малика опа кўшиқ куйлапти, Алишер пианино чалапти, Нодира рақсга тушяпти — «Ширинжон» камол топмоқда.

Нилуфар МИРЗАҲОШИМОВА

Суратларда: «Ширинжон» эстрада ансамблининг аъзолари.

Шахмат клуби

Клуб мутасаддиси
М. МУҲИДДИНОВ.



Диққат! Диққат! Диққат!
Конкурс давом этади!

Навбатдаги топшириқлар

(1, 2, 3, 4-диаграммалар)

Бу диаграммаларда 4 та этюд тасвирланган. Шарт: ҳаммасида оқлар бошлаб дуранга эришади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 4 тадан очко берилади.